

# «...БИР КУНЛИК МЕХНАТИ ҚАХРАМОНЛИКДИР»

Мабодо Хоразмга йўлингиз тушса, унинг серфайз далаларини, обод шаҳар-қишлоқларини кўриб, кенг ва равон йўлларини кезиб кўнглингиз яйрайди.

Президентимиз Ислон Каримов «Хоразм деҳқонининг бир кунлик меҳнати қахрамонликдир!» деган эди. Хоразм деҳқонининг меҳнатини бунданда қисқа, бунданда содда ва теран қилиб ифодалаб бўлмаслигига имон келтирасиз.

Дарҳақиқат Хоразм далалари қишда ҳам уйғоқ, деҳқонлари безовта, тинимсиз меҳнат билан банд.

Бу галги сўзимиз эса, «Хоразмпахтасаноат» ҳудудий акционерлик бирлашмаси, Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятларида амалга оширилаётган ишлар хусусида.

2002-2003 йилларда ишлаб чиқаришга жорий қилинган янги техника ва илғор технологиялар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш, корхоналарда ишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Хонқа, Гурлан, Янгибозор пахта тозалаш корхоналарида қисқа технология - УХК оқими ишга туширилди. Бу тадбир билан эски ускуналар янгисига алмаштирилди. Натижада электр қувватини иқтисод қилишга эришилди. Янгибозорда 3 дона, Урганчдаги корхонада 1 дона «Меҳнат» русумли йирик тозалагич қурилмавий жиҳатдан бутунлай қайта ўзгартирилди ва уларнинг иш унуми 5 тоннадан 12 тоннага ошди. Шунингдек, бу даргоҳларнинг кам харажат билан ишлашига эришилди.

Янгибозор пахта тозалаш корхонасида чигит ўлчаш учун СВП-600-10 русумли электрон тарози ўрнатилди. Худди шу русумдаги тарозилар тола тойини ўлчаш учун Урганч, Гурлан, Хонқа, Хива, Ҳазорасп, Янгиариқ, Боғот, Қўшқўпир пахта тозалаш корхоналарида ҳам ишга туширилди. Гурлан пахта тозалаш корхонасида қуриштиш-тозалаш цехи қайта жиҳозланди.

Тайёргарлик ва ҳозиржавоблик давр руҳига мосдир. Хўш, бу тадбирлар ишлаб чиқариш натижаларига қандай таъсир кўрсатди?

«Хоразмпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасида 2003 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35 млрд. 922 млн. 250 минг сўмни ташкил қилди. Режа 104,9 фоизга уддаланди. Хоразм деҳқонлари етиштириб берган 144272 тонна пахта хом ашёси қайта ишланди. Тола режаси ошиғи билан бажарилди.

Бирлашмада 2003 йилда ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун 660 млн 79 минг сўм маблағ сарфланди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказилган барча ижтимоий, маънавий-маърифий ва бошқа тадбирларда «Хоразмпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси кўлидан келганча ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади. Шунингдек, вилоятдаги шифохоналар, мактаблар ва бошқа муассасаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Хуллас, бу ердан олинган таассуротлар ёрқин ва умидбахш.

**Маҳмуд БҶРОНОВ.**



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ишлари  
вазирлиги**

**Бош муҳаррир:  
Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:

**Бобур АЛИМОВ,**  
**Нилуфар АЛИХОНОВА,**  
**Маҳмуд БҶРОНОВ**  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
**Бахтиёр ГАНЖАМУРОД,**  
**Неъматилла ИБРОХИМОВ,**  
**Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ**  
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
**Абдусайд КҶЧИМОВ,**  
**Отаназар МАТЌУБОВ,**  
**Абдусайд НУРБОЕВ**  
(масъул котиб),  
**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**  
**Абдулла ОРИПОВ,**  
**Шухрат РИЗАЕВ,**  
**Рустам ШОҒУЛОМОВ,**  
**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**  
**Жуманазар ҲУСАНОВ.**

Бўлим муҳаррирлари:

**Комил ЖОНТОЕВ,**  
**Манзура ШАМСИЕВА.**

Саҳифалаш ва дизайн:

**Беҳзод ИЛЌСОВ,**  
**Шахло ҲОШИМОВА.**

Мусаҳҳих:

**Муҳаббат ТҶХТАШЕВА.**

Фотомуҳбирлар:

**Дмитрий КУРЬЯКОВ,**  
**Тургунбек МАҲКАМОВ.**

Навбатчи муҳаррир:

**Манзура ШАМС.**

## Ушбу сонда:

**Файзулла АБЗАМОВ**

**Электрон рақамли имзо нима?**

4

**Собир ҲНАР**

*Қувват*

6

**Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА**

*Музаффақат онам эман...*

14

**ШАЙХ ВА ШАЙТОН**

18

**ОЛАМ КЕЗУВЧИ ЭЛАТ**

23

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ**

**От йили**

30

*Мабнат мактаби*

37

*Тулпарой*

**ГҶЗАЛЛИК СИРЛАРИ**

46

Босишга 18.03.2004 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8. Ҳажми 6,0 босма табок,  
Буюртма № 94, Нусхаси 1005.

Таҳририят манзили: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57  
Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхона босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент ш. Х. Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган.

Маймун йилининг талаби — аввало, ҳаракат, меҳнат, яхши яшаш. Ушбу йилда туғилганлар кўнглига келган ишни қилувчи, эпчил, ақлли, топқир бўлиб, энг қийин муаммоларни ҳам осонлик билан ҳал этишади. Аммо қувликлари ҳам борки, улар билан муомалада хушёрроқ бўлиш керак. Улар жуда киришимли, сўзга чечан, нимаики иш қилсалар, уни охиригача бажаришга ҳаракат қиладилар, албатта, ўз манфаатларини ҳам унутмайдилар. Жуда хушчақчақ ва илтифотлидирлар.


Бу мучал соҳиблари ўз фаолиятларини авж олдира олмайдиган деярли бирор соҳа йўқ. Бўлаётган воқеалардан ҳаммиша хабардорлар. Уларнинг хотиралари жуда ҳам кучли бўлиб, кўрган ва эшитганларини энг майда тафсилотларигача унутмайди. Ишларни бетартиб бажарсалар-да, хотиралари кучли. Шунинг учун ҳам маймун йилида туғилган фарзандлар жуда зийрак, дарсларни тез ўзлаштирувчи, шеърларни тез ёдлайдиган, чет

тиллерни ҳам осон ўргана оладиган, билимдон бўлишади. Ҳар тўқисда бир айб дегандай, улар шошқалоқроқ бўлиб, ҳамма ишни шу заҳотиёқ амалга оширишни хошлашади. Уларнинг ҳар қандай мушкул аҳволга тушиб қолганларида ҳам вазиятдан осон чиқиб кетишларини муносиб баҳолаш даркор. Ҳафсала билан иш қилишса, катта муваффақиятларга эришадилар. Иқтисодий жиҳатдан баъзан қийинчиликларга дуч келсалар-да, тезда енгиб ўтишади. Ишқ-муҳаббат бобида жуда эҳтиросли, шу сабаб уларга муносиб ёр бўлиш учун ҳар томонлама баркамол бўлиш зарур. Чунки ушбу мучал соҳиблари жуда меҳнатқаш, келишган, хушбичим, ўта хушмуомала инсонлардир.

Маймун йили — серобчилик, фаровонлик йили. Мазкур йил ҳаммининг иштиёқ билан меҳнат қилишини талаб қилади, сўнгра, албатта, роҳат кўришади. Чунки маймунлар ниҳоятда ҳаракатчан, тиним билмайдиган жонзотлардир.



**МАЙМУН ЙИЛИ МАМДУДЛИК ЙИЛИ БЎЛСИН!**





Ахборот технологиялари ва компьютер коммуникация тизимларини барча соҳаларда қўллаш ҳозирги вақтда давр талаби бўлиб қолди. Мамлакатимизда жаҳон ахборот маданиятининг инфратузилмаси ва ахборот-компьютер тармоғига мос келувчи миллий тизимни яратиш бошқарув, иқтисодиёт, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Юртимизнинг ушбу соҳадаги асосий йўналиши қатор қонунлар, Республика Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида ҳам ўз аксини топган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30

жорий этишнинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур фармон ижроси юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқди.

Бу қарорда, хусусан, ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим

қилинган бўлиб, Ўзбекистон ҳам ана шулар қаторидан ўрин олди.

Хўш, электрон имзонинг ўзи нима? Ундан қандай фойдаланилади?

Қонунда электрон рақамли имзо «Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо» тарзида таърифланган.

Бунда бизга нотаниш иборалар

## Электрон рақамли имзо нима?

май куни имзоланган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш, ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, унда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини

соҳалари, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашувининг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилишга алоҳида аҳамият берилган.

Шунингдек, юртимизнинг ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ташкил қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматларни шакллантириш, ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Айниқса, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, юқоридаги фармон ва қарорнинг бажарилишини таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади.

Шу вақтгача «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатларида қабул

борлиги учун ҳам бир ўқишда электрон рақамли имзонинг нима эканлигини англаб олиш мушкул. Шунинг учун таърифда келтирилган номаълум тушунчаларга аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Аввало, электрон ҳужжат нима эканлигини аниқлаб оламиз. Электрон ҳужжат - муайян ҳужжатнинг компьютерда тайёрлаб, унинг хотираси ёки у билан боғлиқ электрон ахборот ташувчиларда сақланаётган кўриниши. Электрон ҳужжат ўзининг аънавий, яъни қоғоздаги кўринишига қараганда анча ихчам бўлади.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ (маҳфий) калити — имзо кўювчи шахснинг ўзигагина маълум бўлган белгилар кетма-кетлиги. Электрон ҳужжатдаги ахборот ана шу калит асосида яратилади. Ёпиқ калит маълум электрон ахборот ташувчида сақланиб, унга фақат имзо эгасиги-

Подпись  
83 BD 92 FC  
67 7D F9



на кириши мумкин.

Электрон рақамли имзонинг очик калити — компьютер техникаси воситаларидан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи белгилар кетма-кетлиги бўлиб, ахборот тизимида эркин истеъмолдадир.

Электрон рақамли имзо қўйиш жараёни қатъий босқичлар кетма-кетлигига асосланади.

Авалло, имзо қўйиладиган ҳужжат асосида унинг матни ва шаклига мос келувчи чекли ва бир хил узунликдаги сон ҳисобланади. Мазкур сон электрон ҳужжатнинг хэш-функцияси дейилади ва ҳужжатга киритилган исталган ўзгаришни ана шу хэш-функция қиймати воситасида аниқлаш мумкин бўлади. Хэш-функция қиймати сифатида 32 хоналик сон олинганда ҳам, иккита ҳужжат хэш-функцияларининг айнан бир хил бўлиши эҳтимоли инсон бармоқ изларининг ўхшашлиги эҳтимолидан кичик бўлади.

Сўнгра имзо эгасининг ёпиқ калити ва ҳужжат хэш-функциясининг қиймати асосида маълум математик ҳисоблар бажарилгандан сўнг, ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси ҳисоблаб топилади ва ҳужжатга тиркалади. Яъни ҳужжат электрон рақамли имзо ёрдамида имзоланган электрон ҳужжат кўринишига келади.

Электрон ҳужжатнинг бутунлиги (унга ҳеч қандай ўзгариш киритилмаганлиги), ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва эгасини аниқлаш учун электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланилади. Очик калит ёпиқ калит эгаси билан ахборот алмашилиш имкониятига эга бўлиб барчага тарқатилиши мумкин.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш деганда электрон ҳужжатда хатолик йўқлиги тушунилади. Бу амалиёт куйидаги босқичларда амалга оширилади:

— электрон ҳужжат хэш-функциясининг қиймати қайта ҳисобланади;

— очик калитдан фойдаланилган ҳолда электрон ҳужжат муаллифининг электрон рақамли имзоси очилади;

— хэш-функциялар қийматлари солиштирилади.

Агар хэш-функциялар қийматлари айнан бир хил бўлса, ҳужжатга ўзгартириш киритилмаган ва имзо ҳақиқийдир.

Мураккаб туюлган бу жараёнлар аслида компьютерда осон бажарилади. Чунки ушбу босқичларнинг компьютер дастурлари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ёпиқ ва очик калитларни яратиш, ҳужжатнинг хэш-функцияси қийматини ҳисоблаш каби электрон ҳужжат билан боғлиқ барча амаллар автоматик равишда бажарилади. Бу дастурлар биргаликда «электрон рақамли имзо» тизимини ташкил этади.

Масаланинг бу томони осон бўлгани билан унинг ташкилий жиҳатларида мураккабликлар йўқ эмас. Айтиб ўтилганидек, электрон ахборот алмашилиш тизимининг ҳар бир иштирокчиси электрон рақамли имзо жуфт калитларини яратган ҳолда ёпиқ калитни сақлаб қолиб, очик калитни бошқа мижозларга етказиши керак. Калитларни очик алоқа каналларидан юбориш уларни қалбақлаштириши, яъни электрон ҳужжат айланмасига тажовуз хавфини тўғдиради.

Масалан, нияти бузуқ шахс ахборот алмашилишидаги бошқа иштирокчининг, номидан ҳужжат тайёрлаб ўзининг ёпиқ калити ёрдамида электрон рақамли имзо қўйиб, ҳужжатни олувчи очик калитни сўраганда унинг сўровини «ўғирлаб» ўзининг сохта очик калитини юбориши мумкин. Бунинг натижасида ҳужжат олувчидаги очик калит сохта ҳужжатни ҳақиқий сифатида аниқлайди. Демак, очик калит ўзининг ҳақиқий эканлигини тасдиқловчи қўшимча ахборот билан юборилиши лозим экан. Айни мақсадда очик калитларга қўшимча ҳужжат сифатида рақамли сертификатлар (гувоҳномалар) бериш лозим деб топилди. Сертификатда калит эгаси ҳақида юридик ахборотлар, сертификат берувчи ҳақида маълумот, унинг муддати, очик калитнинг коди ва бошқа ёрдамчи маълумотлар бўлиши мумкин.

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган ташкилот амалга оширади.

Махсус ваколатли орган рўйхатга



**Файзулла АБЗАМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши  
Академияси тингловчиси.

олиш марказларининг фаолиятига лицензия беради ва бу марказлар сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан фойдалана олишини таъминлайди.

Рўйхатга олиш маркази фойдаланувчиларнинг талабномалари асосида электрон рақамли имзоларнинг очик ва ёпиқ калитларини яратиши ҳамда улар муҳофазасини таъминлайди. Бундан ташқари марказлар электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрини юритади, унинг ўз вақтида янгиланишини таъминлайди, электрон рақамли имзо билан боғлиқ бўлган бошқа хизматларни ҳам амалга оширади.

Ишнинг бундай ташкил этилиши эса электрон ҳужжатни олувчига очик калитнинг ҳақиқатдан ҳам юборувчига тегишли эканига ишонч ҳосил қилиш учун шу калитни рўйхатга олган марказга мурожаат қилиши имконини беради. Бунга жавобан марказ очик калитнинг сертификатини электрон ёки қоғоз ҳужжат шаклида юборади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, «Электрон рақамли имзо» тўғрисидаги қонун ахборот алмашилишнинг электрон шаклига ўтиш, электрон тижоратни татбиқ этиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашда асосий йўриқнома вазифасини бажарувчи норматив ҳужжат бўлиб, шу соҳа тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Мен бир нарсани кўп ўйлайман. Тарихда қилч, найза, қурол, фатҳ кучи билан салтанат барпо этганлар, шунинг орқасидан хонлик, шоҳлик мартабаси ва шуҳратини топганлар бор. Улар кўп. Аммо ўтган азиз-авлиё оталаримиз-чи? Тамоман бунинг тескари-си. Парҳез, беозорлик, тоат-ибодат, илм йўлидаги тинимсиз риёзат орқасида шоҳлар ҳам эришолмаган юксак мартаба соҳиби бўлганлар. Улар... қилчидан қон томган шоҳлардан кўпроқ... Ва яна қизиғи, ҳатто ўз номларини яшириб, тезроқ ҳоки-туробга айланишни кўмсаганлар. Биргина Аҳмад Яссавий ҳазратларини эсланг. Оллоҳ унга узун умр ато этганига қарамай, пайғамбар ёшига етгач, ўзини қоронғи ертўла қаърига олган. Усти тупроқ, ости тупроқ...

Тарихга чуқурроқ назар солинса, юртимиздаги деярли ҳар бир қиллоқдан бирор-бир азиз авлиё ўтгандир. Бундай азиз қадамжолар Ўзбекистонда ўнлаб

эмас, юзлабдир.

Камина Қўшработ туманининг Қувқалла деган қиллоғида туғилганман. Болалагимда қиллоғимиз нега «Қувқалла» деб аталиши тўғрисида баъзи кексалардан узук-юлуқ афсоналар эшитардим. Кўпгина тегдошларим қатори қиллоғимиздаги кўримсиз масжид, унинг ёнидаги кичик бир хужра, ҳатто атрофи ўралган чангалзор ва дарахтлардан ҳам кўрқар эдик. Эмишки, мана шу дарахтнинг шохини бехосдан синдириб қўйсанг бирор балога гирифтор бўласан. Фалон вақти пистончи ўтаётиб, мана бу олчадан отига қамчи синдириб олган экан, оти билан йиқилиб тушибди, тентак бўп қопти, кўзи оқиб тушипти... ва ҳоказо. Ваҳимали, кўрқинчли гаплар эди улар.

Бугунги кунга келиб, юртимиздаги минглаб табаррук қадамжолар тарихига одамлар астойдил қизиқа бошладилар. Шулар қатори бизнинг «Қувқалла»да ҳам Нонбер ота ўтмишини ўрганиб,

қаровсиз қолиб кетган мақбара-хужрани қайтадан қуришга жазм этдилар, Нонбер ота шажараси ўрганила бошланди.

Аввалдан қолиб келаётган ва баъзи тўпланган маълумотларга асосан қуйидагилар аён бўлди. Нонбер ота чинакам авлиё бўлган. Бундан 430-450 йил миёнаси илгари яшаб ўтган. Асли исми Жиянбек полвон бўлган. Отасининг оти Тўғай, укасининг оти Нўғай бўлган. Икки марта уйланган. Биринчисидан Ойбош, Жумаш, Қурбалаш, Бегмаш, Узун кавеш, Қилч исмли, иккинчи хотини Тўқолдан Қайдал исмли ўғиллари бўлган...

Жиянбек полвон отамизнинг ҳам Нонбер ота отлиқ авлиё бўлиб етишишларида парҳез ва ибодат етакчи асос бўлган. Мен ўзим она томонимдан бобом Тинибек Жонибек ўғлидан бир талай ривоятлар эшитганман. Кўп дostonларни ёддан айтиб берарди. Бобом тарихий далилар билан келтирмаса-да, шундай таъ-

# Қувқалла

риф берган:

Нонбер ота авлиёликка бундай эришган. Худодан ризқ ўрнига фақат ушоқ сўраркан, тўкилган-сочилган ушоқлар билангина кун ўтказар, шу учун кечаю кундуз Парвардигор эгамга шукрона ўқир, тоат-ибодат қилар экан. Қаҳатчилик йили келиб ҳатто ушоқни топиб ейиш ҳам ма-шаққатга айланади. Бобомиз танг аҳволда қолади. У қушларнинг тилига тушунар эди. Бир қуш сайраб уч қир нарида булоқ этагидаги балчикда ушоқ борлигини англатади. Бобомиз у жойга етиб борса, қарға, олашақшақ балчикни чўқиб ушоқ талашиб ётибди. У киши паррандаларга шерик бўлиб, балчиқ аралаш ушоқ теришга тушади. Ниҳоят очик қанидан булоқ сувига битта-битта чайиб олиб оғзига ташлайверади. Шу асно хўрлиги келиб юм-юм йиғлайверади. Шунда худойим таолодан бир нидо келадики: «Эй, Жиянбек, сенга валийлик ато этдик. Нон кароматини бер-

дик сенга!» Бобомиз қараса, тўнининг қўлтиғида иссиқ, билқиллаган ширмойи нонлар тўлиб турибди. Ажабланиб қир ошиб, келган жойи — сой бўйига тушиб, мачитнинг ёнига келади. Ўтган-кетган муҳтож одамларга нон улашади. Негадир нон камаймайди. Совимайдиям. Умрбод шуйтиб ўтади. Шу-шу у киши «Нонбер ота» бўлиб қолади.

Асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган бу ривоятга ишонинг келади. Ахир бекордан-бекорга «Нонбер ота» деган атама пайдо бўлиб қолармиди? Нуроталик тарих билимдони Жўракул бобо Калоновнинг шаҳодат беришича, ул зотнинг асли исми Жиянбек Баҳодир. «Баҳодир» тахаллусини олганининг боиси - у киши полвон бўлган. Бу атрофда унинг курагини ер искатган зот топилмаган. Жиянбек Баҳодир ҳол кўради, авлиё бўлади, лекин полвонлигини ташламайди. Самарқанд тарафда беш мамлакатнинг полвонини бирма-бир

йиқитиб олиб ураверган, деган ривоят бор. Хуллас, бобомизнинг курашда елкаси ер кўрмаган экан. Самарқандда пешин намозини ўқиса, аср намозини Қоратовда ўқиркан. Самарқанд билан Қоратовнинг ораси камида юз эллик чақирим келади. Ҳолбуки, Нонбер ота шу йўлни пиёда босаркан.

Камина Нонбер ота элу юртга қўйнидан нон тарқатган, доврўғ таратган, охири шаҳид ўтган қишлоқ Қувкаллада туғилиб ўсдим, эсимни танидим. Қишлоғимизнинг не учун "Қувкалла" аталиши хусусида болалиқда ҳеч нарса билмас эканмиз. Ҳатто талабалик даврида ҳам домламиз, профессор Очил Тоғаев «Мен сенинг қишлоғингга борганман, одамлари жуда шум, қув экан, шунинг учун «Қувкалла» у ер», десаям ишонаверган эканман. Қув бўлса қувдир, шум бўлса шумдир, аммо қайси юрт одамлари лаққилиги билан мақтанади.

...Тинибек отам тирик эди. Қув-



Собир ЎНАР



калла тарихини у киши эътироз билдириб бўлмайдиган тарзда ҳикоя қилиб берди: «Нонбер отамизни кофирлар қувди. Ана энди, авлиё бобомизнинг душманлари ким эди, кимлар у кишининг жонига қасд қилди, деган савол туғилади. Бир хиллар айтишадики, ўша кураш тушган кезлари йиқилиб изза бўлган рақиблари изидан тушган, қилич ялонғочлаб қувлаган. Яна биров Митан беги дейди. Бошқа биров Оқчоб беги дейди. Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» китобини ўқиган чиқарсиз. Нурота, Жўш, Урганжи атрофида қолдирган тарихий излари, хусусан, машхур Абдуллахон тўғони ҳам XVII аср бошларида қурилган бўлса керак. У китобда Митан хонлиги эмас, Оқчоб ҳақида маълумотлар борлиги, Абдуллахон тўғонининг ҳам шу атрофда қурилганини ҳисобга олиб, мантиқан олганда бу офтобрўйнинг энг машхур одами Нонбер ота қандайдир бир очялонғоч бўлгани ҳолда ҳар бир очнинг қорнини тўйдириши хонга сира ёқмайди. Ахир у хон. Раъиятнинг бари ундан мурувват кутиши, унинг қошида ҳукм эшитиб зор қақшаб туриши лозим-ку. «Ким бўлибди у жулдурвақа, аввал ўзининг қорнини тўйгазиб олсин, аллақаерларда ушоқ, увоқ териб еб юрармиш. Менинг салтанатимда у фуқаронинг қорнини тўйдиргич бўпқоптими?! Йўқ, бунақаси кетмайди. Мамлакат де-

ганнинг эгаси бўлади. Эга ким бу юртга - менми ё анови ялангоёқми?» Хон унинг полвонлигини ҳам, зоҳир каромати борлигини ҳам билади. Чўчийди. Ўзи бормайди. Навқарларини жўнатади. Навқарлар Нонбер отанинг йўлини пойлашади. Агар душманлар унинг Самарқандда пешин намоз ўқишини, сўнгра йўл пойлаши мумкинлигини инobatга олишса, чиндан ҳам Нонбер ота Митан томонидан қувғинга солингани, у ердан Оқтепа, Қўрли, Қўлтўсин, Сарой орқали Қувкалла сойига тушиб, паноҳ излаб қочгани ҳам ростдир...

Хуллас, бобомиз қўлтигидан нон узатиб тарқатган ҳозирги қишлоқ мачити ёнигача қочиб келади. Ҳовли юзасида тўрт-беш қулочлик тут бор эди. Нонбер ота шу тутнинг ковагига кириб беркинади. Душманлар кўрмай ўтиб кетишади. Шу маҳал тут тепасида мева териб еяётган олашақшақ душманларни «шақ-шақ»лаб изига қайтаради. Олашақшақ Нонбер ота яктагидан тортиб тепага кўтаради ва шақшақлайберади. Душман келиб, тутга қилич солади. Тут танаси ажралиб кетадию, бобонинг ўзи тирик қолиб, қирга қараб қочади».

Ҳозир Нонбер ота қочган тепалик мачитнинг орқасидан тик қирга қараб тахминан 4-5 чақирим келса керак. Орада камида 7-8 та дўнг ва қирлар бор. Бобомиз пиёда бўлгани ҳолда «Азлартепа»



деган жойгача («Азлартепа» ҳам асли Нонбер ота шаҳид бўлгандан сўнг шундай номланган) етказмай қочиб боради. Аммо ўша жойда охир-оқибат қазо топади. Душман қиличи бўйнидан тушади. Тана жойида қолади-ю, бош текис ерда юмалаб Нонбер ота даставвал беркинган мачит ёнидаги тутга қараб «қочаверади». «Кув каллани, каллани кув!» дея ҳайқириб, бўкириб қуваверади... Душман етолмайди. Етти-саккиз қирдан ошиб бориб, охири ўша тут ёнига етади ва бирдан ер ёрилиб ёриқдан кириб кетади. Душман не қиларини билмай қолади. Ахир энди хонга нимани далил сифатида кўрсатиш мумкин? Зора танаси жойида турган бўлсин-да, дейишади. Шу умид билан улар яна ортга от қўйиб кетишади. Аммо бориб қарашса у ерда ҳам тана тугул на бир дона суяк, на бир томчи қон бор эмиш...

Бугунги кунга келиб бош ғойиб бўлган жойда мақбара қурилди. Азиз зиёратгоҳ пайдо бўлди. Нонбер ота тарихини имкон қадар ўрганишга киришилди.

Таассуфлар бўлғайким, шўро замонасида динга, эътиқодга таъқиб кучайиб боргач, Нонбер ота тарихи ҳам мана шундай фақат оғизларда чала-чулпа қолиб келган. Ёзма манбалар бирин-кетин йўқотилган. Борлари ҳам таъқиб қилинган. Агар таъқиб қилинмаганида эди. Нонбер ота-

нинг тўрт юз йилдан зиёд тарихи, шажараси сақланиб қолган бўлар эди. Афсус ва надоматлар бўлсин, Нонбер ота дунёдан ўтгач, у кишининг авлоди эгасиз қолди. Аввалги тарихни тикласа бўлар, аммо кейинги тўрт юз йиллик шажара учди-қуйди, йўқ.

Асли нуроталик, аммо тақдир тақозоси билан Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига келиб қолган мулла Ботир деган чолда Бўгажили авлодининг узлуксиз шажараси бўлган экан деб эшитдик. Жўракул бобо Калоновнинг кўмаги билан у кишининг яқин амакиваччаларини излаб топдик. Лекин амакиваччалари ҳам бу иш бефойдалигини, мулла Ботир вафот этганини, дунёдан ўтмасидан олдин ҳам шажаранинг қаердалигини сир тутиб юргани, ҳатто фарзандларигаям қолдирмаганини айтдилар. Начора...

Зора, ушбу мақолани ўқиб, фалон жойда шажара бор-ку, дейдиганлар топилиб қолиши ҳам мумкин. Бу тарих, албатта, чала. Балки янги маълумотлар асосида у бойиб, тўлиб, тугал бир тарихга айланар. Камина буни дилдан истаб қоламан ва етарли заҳматлар орқасида юзага келган мазкур мақолани ўқиганлар бобомизни бир дуо қилсалар, зора, у кишининг Оллоҳга восита арвоҳлари бизни-да, сизни-да қўллаб юрса...



Жаҳон мусиқа ижрочилиги тарихи ўзининг хилма-хил, ранг-баранг, серқирра, сермазмун саҳифаларига эга. Халқлар мусиқа маданиятида ижрочилик масалалари доимо муҳим бўлган. Умуман, мусиқа ижрочилигини икки йирик йўналиш ташкил қилади. Биринчиси мусиқа билан уйғунлашган жонли овоз бўлса, иккинчиси чолғу ижрочилигидир.

Ўзбек халқ чолғуларида академик

фаолиятини халқаро муносабатлар жараёнида кўриш нияти, ўзаро маданий, маърифий алоқалар ўрнатилганда, мусиқа ижрочилигида академик йўналиш имкониятларидан янада унумлироқ фойдаланишга ундамоқда.

Халқ чолғу-созлари ижрочилигида академик йўналишнинг кириб келиши ва тарқалиши ҳар хил баҳс, мунозараларга олиб келмоқда. Бир то-

лаган бўлиши керак.

Мусиқа ижрочилигида академик ижрочилик йўналишида асосан умум қабул қилинган нота ёзуви системасида ифодаланган мусиқа асари ижро этилади. Ижрочилик имкониятлари асарнинг талқинидан келиб чиқиб, мусиқа ижрочилигида бадиҳагўйлик услубидан фойдаланилган.

Ушбу йўналиш ҳам ўзига хос махсус билим, кўникма, маҳорат мактабини ўташни тақазо қилади. Бирок академик ижрочилик йўналиши миллий, маҳаллий мусиқа намуналари ижроси билан чекланмайди. Қолаверса, миллий, маҳаллий мусиқага хос бўлмаган мусиқа турларини ижро этиш имкониятига эга. Масалан, монокор мусиқага мансуб халқлар бадиий ижодида, кўп овозли мусиқа намуналарини ижро этишган.

Халқ чолғу созларида академик ижрочилик йўналишининг шаклланишида, республикамизда композиторлар мактаби яратилиб, улар ижодида халқ чолғу созлари учун яратилган асарлар ҳам маълум ўринни эгал-



## ДУТОРНИМ ТОРНИ ИККИДУР

ижрочилик услублари ҳам шаклланган бўлиб, бу йўналиш бир неча ўн йиллар давомида ўзининг самарасини бериб келмоқда. Халқ чолғуларимизда академик ижрочилик услуби шаклланиши ва шу йўналишда тарбияланган созандалар мавжудлиги, халқ чолғуларидаги ижрочилик имкониятларининг яна бир неча муҳим қирраларини очишга хизмат қилиб келмоқда. Биз ушбу мақолада халқ чолғу созларидан бири дутор чолғуси ижрочилигидаги академик йўналишни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Бу чолғу ўзбек, қорақалпоқ, тожик, уйғур тилларида бир хил — дутор деб юритилади. Айнан ўхшаш чолғулар — қозоқ домбраси, қирғиз қомузи, грузин чонураси, рус балалайкаси. Икки торли, чимдиб чалинадиган дуторсимон чолғу Татаристонда дўмбра деб номланиши ҳам бизга маълум.

Шунингдек, дутор ва унга муқобил чолғулар ижросини ўзлаштиришда умумий қабул қилинган нота ёзувидан фойдаланиш йўналиши ҳам мавжуд.

Шунга ўхшаш чолғуларнинг кўпчилигида ўн икки поғоналик товушқатор ўрнатилган.

Дуторчи мутахассисларнинг ўз

мондан миллий онгнинг ўсиши, миллий кадриятларни асраб-авайлаш иштиёқи, иккинчи томондан умуминсоний кадриятларга интилиш, мусиқий ижрочиликдаги йўналишларни тўғри баҳолаш зарурлигини таъкидлайди.

Биз юқорида мусиқа ижрочилигида икки манба иштирок этишини, яъни инсон овози ёки чолғу билан мусиқа ижро этилади деган эдик. Инсон овози ва ҳар бир чолғу созининг ўз хусусиятлари ҳамда ижрочилик имкониятлари бор. Ўзбекистонда дутор ихтисослиги бўйича академик ижрочилик йўналишида таълим олаётган талабалар мавжуд дуторларнинг уч хил туридан фойдаланадилар. Улар Фарғона-Тошкент мусиқа шеvasига мансуб халқ дутори, 900 миллиметр мензурага эга бўлган тенор дутори ва 460 миллиметр мензурага эга бўлган прима дутори.

Демак, академик ижрочилик йўналишини ўзлаштираётган ёш мутахассис, халқаро ҳисобланган мусиқа ижрочилиги амалиётидаги билим, кўникма ва маҳоратни эгаллаган бўлиши керак. Бу деган сўз, у жаҳон мумтоз композиторлари асарларини фақат чалибгина қолмай, балки уни замонавий ижрочилик даражасида талқин қилиш маҳоратини ҳам эгал-

лайди. Бу борада биргина дутор чолғуси учун яратилган асарлар ҳам талайгина.

Дутор учун асарлар тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғур композиторлари томонидан ҳам яратилган. Мутахассислар халқ куйларини дутор учун ёзиб олиб, дутор синфи репертуарини бойитиб бормоқдалар. Бундай асарлар ёзма мусиқа хазинасига қўшилиб, академик ижрочилик йўналишида миллийлик компонентининг намоён бўлиши даражасини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Дутор ижрочилигидаги академик йўналишни шакллантиришда маҳаллий халқ мусиқасига асосланган бастакорлар ижоди ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда мусиқа билим юрлари ўқув режалари халқаро мусиқа педагогикаси ютуқлари асосида тузилганлиги, тарбияланаётган мутахассисларнинг халқаро андозаларга мос бўлиб етишиларини таъминлайди. Шу туфайли халқ чолғуларида, жумладан, дутор чолғуси бўйича илм олаётган мутахассис дунёнинг кўпгина мамлакатларида мусиқачи сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

**Боқижон РАҲИМЖОНОВ,**  
Ўзбекистон давлат  
консерваторийси профессори



# КОМИЛ ИНСОН, УЛКАН БАСТАКОР

**Ким ўқуса, ё қилур эрса савод,  
Рухим агар қилса дуо бирла шод.  
Тенгри ишин кому мурод айласун,  
Рухини жаннат аро шод айласун.**

Алишер Навоий

Мутал Бурҳонов... Республика-мизда бу инсонни билмайдиган одам бўлмаса керак.

Замонимизнинг отахон санъаткорларидан бири, таниқли композитор, Мутал Бурҳонов ўзбек мусиқа маданияти ривожига катта ҳисса қўшган ижодкор, ўзбек композиторлари барча авлодларининг устози эди. Ҳар бир авлод буюк куй санъаткори ижодидан ўз истеъдоди, ўз тушунчаси, ўз имкони қадар баҳраманд бўлади. Ҳар бир зукко тингловчининг Мутал Бурҳонов ижоди, ҳаёти ҳақида ўз тасавури, шахсий фикри бор. Мен Мутал Бурҳоновдан мусиқа таълимини олмаган бўлсамда, бу ижодкорни устозим деб биламан. Санъатга бўлган муҳаббатни, ижоднинг сеҳрли сирларини, анъаналарини улاردан ўрганганман. Табиатдаги ўзига хос нозик тароватларни шоирлар шеърга солса, мусавирлар бўёққа кўчиради, мусиқачи эса куй ва кўшиқларда ирод этади. Композитор Мутал Бурҳонов қадимий Бухорода ўсди. У қадимий обидалар сеҳри, табиат гўзаллигидан қаттиқ таъсирланар,

қалбида ажиб туйғулар жўш уради, қувончдан вужуди тўлиб-тошиб нимадир айтгиси, чўққиларга қараб ҳайқиргиси келарди. Буларнинг ҳаммаси бир куни унинг қалбидан куй-кўшиқ, йирик шаклдаги мусиқа асарлари бўлиб отилиб чиқди. Унинг ижоди ўзбек мусиқасининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этди. Булар орасида нафис ва дардли «Табассум қилмадинг», «Келса ногоҳ», каби романслари, «Алишер Навоий» операси, «Алишер Навоийга қасида», «Абадий хотира» реквиёми, «Бой ила хизматчи», «Ибн Сино», «Мафтунингман» фильмларига яратган куй ва кўшиқлари тингловчиларга кўп йиллардан буён манзур. Композиторнинг акапелла хори учун мосланган ўзбек, тожик, қорақалпоқ, уйғур, афғон, эрон халқ кўшиқлари жаҳоншумул аҳамиятга эга бадий асарлар бўлиб тингловчилар томонидан ижобий баҳоланган ва олқишларга сазовор бўлган. Устоз Ўзбекистонда романс ва жўрсиз хор мусиқаси жанрларига асос солди. Мутал Бурҳонов ижодида ҳазрат Алишер Навоий билан боғлиқ мавзу катта ўрин эгаллайди. Бастакор ўз ижодидида Навоий ғазалларига мурожаат этди, умрининг охиригача улуғ шоир сиймоси композиторнинг асосий ижод мавзуси бўлиб қолди.

Янги асар билан учрашув олди-

дан кишида ҳаммиша қувонч, фавқуллодда ҳодисани кутиш туйғуси яширинган бўлади. Агар шу асар билан танишувдан сўнг фикрларинг ойдинлашса, қалб тугёнга келиб, инсонни эзгуликка чорласагина, ижодкор ўз мақсадига эришган бўлади.

Композиторнинг турли ижодий даврларида яратилган мусиқа асарлари, жумладан, «Гул диёрим» ва «Баҳор кўшиғи» кўшиқлари, «Келса ногоҳ», «Нега тарк этдинг», «Ба чашмонат қасам», романслари, фортепиано, скрипка ва виолончель учун «Трио» ҳамон республикамиз таниқли санъаткорлари томонидан моҳирона ижро этилмоқда.

Мутал Бурҳонов асарларининг фазилатларидан бири миллийликдир. Устоз рус ва европа классик мусиқаси анъаналари асосида теран миллий руҳ билан суғорилган асарлар яратди. Миллий колорит фақат мусиқий тилда эмас, балки асар мазмунида ҳам, образларнинг характери мантиқида ҳам, халқ руҳининг тасвирида ҳам ёрқин кўринади. Устознинг асарларида тафаккур ва ҳиссиёт муштараклигини сезиш мумкин. Яқинда устоз санъаткорни хотирлаб овоз ва оркестр учун Абдулла Орипов сўзи билан «Санъатим» поэмасини яратдим. Ушбу асар учун Мутал аканинг «Намедонам чи ном дорад» романсининг дилкаш ва дардли куйи оҳангини асосий мавзу қилиб олдим. Куйидаги мисралар ниҳоятда устознинг асарлари билан ҳамоҳангдир:

**Гоҳ Навоий, гоҳ Ҳайём, гоҳ  
Ҳофиз**

**жўр бўлишди сенга ҳар он, санъатим,**

**Гунчага хор ҳеч тараҳдум қилмади  
ҳар табассумингда исён, санъатим.**

Мутал Бурҳонов мусиқа, санъатимизни ривожлантириб, тараққий эттириб, бир қатор янги мусиқа асарлари билан бойитди.

Ишончим комилки, устоз яратган нодир асарлар асл санъат намунаси сифатида йиллар оша яшайди.

**Мустафо БАҲОЕВ,**

# ВАТАН

Куйичирчиқ тумани ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳанифа Зокирова билан суҳбат.

Мухбир: — Ҳанифа опа, сиз яқинда Жанубий Кореяда бўлиб қайтибсиз. Корея халқининг бугунги ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ривож, хотин-қизларнинг жамият, давлат тараққиётидаги ўрни ва бошқа тажрибаларни ўрганиш баробарида мезбонларга юртимизда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида ҳам сўзлаб бердингизми?

Ҳ. Зокирова: — Биз бу мамлакатдаги кўпгина вилоятлар, туманлар ва компанияларда учрашувлар ўтказдик. Ана шунда Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатига давлат даражасида эътибор берилиши, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси, Бош вазир ўринбосари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раислари, вилоят ва туман ҳокимлари ўринбосарлари этиб тайинланганлиги ҳақида учрашув қатнашчиларига сўзлаб берганимда, улар қарсақ чалиб юборишди. Чунки, Кореяда хотин-қизлар ривожланиш Марказлари ҳукумат таркибида эмас, балки жамоатчилик асосида фаолият кўрсатар экан.

Шунда бизнинг мамлакатимизда хотин-қизлар фаолиятига қанчалик катта эътибор қаратилганлигини чуқур ҳис этдим. Мустақил Ватанимиз аёлларига кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан фахрланиш туйғусини туйдим.

Мухбир: — Сафардан кўзда тилган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эди?

Ҳ. Зокирова: — Сафар жараёнида Кореянинг бир нечта хотин-қизлар ривожланиш Марказлари фаолияти билан танишдик. Уларнинг ўз олдига қўйган вазифалари бизни қизиқтириб қўйди. Барча хотин-қизлар, уларнинг интилишлари ва қобилиятларини юзага чиқариш учун ёрдам бериш ва етакчиларни тайёрлаш ушбу ту-

Мустақилликка эришилгандан сўнг республикада нефть ва газ масалалари билан шуғулланадиган ягона ташкилот — Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни ташкил этилди. 1992 йилда концерн негизда Ўзбекистон нефть ва газ саноати миллий корпорацияси — «Ўзбекнефтьгаз» тuzилди. Янги ташкилот олди-га ёқилги мустақиллигига эришиши вазифаси қўйилди. 1990 йилда республикага 5,7 миллион тонна нефть маҳсулотлари четдан сотиб олинган бўлса, беш йилдан кейин бу кўрсаткич 0,2 миллион тоннани ташкил этди. 1996 йилдан бошлаб, четдан нефть маҳсулотлари сотиб олиш тўхтади.

1997 йил августда Бухородаги нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистон нефть маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатга айланди — ёқилги мустақиллигига эришилди.

1998 йилда «Ўзбекнефтьгаз» ҳамда АҚШнинг «Эй-Би-Би Лумис Глобал», Италиянинг «Эй-Би-Би Соуми», Япониянинг «Нишо Иваи», «Мицуи» ва «Тоёо Инженеринг» компанияларидан иборат халқаро консорциум ўртасида янги корхона лойиҳалаштириш, ускуналар етказиб бериш, қурилиш борасида шартнома имзоланди.

Иниоотнинг қурилажак жойи сифатида Ҳузор туманидаги Шўртангаз конидан 20 километр жанубдаги Кенгсой майдони белгиланди.

Улкан бу иниоотнинг 2000 йилгача қуриб битказилиши кўзда тутилиб, у ишга тушгач, 2000 киши иш билан таъмин-

жараён, келгусида олинадиган маҳсулот турлари билан қизиқди. Мажмуа фаолияти учун зарур бўладиган сув ресурслари, электр энергияси, транспорт, автомобиль ва темир йўллари, бошқа коммуникациялар қурилишини жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берди.

1999 йилда Шўртангазда 22 та объект фойдаланишига топширилди. Мажмуанинг саноат ҳудуди билан Талимаржон сув омбори оралиғидаги 24 километрлик сув узатиш тармоғи тўла қувват билан ишлай бошлади. Шу асосда завод ва унинг атрофидаги ёрдамчи объектларни, турар жойлар, машиш биналарни сув билан таъминлаш муаммоси ҳал этилди.

Мажмуа яқинидаги Саксондара яйлови ҳудудида сув омбори қурилиши жадал олиб борилди. Бўлажак корхона учун заҳира суви сақланадиган бу ҳавзани оби-ҳаёт билан тўлдириш мақсадида 10 километрлик сув тармоғи бунёд этилди.

Мазкур сув йўли қурилишини тезлаштиришда ёрдамчи пудратчи ташкилотлар — «Муборакнефтьгазмонтаж», «Тошнефтьгазсаноатқурилиш» трестлари жамоалари амалга оширган ишлар ҳам ибратлидир.

Мажмуа қурилиши муносабати билан олдиндан мавжуд бўлган газ узатиш тармоқлари лойиҳасига жиддий ўзгартириш киритишга тўғри келди. Шу тариқа Шўртангаз саноати бошқармаси билан Талимаржон ГРЭСи оралиғидаги газ узатиш линиясининг 15-32-40-километрларида катта ҳажмда монтаж ишлари амалга оширилди.

Завод яқинида сув омбори қурилиши туйғули Келиф Муборак Марказий газ уза-

## ШЎРТАНГАЗ МАВЖЛАРИ

линиши режалаштирилган. Уни қуришда «Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонаси, «Қарши маҳсул қурилиш бирлашмаси», «Ҳисорак сув қурилиш» трести, «Қашқадарёдеҳқонқурилиш» трести, «Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиш» трести, «Ўзқашқадарётрансқурилиш» бирлашмаси бунёдкорлари иштирок эта бошлади.

1998 йил 3 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Қашқадарёда бўлиб, Шўртангаз-кимё мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган бу улкан иниоот мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари бу ердаги иш суръати билан танишар экан, технологик

тиш линиясида ҳам ўзгариш юз берди. Тармоқнинг қарийб икки километри кесиб олиниб, сув омбори устидан ўтказилди. Мазкур ноёб қуриланнинг 2,5 минг куб метр сиғимли ҳавзаси ҳам бор. Ҳавзалардаги сув 3 та маҳсул филтёр орқали тозаланади. Қурилмага Канада ва Японияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди.

Истиқлол меваси сифатида бунёд бўлган ушбу корхона кундан-кун гуллаб-яшнаб бораётган юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишда ўз муносиб ўрнига эга бўлиши шубҳасиздир.

Нигора ЎРОҚОВА,

Қарши давлат университети аспиранти

# ТҮЙҒУСИ

зилмаларнинг асосий мақсадини ташкил этар экан. Ўтказилаётган машғулотлар ранг-баранглиги билан иштирокчиларни ўзига жалб этди. У ерда аёлларга лойиҳалар тайёрлаш, интернет мутахассислиги, компьютерни дастурлаш борасида билим ва тушунчалар бериб борилади.

Биз ҳам туманимизда бичиш-тиқиш, компьютер дастурловчи, сартарошлик, пазандалик курсларини очдик. Ҳозир Марказимизда 70дан зиёд хотин-қизлар машғулотларга жалб этилган. Марказимиз фаолиятини янада бойитиш, хилма-хил йўналишлар бўйича билим бериш, мутахассисларни жалб этиш режаларини тузиб қўйганмиз. Бунга имкониятимиз ҳам, маблағимиз ҳам етарли.

Мухбир: — Кореяда Марказларга келаётган аёлларнинг ёшлари, қизиқишлари қандай?

Х. Зокирова: — «Qyelorido» хотин-қизлар ривожланиш Марказида Тасвирий санъат ва рассомлик тўғрисида қатнашаётган аёлларнинг ёшларини қизиқиб сўрадик. Уларнинг барчаси 50 дан ошган, 60-75 ёшлардаги аёллар эди. «Биз невараларимиз тарбияси билан шуғулланибгина қолмай, ўз савиямизни ошириб борамиз. Ўзимизнинг маънавий билимимиз бой бўлмаса, уларга нимани ўргатамиз!» деди улардан бири.

Ёшлари бир жойга борганда,

ҳафсала билан расомлик сирларини ўрганаётган аёлларга ҳавасимиз келди. Шунда ҳаёлимдан бир фикр ўтди — бизда ҳам кекса зардўзлик, каштачилик, гиламдўзлик сирларидан хабардор момоларимиз, аёлларимиз кўп, уларни бир Марказда жамлаб, ёшларга мана шу касб сирларини ўргатишни ташкил этиш мумкин. Ҳозир ана шу лойиҳа устида ҳам иш бошлаш арафасидамиз.

Хуллас, болалари ташвишларидан қутулган аёллар Марказларга кўпроқ жалб этилган. Хотин-қизлар ривожланиш Марказида ёш қизлар ва кекса аёллар билан гаплашганимизда, улардаги фикрлаш қўлами, Ватанни ардоқлаш ва у билан фахрланиш туйғуси, юртга муҳаббат кучлигини англадик. Бундай туйғу инсоннинг қай юмуш билан машғуллиги, қайси юртда яшаётганлигидан қатъий назар барчада бирдай юксак даражада шаклланиши лозимлигини юрак-юракдан ҳис этдик.

Мухбир: — Марказларда таълим қай йўсинда ташкил этилганлиги, қандай натижаларга эришилаётгани ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.

Х. Зокирова: — Биласизми, Марказларда ўқиш муддати 5-8 ойни ташкил этади. Битирувчилар билан учрашганимизда, уларнинг 70 фоизи ҳаётда ўз ўринларини топа олишларига кўзлари етажагини айтишди.

Кореядаги хотин-қизлар Марказлари раҳбарлари билан бўлган суҳбатларда улар етакчи

хотин-қизлар билан ишлашдан ташқари, ёшлар, турли тоифадаги аёллар, уларнинг ахлоқи, маънавияти, билим савияларини ошириш бўйича амалий ишлар қилинаётганининг гувоҳи бўлдик. Биз ҳам ўз навбатида масаланинг бу жиҳатларини ҳам эътиборга олиб қўйдик. Бизда ҳам ёшлар, турмушидан ажрашган аёллар, кам таъминланган оилалар бор. Уларнинг тарбияси, ўқиши, ишга жойлашиши масалаларини тезроқ ҳал қилишимиз керак.

Сеул Миллий Университети, «Pvongtaek» талабалари ва профессор ўқитувчилари билан учрашувлардан қайтганимизда, «Ватан туйғуси» китобида ўқиганим қуйидаги сатрлар ёдимга тушди: «Миллий ифтихори кучли бўлган шахс, ўз мамлакати билан фахрлана олади ва унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Унинг эртаси бугундан кўра мукамалроқ бўлишига интилади».

Биз ўн беш кун ичида Ватанимизни шу қадар соғиндикки, таърифига сўз ожиз. Унинг муқаддас туپроғини кўзга суртишга, ҳавосидан тўйиб-тўйиб сипқоришга шошилдик. Ўз уйимизнинг, маҳалламизнинг, қолаверса улуғ Ватанимизнинг порлоқ эртаси учун қанчалик масъуллигимизни юракдан ҳис этдик. Ватанимизнинг келажаги эса порлоқ бўлади, иншоллоҳ.

Мухбир: — Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Барча режалангиз бекаму кўст амалга ошсин.

**Абдусайд НУРБОЕВ**  
суҳбатлашди





# МУЗАЙЯНА ОПАНИ ЭСЛАБ...

Инсон умри ўтган сари кўп нарсаларнинг қадрига етиб бораркан. Эсламоқчи бўлганим воқеага ҳам 20 йил бўлибди. Шу йиллар давомида мен ҳам ҳаётнинг кўп томонларини чуқурроқ тушунадиган, ҳис қиладиган бўлдим. Турмушнинг оғир кунлари билан қувончли дамлари ёнма-ён келишини ҳаётнинг ўзи, яшайинга ўзи ўргатди. Лекин доим мен жуда ҳурмат қилган, кекса, ақлли бир аёлнинг "Қизим, ҳали ҳаёт олдинда сабр-тоқатли бўл, чидамли бўл, тилинга эҳтиёт бўл", дея қилган насиҳатлари ва шу аёлнинг ишончи менинг яқин ҳамроҳим бўлди...

Мен Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимида ишлаш бошладим. Ўша ёзда Деҳқонободда таниқли бахши Умир шоир Сафаровнинг юбилейини ўтказишга тайёргарлик кетаётган эди. Ёзувчилар уюшмасидан Саид Аҳмад, Музаёна Алавия, Отаёр ва Тил ва адабиёт институтидан филология фанлари доктори Тўра Мирзаев, филология фанлари номзоди Зубайда Ҳусайнова ҳамда мен июн ойида шу юбилейга борадиган бўлдик.

Кечагидек ёдимда, биз поездга ўтиряпмиз. Мен ҳаяжонданман, ахир бундай анжуманга, қолаверса, фольклор экспедициясига биринчи боришим, яна ёзувчилар, олимлар қаторида. Поезд жилди. Музаёна опа, Зубайда опа ва мен битта купега жойлашдик. Зубайда опа билан институтга келган кунимданок яқин бўлиб қолган эдик. Лекин Музаёна опани биринчи марта кўришим эди. Музаёна опа ҳақида жуда кўп яхши гаплар эшитган, ўқигандим. Мен бу

юзидан нур ёғилиб турган аёлни биринчи кўришдаёқ, илк суҳбатиданок яхши кўриб қолган эдим. Биз худди бир неча йиллардан бери танишдек, бир зумда тил топишиб кетдик. Уларнинг мулоҳазали, босиқ, ширали суҳбатлари ўзига тортди. Ёддан газаллар айтишлари-га маҳлиё бўлиб қолдим.

Ҳа, бу ўша — бутун ҳаёти бир тарих бўлган Музаёна опа эди. Беш ёшларида катта бувиларидан ўқишни ўргана бошлаган, 9 ёшга тўлмасданок паранжи ёпиниб отинийиникига қатнаб, Навоий, Бедил, Фузулий, Ҳофиз асарларини мутолаа қилган, ўзи ҳали тўла тушуниб-тушунмай оқсоч Ойимбобининг мунгли, ғамгин қўшиқларини ёзиб ола бошлаган қизча. Тоғалари Абдулла Алавий хиянидаги ўқишга, шеъриятга бўлган интилишни кўриб, уларнинг уйларида ҳисоб, она тили, жуғрофия ва русчани ўргатадиган муаллималарни таклиф қилганлар. Энди у рус адабиёти билан ҳам таниша бошлаганди.

1930 йилнинг баҳорида она томонидан қариндошлари бўлмиш, ўзлари яхши таниган Лутфулла исмли йигитга турмушга чиққанлар, лекин турмуш ўртоқлари кўпўтмай, тухмат туфайли қамалиб кетган. Музаёна опа мактабда муаллималик қилиб, республикамизда «Аълочи ўқитувчи» бўлиб таниладилар, турли курсларда дарс берадилар. Халқ оғзаки ижоди материалларини тўплайдилар, уларни тадқиқ этадилар. Орадан деярли 10 йил ўтгандан кейин турмуш ўртоқлари қайтиб келади. Оила қувончга тўлади, бирга фарзандларни воёга етказадилар...

Учқовимизнинг ҳам кайфиятимиз яхши, турли мавзуларда суҳбатлашиб, дам олиб кетаяпмиз. Музаёна

опа ўз ҳаётлари, шеърият, илмий иш ёзиш жараёни ҳақида гапирдилар, кўп маслаҳатлар бердилар. Уйкуга кетишдан олдин қоғоз-қалам олиб, нималарнидир ёза бошладилар. Ёзиб бўлгач, «Мана қизим, Сайёра-жон, сенга», дедилар. Бу қоғозни ҳозиргача сақлаб келаман. Бу "Фарзанд" деб аталган шеър эди. У шундай бошланар эди:

*Сайёрадан бўлса фарзанд,  
Кўрган кўзлар бўлар хурсанд.  
Мушфиқ, меҳридондир ўзи,  
Яқини ширини, нурли кўзи.  
Жойларимни шузамади,  
Дала Ёлқам кўзамади.  
Қароғида самимияш,  
Хар қадамда иززат-ҳурмат.  
Мендай бахтли бўлми, қизим,  
Олқинларга тўлми, қизим.  
Ота-опанинг қил иززат,  
Ўларга ҳам катта раҳмат.  
Бахтини билан бўи, Музаёна.  
Замон яхши, ҳам танушон.*


Биз беш кун бирга бўлдик. Турли йигилишларда, учрашувларда қатнашдик. Мен мана шу кунлар ичида Музаёна опанинг халқ орасида ҳурматлари чексиз эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Қаерга бормайлик, кимлар билан учрашмайлик, ҳамма опани кўриб севиниб кетарди, бир бор суҳбатлашишга интиқ эдилар. Опа ҳам давраларда газаллардан, халқ кўшиқларидан, ўз шеърларидан намуналар айтиб ҳаммани ўзига ром этардилар. Уларнинг келганини эшитганлар икки оғиз сўзлашиб, соғ-омонликларини кўриб кетгани ошиқардилар. Шундан билдимки, бу яқин орада Музаёна опани билмайдиган ёки улар ҳақида эшитмаган одамни учратиш қийин экан. Чунки опа рес-

публика доирасида халқ кўшиқлари, эртаклари, дostonларини излаб бормаган бирорта вилоят, туман, бирорта қишлоқ йўқ ҳисоб. Бу муболаға эмас. 1925-1926 йиллардан бошлаб хотин-қизлар томонидан ай-тилган кўшиқ, эртақ, мақолларни тўплай бошлаган бўлсалар, 1940 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти-нинг фольклор бўлимида иш бошла-гач, ҳар йили экспедицияларда қат-нашганлар. Ҳатто урушнинг энг оғир йиллари ҳам экспедицияга чиқиб, турли мавзудаги кўшиқлар, айтим ва марсияларни ёзиб олганлар, нашрга тайёрлаганлар.

Яна Деҳқонободдаги анжуманга қайтсак. Шундай қилиб, кунлар ҳам бирма-бир ўтиб борарди. Бу ўтган вақт бизларни янада яқинлаштирди

— она-боладек бўлиб қолдик. Зубайда опа билан мен Деҳқонободда халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш учун қолдик. Музайяна опа ва бошқа шерикларимиз билан хайрлашдик.

Сафар тугаб, Тошкентга қайтгач, Музайяна опани тез-тез эслаб турардим. «Албатта бизникига келгин, қизим», деганлари доим ёдимда бўлса-да, бир неча ой ўтиб ҳам бора олмадим. Бу орада кўклам ҳам келиб қолибди. Мен Музайяна опани байрам билан табриклаб, та-брикнома юбордим. Бир ҳафта ўтгач, Музайяна опадан хат олдим. Хат жуда самимий, меҳр билан ёзилган эди: «Азиз фарзандимиз, севимли Сайёра! Табрикномангни олдим, хурсанд бўлдим... Сайёражон! Мен ҳам ганиматман. 76 ёшга чиқдим...



Ёшлик ёз ёмғиридай тез ўтиб кетади, бир дақиқангни беҳудага ўтказма, китобга дўст бўл. Ҳали жуда ёшсан, билмайсан. Тилиннга эҳтиёт бўл. Меҳнат қилишни одат қилиб ол! Ҳурмат билан хизматни унутма! Халққа мақбул ва маъқул бўлмаган ҳаракатлардан узоқ юр. Ўнта сўзинг бўлса ҳам биттасини айт. Товушингни баланд кўтарма! Мени данданг яхши билади. Келиб туришинга қаршилиқ қилмаса керак.

Соғлиқ ва бахт тилаб Музайяна 10.03.85».

Ҳа, энди ўйлаб қарасам, Музайяна опа билан купеда бирга кетиб, бир неча кун бирга яшаганларимиз, хатларини олганимдан сўнг бир неча марта уйларига борганларим, уларнинг қувониб кутиб олганликлари ўзлари айтганидек «ғанимат» экан. Ҳаётимда шундай аёл билан танишганимдан, яқин бўлганимдан хурсандман.

**Инсон умри ўтган сари кўп нарсаларнинг қадрига етиб бораркан. Мана шунга ҳам 20 йил бўлибди. Шу йиллар давомида мен ҳам ҳаётнинг кўп томонларини чуқурроқ тушунадиган, ҳис қиладиган бўлдим. Турмушнинг оғир кунлари билан қувончли дамлари ёнма-ён келишини ҳаётнинг ўзи, яшашнинг ўзи ўргатди. Лекин доим мен жуда ҳурмат қилган, кекса, ақлли бир аёлнинг «Қизим, ҳали ҳаёт олдинда сабр-тоқатли бўл, чидамли бўл, тилиннга эҳтиёт бўл» дея қилган насиҳатлари ва шу аёлнинг ишончи менинг яқин ҳамроҳим бўлди.**

**Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА**

# УМРИМ КУНБОТАРГА ОҒМОҚДА

## ЭЙ ДЎСТЛАР

Ҳимматлари тузоқ чархнинг,  
эй дўстлар,  
Дил гар дунёсига фарқдир,  
эй дўстлар.

Дунё молига ким каманд бўлибдир  
Емирар ул Тангригоғни, эй дўстлар.

Иймону эътиқод тиловатдамас,  
Ибодати дилда ҳақни, эй дўстлар.

Тўзғитгаймиз тоқай бир-биримизни  
Дили, дини бир-ку Шарқнинг,  
эй дўстлар.

Шону шавкати кўтарайлик хур  
Ўзбек деган буюк халқни,  
эй дўстлар.

Кўрмагаймиз дилни покламасак гар  
Оёқ остидаги чоғни, эй дўстлар.

Душман оёқ ости, бешон қилгайдир  
Бирлашмаган, ёлғиз, тоқни,  
эй дўстлар.

Манглайдама, жонда ҳилпиратайлик  
Ватан отлиғ ёруғ оғни, эй дўстлар.  
Шараф саодати насиб этсин ул —

Ватан буюк бўлган чоғни,  
эй дўстлар.

## СЎЗ

Яшайвер беҳадик, энди беғалва,  
Ҳақ сўзлар кетдилар топиб қўналға.  
Юрак, қайга уни этдинг бадарға,  
Сўздан ўзга зару зўрим йўқ эди.

Ортидан ҳайқирдим ҳаё-хуй солиб,  
Қон қусган юрагим қўлимга олиб,  
Хувиллаган кўнгил зим-зиё, ғариб,  
Сўздан ўзга номус-орим йўқ эди.

Кўнглим Орол каби кетиб боряпти,  
Нортуядек беҳол чўкиб боряпти,  
Умрим кунботарга оғиб боряпти,  
Сўздан бошқа исёним йўқ эди.

Шунчалар гафлатда қолдингми,  
эй дил,  
Шунчалар ҳам лоқайд,  
шунчалар гофил.  
Хур сўзлар кетибди излаб  
хур кўнгил,  
Сўздан бўлак ҳақ бир  
дўстим йўқ эди.

Энди юрагимни уйғотмайди дард,  
Энди ишқ ҳам сағир,  
бошпанасиз бахт,



Энди дардин менга  
айтмайди дарахт,  
Сўздан бошқа тоза ишқим йўқ эди.

Юрагимни силкитдим. Карахт...  
Тарк этди руҳимни, ҳайҳот,  
ҳақ сўзим.

Қувгин бўлган сўзлар ортидан  
Излаб боряяпман ўзимни ўзим.

\* \* \*

Ғами йўқ, қорни-ю тинчидан бўлак,  
Бедард касларгамас, юракка.  
Умидга, энг ёруғ тилакка  
Суяниб-да яшамоқлик бахт.

Княз Кракнинг вафотидан кейин  
ёш ва малоҳатли қизи Ванда мам-  
лакатга ҳукмдорлик қила бошлабди.  
У тез орада ўзининг оқиллиги ва  
адолатпарварлиги билан ном  
чиқарибди. Краков аҳолиси тинч ва  
фаровон ҳаёт кечири бошлабди.

Малика Ванданинг хусну ма-

лоҳати, таърифу тавсифини эшит-  
ган немис князи Ридигер унинг  
ҳажрида ёнибди. Қандай қилиб  
бўлмасин, маликанинг васлига ети-  
шиш пайига тушибди. Бир куни ўз  
аёнларини тўплаб, шундай дебди:  
— Энг яхши қуролланган қўшинни  
тўплаб, Краковга юриш қиламиз.

Мен Княз Кракнинг қизига уйланиш-  
ни хоҳлайман.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг,  
ҳукмдорим. Бу мамлакатга бир неча  
бор юриш қилганимизни ва булар-  
нинг барчаси бесамар яқунланган-  
лигини унутманг. Қалъа истеҳком-  
лари мустаҳкам, соқчилари ҳам му-  
дом сергак, - деб фикр билдирибди  
аёнларидан бири.

— Аввал қимматбаҳо совғалари-  
миз билан элчиларимизни жўната-  
миз. Сўнг, улар элчиларимизни ку-  
тиб олиш билан овра пайтида биз  
хужумга ўтамиз - қатъий буюрибди  
Ридигер аённинг ўзбошимчилиги-  
дан дарғазаб бўлиб.

Бир оз муддатдан сўнг Ридигер  
элчилари Краковга йўл олишибди.  
Уларнинг ёвуз ниятларидан беҳабар  
малика Ванда меҳмонларни зўр  
хурмат ва иззат билан кутиб олишга  
фармон берибди. Бу орада баттол  
княз қўшинлари қалъа истеҳкомла-  
рини эгаллабди. Элчилар маликага  
ҳукмдорларининг совғаларини топ-  
ширибди ва талабларини ҳам бил-  
дириб ўтишибди:





Сени соғинганни баҳордай,  
Муҳаббатин асраб тумордай.  
Кипригингда кўтариб бедор  
Соғиниб-да яшамоқлик бахт.

Сехри зулматларни ёрар сўзларга.  
Кўнглингдан ёруғроқ сўзларга,  
Турналар кетмаган кузларга,  
Сигиниб-да яшамоқлик бахт...

### УМИД

Умр — фақат бир бор  
берилган имкон:  
Ялпиз бўлиб унмоқ,  
гул бўлиб унмоқ,  
Кетсанг гар ортингдан  
тўқилсин эҳсон,  
Ортингдан бир бора  
хўрсинсин офтоб.

Умр - фақат бир бор  
берилган имкон:  
Гард эмас юрагим бўлгил  
буюк дард.

Ортингдан оҳ тортиб  
бўзласин осмон,  
Ортингдан бош урсин  
қолаётган бахт.

Умр — фақат бир бор  
берилган имкон:  
Парчалаб-парчалаб юракни ёқмоқ.  
Бошингдан ғурбатлар  
арисин, даврон,

Доғларингни яшир,  
ўшал кун, моҳтоб.

Умр — фақат бир бор  
берилган имкон:  
Бу дунё устидан қаҳқаҳа ур, кул.  
Бир нафас сукутда қолсин  
бу жаҳон,  
Ортингдан эзилиб йиғласин  
бир гул.

Сўнги кун ортингдан энг  
сўнги имкон:  
Сочларини ёйиб изтироб борсин.  
Ҳақнинг дийдорига ўшал кун армон,  
Фамлар тобутингни  
кўтариб борсин.

Ўшал кун... ўшал кун  
шивирлай бошлар,  
Сукунат дорига осилган тилинг —  
Шеърларингни ўқиб кўзини ёшлар,  
Жасадинг устида уйғонар элинг...

\* \* \*

Жой бермаслар дилда сабрга,  
Кун йўқ меҳр, иймон, қадрга,  
Бир-бирни еб, талашиб, тўзиб,  
Боражакмиз битта қабрга.

Қисмат жоми бир кун лиммо-лим,  
Бу дунёга устун бўлган ким,  
Эй дил, асли видодир дунё  
Боражакмиз қошинга, раббим.

Бу дунёнинг йиртиқ тўрваси,  
Абад эмас ёвгон шўрваси.  
Кун ботарга оғди бу умр,  
Елиб борар чарх аробаси.

Ёмонларга гултож бўлма, дил,  
Дунё молин кўзга илмагил.  
Дўстга хору душманларга зор,  
Номардларга муҳтож бўлмагил.

Йиғди ҳадсиз жавоҳиру зар,  
Зир титради етти минг кишвар,  
Маҳшар кетар чоғи тобутдан  
Кўли очик кетди Искандар.

Англадингми, муҳаббат ҳақдан,  
Мўжиза-ю каромат ҳақдан,  
Бошинг тошга урсанг ҳамки дил  
Зулму завол, адолат ҳақдан.

Мардоналик фазлидир беклар,  
Эл шонини асрайди тиклар,  
Қадринг баланд бўлсин хур элим,  
Сенинг билан бутунман, бутман.

Раббим, тизлар чўқиб сўрайман,  
Ишқ оятинг ўқиб сўрайман.  
Ўзинг қўлла она юртимни  
Берган жонинг тутиб сўрайман.

Энахон  
СИДДИҚОВА

## Малика Ванда ҳақида афсона

— Буюк немис князи сизга ушбу совғаларини тортиқ қилади. Ва эҳтиром ила сизнинг қўлингизни сўрайди.

— Ридигернинг сахийлигига тасаннолар бўлсин! Лекин князнинг таклифини қабул қила олмаслигимиздан ҳижолатдамиз.

— Шошилманг, маликам, ўйлаб кўринг. Агар рози бўлмасангиз, князимиз Краков аҳолисини соғ қўймайди. Халқингиз сизни оқила-лигингиз учун севишади. Аммо биргина ҳукмдорни деб, бутун халқнинг жазоланиши адолатдан эмас.

Ванданинг қалбини босқинчиларга қарши қаҳру ғазаб эгаллабди. Лекин душман олдида ожизлигини билдирмаслик учун бутун аламини ичига ютибди. Элчиларга:

— Биз ўйлаб кўрмоғимиз лозим.

Жавобини эртага маълум қиламиз, — дебди Малика.

Бундай мушкул вазиятдан қутулиш чораларини ўйлаб, Ванданинг боши қотибди. Қандай қилса, тўғри йўл тутган бўлади: Ридигернинг таклифига рози бўлсинми? Аммо қандай қилиб юртига бостириб кириб, одамларини ўлдирган кишига турмушга чиқсин. Таклифни рад қилса-чи?.. Унда халқи бошига мислсиз қулфатлар ёғилиши тайин.

Саройдагиларнинг ҳаммаси ҳадик ила ҳорғин уйкуга кетишибди. Лекин маликанинг кўзларига уйқу келмабди. Охири бир қарорга келибди. Малика эгнига оппоқ ҳарир кўйлагини кийиб, бошига нафис гуллардан баргак тақибди ва дарё бўйига йўл олибди. Висла қирғоқларидан туриб жонажон юртига сўнги бор қарабди...

Тун ҳукмронлиги тугаб, атрофга қуёш ўзининг заррин нурларини соча бошлаган пайт сарой аҳли илинж билан Ванданинг ётоғини пойлашибди. Лекин ҳадеганда маликадан дарак бўлавермагач, унинг хонасига киришибди. Хонада сочилган кийимлар ва гул қолдиқларини кўриб, қандай воқеа содир бўлганини англашибди. Бутун Краков аҳолиси малика Вандага аза очиб, зор-зор йиғлашибди.

Воқеадан хабар топган ёвуз княз Ридигер шармандаликка чидай олмай, кўшинини олиб чиқиб кетибди. Кейин ҳам умуман бу мамлакатга ҳужум қилмабди.

Поляк тилидан  
Музаффар Юсуф Назаров  
таржимаси

# ШАЙХ ВА ШАЙТОН

Ривоят қилишларича, шайх Чумий исмли комил бир зот инсоннинг азалий душмани — Шайтони лаинни қўлга тушириб, жазосини бергани йўлга отланибди. Йўл юриб бир жойга етганда, ниҳоят, шайтон учрабди.

— Ҳа, эй шайх, йўл бўлсин?

— Сен нобакорни излаб кетаётгандим, жазоингни бермоқчиман, - дебди шайх.

— Эй шайх, сенга ҳеч бир зиёним теккани йўқ-ку, ахир.

— Менга-ку зиён етказа олмайсан-а, лекин сен туфайли одамлар гуноҳ, залолат ботқоғига ботиб бормоқда. Шу боис сени маҳв этгали келдим.

Икки ўртада олишув бўлиб, шайх ғолиб чиқибди. Шайх шайтоннинг устига миниб бўғзига пичоқ тирабди.

-Тўхта! - дебди Шайтон хириллаб, - мени ўлдирма. Сенга бир гапим бор... Агар менга омонлик берсанг, ҳар куни эрталаб ёстиғинг остидан 100 динордан пул топасан!

Шайх унинг айтганини қилиб, қўйиб юборибди. Шу тариқа, ул зот ҳар куни болишининг остидан юз динордан пул санаб оладиган бўлибди. Кунлар шу зайлда ўтаверибди. Аммо бир куни шайх не кўз билан кўрсинки, ёстиғининг ости бўм-бўш эмиш. Эртасига ҳам, индинига ҳам шу ҳол такрорланибди.

Шайтон яна макру хийла йўлига ўтганига ишонч ҳосил қилган шайх унинг таъзирини бериб қўйишга аҳд қилиб, йўлга тушибди. Яна аввалги жойга етганда, Шайтонга дуч келибди. Хуллас, икки ўртада шиддатли олишув бошланибди. Таассуфки, бу гал Шайтоннинг қўли баланд келибди. Шайтон энди пичоғини қинидан суғурган экан, шайх илтижо қилиб бундай дебди:

— Эй Шайтон, ўлимимдан олдин бир саволимга жавоб бер. Ўтган сафар ҳам худди шу ерда, шу тариқа олишган эдик. Аммо унда сени енгган эдим, бу гал эса — аксинча. Ўтган фурсат ичида мен кучдан қолдимми ё сен қувватга тўлдингми?

Шайтон «қаҳ-қаҳ» уриб кулибди ва дебди:

— Эй шайх, сен илк бор келганингда эл манфаати учун курашга отланган эдинг. Бу ишинг Яратганга хуш келди ва сен ғолиб бўлдинг. Иккинчи бор эса нафсингни ўйлаб курашга чиқдинг. Ана ўша нафс сени мағлуб этди.

**Муҳаббат тайёрлади**



Халқ кўшиқларида ранг билдирувчи сифатлашлар кўплаб қўлланилган. Ҳар бир ранг ўзида маълум мантикий таассурот коддини ташишдан келиб чиқиб, бу сифатлашнинг англашилиши ва таъсирчанлиги ҳисобга олинган бўлиши табиий.

Ранглар камалагининг маъно ифодаловчи, ахборот, алоқа-аралашув, эстетик, бадий хусусиятлари қадимдан маълум.

Ранглар рамзий кўриш сезгисига асосланган тасаввур ва таассуротлар ранг-баранглигини ўз ичига олади. Ижодкор эмоцияларининг мантикий кайфиятини ифодалаш, бадий образни характерлаш, фикрга иккинчи - яширин маъно бериш каби хусусиятлар ранг билдирувчи сифатлашлар учун хосдир.

Ўзбек халқ кўшиқларида оқ, қизил ранг сифатлари кўтаринки кайфият, ижобий ҳис-ҳаяжонга тўла бўёқдорликни ифода этса, кўк ва қора ранглар ҳам ижобий ҳам салбий муносабат туғдиради. Халқ кўшиқларида оқ сифатлаши билан ижобий кайфият ҳосил қилинишига жуда кўп мисоллар мавжуд.

Лирик қахрамоннинг кайфияти ва кўтаринки пафос оқлик хусусиятини ифодалай олмайдиган нарсаларни ҳам «оқ» дея сифатлашда яққол кўринади. Оқнинг «кеча»га нисбатан сифатловчи тарикасида қўлланилиши бунга мисол бўла олади:

**Оқу ойдин кечалар,  
Оппоғу ойдин кечалар,  
Гул билан райҳон бурайди  
Ёра юрган кўчалар.**

Этибор берайлик, «оқ ойдин эмас», «оқу ойдин» демак «оқ кечалар, ойдин кечалар» кечалар сўзининг стилистик такрори ўзича маънони кучайтириш хусусиятига эга, бунинг устига такрорда «оқ» сифатлаши оқлик белгисини кучайтирувчи «оппоқ» варианты билан алмаштирилмоқда.

Оқ сифатлаши белги эмас муносабат ифодаладиган оқ сув, оқ дарё, оқ ёғоч, оқ пошшо, оқ йўл, оқ бола каби бирикмаларда ҳам шу сингари ҳолни кўрамиз.

Халқ кўшиқларида белгиси жиҳатидан оқ сифатлашини ўзига бириктира оладиган сифатланмиш сўзларнинг қуйидаги саногини келтиришимиз мумкин:

- кийим-кечакларни: оқ кўйлак, оқ рўмол, оқ қалпоқ, оқ салла;

- киши танаси аъзоларини: оқ билак, оқ бет, оқ бадан, оқ гардан, оқ юз, оқ сийна;

- иншоот ва қурилмаларни, жойларни: оқ уй, оқ бозор, оқ сарой, оқ булоқ, оқ айвон, оқ девор, оқ кубба, оқ ўтов;

## ОҚ ЮЗИНИНГ ОЙНАМАН...

**Мунаввара ЁҚУББЕКОВА,**  
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти  
катта илмий ходимаси



- ип ва газламаларни: оқ ипак, оқ мато, оқ шоҳи, оқ жужун, оқ мовут, оқ товар, оқ доқа;

- қимматбаҳо буюм ва тақинчоқларни: оқ садаф, оқ олтин, оқ мунчоқ, оқ марварид, оқ балдоқ;

- ўсимлик ва меваларни: оқ терак, оқ гўза, оқ чечак, оқ узум, оқ ўрик, оқ олма, оқ буғдой, оқ гул, оқ лола, оқ гўмай;

- жониворларни: оқ тойлоқ, оқ балиқ, оқ бедов, оқ илон, оқ серка, оқ товук, оқ каптар, оқ от, оқ кўзи, оқ туя;

- турли ашё ва маҳсулотларни: оқ пиёла, оқ бешик, оқ сандик, оқ пилик, оқ чинни, оқ суяк, оқ совун, оқ қоғоз, оқ тангалар, оқ сув, оқ айил ва ҳ.к. билдиради.

Кўйлак, рўмол, қалпоқ, салла каби кийим-кечаклар оқ сифатлаши билан белгиланганда оқлик бу кийим-бошларнинг кўшиқ гоёси учун энг муҳим хусусияти экани англашилади. «Оқ кўйлагим» деганда лирик қахрамон кейинги айтмоқчи бўлган фикрга тингловчини тайёрлайди.

**Оқ кўйлагим енгини  
сўқдим яна, ёр-ёр,  
Оқ сутингга рози бўл,  
Кетдим она ёр-ёр.**

Оқ кўйлак — шарофатли кўйлак, шунинг учун унинг «Оқ шоҳидан кўйлагим», «Оқ товардан кўйлагим», «Оқ доқадан кўйлагим» каби кенгайган вариантлари ҳам мавжуд. Халқ кўшиқларида оқ рўмолга кўшимча гижим рўмол, кўк рўмол, сариқ рўмол, қизил рўмол, қора рўмол каби рўмолнинг турли сифатдошлари мавжуд. Оқ рўмол улар орасида энг ижобий хусусият касб этади. Келин салом жанридаги кўшиқларда оқ ранг нурунийлик рамзи сифатида талқин этилади. «Оқ саллани ўраган...», «Оппоқ дадасига салом».

Халқ кўшиқларида оқ сифатлаши киши танаси аъзоларини билдирганда ҳамisha бу аъзоларнинг жозибдорлиги англашилади, яширин маъноси эса ёшлик ва фаровонликни билдиради. Кўшиқларда оқ юз -

гўзаллик, дуркунлик ва соғломлик рамзи. «Дона хол» ҳам оқ юзга ярашади, «қора қош» ҳам, «чарос кўз» ҳам. Оқ юзни кўришдан бенасиб бўлишни ошиқ сира истамайди:

**Терсам қизил гулларингдан,  
Тинглаб ширин тилларингдан.  
Оқ юзингга тортма парда,  
Оқ билакли кўлларингдан.**

Оқ сўзининг маъноли жуфти қора. Уларни кўшиқ матнида ёнма-ён келтириш қаршилантириш (тазод) санъати бўлиб, мисралар таъсирчанлигини оширади:

**Оқ юзингга ойнаман,  
Қора сочингга тароқ.  
Хушласанг, ёнингдаман,  
Хушламасанг, кетгум йироқ.**

Халқ кўшиқларида оқ сифатлаши сифатланмишнинг белгисини тўғри ва кўчма маънода билдириши мумкин. Оқ сифатлаши ўз маъносида қўлланилганда реал борликда шу рангдаги сифатланмиш мавжудлиги англашилади: оқ рўмол, оқ уй, оқ ипак, оқ садаф, оқ гул, оқ илон, оқ пилик ва ҳоказо.

Оқ сифатлаши кўчма маънода қўлланилганда объектнинг бу рангга бўла олмаслиги англашилади: оқ дарё, оқ бозор, оқ бола, оқ подшо, оқ кеча... Бундай сифатлашлар метафорик сифатлашлардир.

Ўзбек халқ кўшиқларида «оқ» сифатлаши энг юқорилик, беқийёслик, поклик, губорсизлик, нурунийлик, гумондан ҳолилик, эзгулик, беғаразлик, бехатарлик, равшанлик, хосиятлик, ардоқлилик, зарурлик, қадрлилик, яхшилик, ижобийлик каби белгиларни, авайлайдиган, аялаган каби тушунчаларни билдира олади. Оқ сифатлаши сифатланмиш объектнинг тусини билдираётганидан ташқари, ундаги юқорида санаб ўтилган белгилардан бири, бир нечаси, баъзан барчаси мавжудлигини ҳам таъкидлаб кўрсатади.



# КЎНГАЛТА ЭМ КЎШИҚЛАР

Замира СУЮНОВА,  
Ўзбекистон халқ артисти



Санъат дунёсида кўнгил деган бир дарё бор. Мана шу дарёнинг мавжидан кўшиқлар туғилади, куйлар яралади. Шундай кўшиқлар борки, йиллар ўтгани сайин янада дилга яқинлашиб бораверади. Кўшиқнинг умри хонанданинг ижро маҳорати, қолаверса овоз сеҳрига боғлиқ. Ҳазрат Алишер Навоий кўшиқ айтгучиларни икки гуруҳга бўлади: "Бу санъат бир-бирга мутлақо зид икки кутбга ўхшайди. Биринчи гуруҳга мансуб хонанда куйлаётганда ўзини унутиб, айтиш мумкинки беҳушлик даражасида бўлади ва овоз сеҳри тингловчини хушбахтлиқ, умид диёрига етаклайди. Уни тинглаб вужудингиз ғам, дард, аламлардан фориг бўлади. Иккинчи гуруҳ эса унинг аксидир. Улар куйлаётганда бир зумда ғамга ботиб, жон томирларингиз оғриқ туя бошлайди... «Умрининг гўзал дамлари»ни санъатга бағишлаган Коммуна опа Исмоиловани ҳам биринчи гуруҳ хонандалар сирасига киритиш мумкин.

Коммуна опа 1927 йилда Хива шаҳрида дунёга келиб, куйга, кўшиққа ихлоси баланд отаси Курбон ака Исмоиловнинг тарбиясини олди. Онаси Бекажон опа қизидagi санъатга бўлган талпинишдан шодланди. Бу интилиш Коммуна опани Хоразм театри томон етаклади. У ерда уни Тама-рахоним, Пўлатжон Раҳимов ва Охунжон Қизиқлар кучоқ очиб кутиб олишди. Тез орада хонанда санъат дарғалари Фахриддин Со-диқов, Гавҳархоним Раҳимова, До-

ни Зокиров, Комилжон Отаниё-зовларнинг бу борадаги таълими-ни олишга мушарраф бўлди.

«Тоҳир ва Зухра» мусиқали дра-масида Моҳинбону, «Муҳаббат гу-ли» спектаклида Фунча, «Нур-хон»да Қумри образларини ижро этиб, халқнинг кўнглига янада яқинлашди.

Коммуна опанинг ҳамиша так-рорлаб юрадиган бир гапи бор: «Санъаткорнинг улуғлиги халқ би-лан, шунинг учун ҳар қандай санъ-аткор аввало ўз она халқининг хурматини, меҳрини, қозониши, камтарин бўлиши лозим». Бу гап-лар менга сеҳрли овоз соҳиби - Коммуна опанинг ҳаёт жадвалидек туюлади.

Коммуна опа 1959 йилда Комил-жон Отаниёзов раҳбарлигидаги Хоразм ансамблида яққохон хо-нанда сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. У бу ансамблда Хоразм халқ термаларининг айти-лиши маҳоратларини, ўзига хос қочиримларини, илмга ташна та-лабадек ўрганди. Ўша йиллар «Гулнора», «Айланай», «Тунинай», «Жужжим айтаман», «Айтсамми ё айтмасам», «Болама ўхшайди овозинг санинг» каби кўшиқ ва термаларини моҳирона ижро этишга мушарраф бўлди.

«Санъат - машшақатдан иборат, унга бардош бериш учун ижодкор-нинг кўнглида шу соҳага муҳабба-ти баланд бўлиши керак», дейди Коммуна опа.

Опа 1959 йилнинг охирларида Юнус Ражабий раҳбарлигидаги Мақомчилар ансамблида иш бош-

лади. У Республика радиосида ху-шовоз хонанда сифатида талайги-на хизматлар қилди. Берта Дави-дова, Ориф Алимахсумов, Очил-хон Отахонов, Ҳадя Юсуповалар билан биргаликда «Шашмақом»ни магнит лентасига ёзиб олишда фаол иштирок этди.

Санъат бўстонида ўзининг турфа гуллари — кўшиқлари билан чек-сиз гўзаллик бахш этган Ўзбекис-тон халқ артисти Коммуна опа Ис-моилова 1981 йилдан бошлаб Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг та-лабаларига, шу билан бирга 1983 йилдан Тошкент Маданият колле-жи ўқувчиларига яққохон кўшиқ-чилик йўналишидан сабоқ бериб келмоқда.

Коммуна Исмоилованинг санъат сабоқларини олган, назарига тушган Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Меҳ-ри Бекжонова, Мавлуда Асал-хўжаева, Тожибар Азизова устоз-ларига чексиз эҳтиромларини ўзларининг дилбар кўшиқлари, ян-ги ижодлари билан изҳор этаёт-гандек гўё.

Йиллар ўтаверади. Умрининг сарҳадсиз кенгликлариди хотира-лар, соғинчлар янгиланаваради. Аммо, биз суйган, қалбларимиз-дан чуқур ўрин олган мафтункор кўшиқлар ўн саккиз ёшнинг жози-басидай дилимизда мангу қолади. Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова ижросидаги ҳар бир кўшиқ ҳам худди шундай, ўз туйғуларимизга айланиб кетган.

# "ҚОНУН"И ДАВРОН

**Х**алқимиз ўтмиш маънавияти, руҳияти ва фалсафасининг забардастлиги маданий ва маънавий анъаналаримизда ўз аксини топган. Биз азалдан маънавиятимиз кўзгулари сифатида миллий чолғуларимизни қадрлаймиз. Уларнинг садоларидан баҳра оламиз. Яхши кунларда, фироқнинг захматини, ҳижрон онларини уларнинг ҳамдард садолари билан ўтказишга интиламиз. Хуллас, мусиқий чолғуларимиз халқимизнинг қадриятлари негизда яратилгандир.

Ўзбек миллий маданиятида мавжуд ҳар бир чолғуни биз мукамал соз деймиз. Чунки, улар жозибали оҳанг таратишга қодир. Лекин, айтиш жоизки, улар шу даражага етгунча не-не ўзгаришу такомилланишлардан ўтганлар.

Мусиқий чолғуларимиз орасида қонун алоҳида ўрин тутаети. Бирок кенг оммалашганига қарамасдан, унга тегишли бўлган тарихий маълумотлар ва ички хусусиятлари ҳали кўпчиликка маълум эмас.

Қонун юнонларда «монорд» — бир торли тарзида юритилган.

Қонуннинг илк намунаси тарихий обидаларда, миниатюраларда, идишларда турли шаклларда акс эттирилган.

Қадимда қонун чўзинчоқ, тўртбурчак, трапециясимон, ёйсимон — эгри кўринишда бўлган. Улар учбурчак, тўртбурчак ва эгрисимон чолғулар деб ҳам юритилган. Қонун ўтмишда Сантур, Нусха ва Магна номлари билан юритилганлиги рисодаларда баён этилади.

Қонун араб халқлари орасида X-XI асрларда кенг оммалашган. Кейинчалик Андулус (Испания) орқали Европага ўтган.

Қонун созининг турклар ва озарбайжон қонунига, уйғурлар қалунига, славянлар гуслисига, японларнинг катосига, корейс-

ларнинг қиясига турли томонлама ўхшашлигини кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатга Ал-Фаробий, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий каби қатор Шарқ алломалари томонидан атрофлича изоҳ берилган.

Ўрта асрларга келиб қонун сози ўзининг ихчамлиги, қулайлиги ва товушларининг кўркемлиги боис амалиётда кенг қўлланила бошлаган. Илк чолғуга ҳар бири учланган 13 та сим ҳаммаси бўлиб 39 та сим тортилган. Кейинчалик симларнинг сони кўпайиб, соз диапазон жиҳатидан кенгайиб борган. Абдулқодир Мароғийнинг «Жаъми ал-алҳон фи илм ал-муסיқа» номли рисоласида ҳозирги қонунга жуда ўхшаш соз таърифи келтирилган. Унга кўра XV асрдаги қонун чолғуси трапеция шаклида бўлиб, 72 та сим тақилган. Улар учлаганда 24 тани ташкил қилади ва 2 октавадан ортиқ диапазонга эга бўлади.

Турли халқларда ўз маънавияти доирасида арфага ўхшаб овоз тараннум этувчи ўзига хос чолғулар юзага келган. Қонун ҳам араб ва аҷам халқларининг тирнаб ижро этувчи гўзал чолғуси десак адашмаймиз. Тўғри, қонун чолғуси ғижжак, танбур, рубоб, най сингари қалбни эзувчи нола, қочирмаларга бой эмас, лекин унинг ижро услуби ўзгача тароват касб этади.

XX асргача қонун сози шаклланиб такомиллашиб келган. 1920 йилларда мисрлик машҳур, ва бетакрор қонунчи Константин Манси томонидан учолғуси янада такомиллаштирилди. Манси бунга оддий усул билан эришади. У бир имкониятда қўлланилаётган симлардан учтагача товуш олишга эришади. У сунъий, яъни ўзгартириш мумкин бўлган харрак мосламалар ясаб, қонуннинг ҳар бир симига қўйиб чиқади. Эътироф этиш жоизки бу мослама қонун созининг техник ижро им-

кониятларини ҳам анча оширди.

Ўтмишдан халқ орасида созандалик ва хонандалик соҳасида машҳурликка эришган намояндлар номлари рисодаларда баён этилган. Улар маданият ва санъат равнақида беҳисоб улуш қўшган фидоий инсонлардир. Шу боис уларнинг исмларига чолғу номи қўшиб айтилган. Ана шундай машҳур кишилар орасида қонун сози ижрочилиги билан донг таратган созандалар ҳам ўтган. Дарвиш Аҳмад Қонуний, Устод Абдусаттор Қонуний, Ҳожаи Жафарий Самарқандий Қонуний, Ҳофиз Бабай Қонуний, Мавлоно Қосим Қонуний қабилар шулар жумласидандир.

Қонун чолғуси чорак асрдан буён замонавий ўзбек санъати ривожига қайта тикланиб, сеҳрли садолари ила халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Қонуннинг жозибадор овози ҳар қандай созлар дастасида ўзгача тароват бахш этади.

**Абдураҳмон ХОЛТОЖИЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган артист





XV аср охири XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Подшохожа бин Абдулваҳҳобхожа ўзбек адабиёти ва тасаввуфнинг йирик вакиллари билан бири эди. Бизгача унинг «Мифтоҳул-адл», «Гулзор», «Мақсадул-атвор» номли асарлари, бир қанча ғазал ва шеърлари етиб келган. Подшохожа ўзининг ахлоқий-таълимий асари «Мақсадул-атвор»да даврнинг энг муҳим ижтимоий-ахлоқий масалаларидан бўлган фарзанд тарбияси ҳақида тўхталиб, унинг жамият ҳаётининг ажралмас қисми эканлигини, шу сабаб тарбия доимо эътиборда бўлиши лозимлигини тушунтиради. Унинг фикрича, одам ўз фарзандига юзаки муҳаб-

ота-онасининг жонига оро кирадиган, уларнинг ҳурматини жойига қўядиган инсон бўлиб етишади.

Подшохожа қарашларида инсоний фазилатлар масалаларининг кенг ўрин олиши, унинг давр ахлоқ қоидаларига, уларнинг халқ ҳаётида тутган ўрнига бўлган муносабатини очиб беришда асосий манба бўлиб хизмат қилади. У ўз салафларининг ахлоқий фазилатлар ҳақидаги битиклари билан танишиб, уларнинг фикрларига қўшилади ва айна вақтда давр нуқтаи назаридан холисона ёндашишга ҳаракат қилади. Мутафаккир меҳрибонлик, ростгўйлик, савоат, фидойилик, вафо, ҳурмат-иззат, сабр-қаноат, камтарлик, халқпарварлик, жасурлик каби

лим олишга ундаб, жамиятга, халқ, юрт тинчлиги учун ва раият осойишталигини таъминлаш учун билимнинг нақадар зарурлигини таъкидлайди. Ўз ўрнида илмга осонликча эришиб бўлмаслигини, унга киши ўзининг бутун ақл-заковатини, фикр-ўйларини, борлиқ-вужудини шу йўлда сафарбар этиб, қунт-матонат, сабр-тоқат билангина етиши мумкинлигини ҳам эслатиб ўтади.

Шоирнинг фикрича, илм фақат ўзгаларга фойда ва яхшилиқ келтирсагина, ундан бошқалар манфаат олсагина, ҳақиқийдир:

*Билим эгалладимми, унга доим амал қил,  
Илмни амалга бўлса, сен оти бир Заҳар бил,  
Заҳр қилмасан инсонни, қилмас ининг инсонни.*

Подшохожаниннг қарашича, кимки илм аҳлига марҳамат кўрсатса, уларга ёрдамлашса, илм ривожи, унинг амалий қўлланиши учун ўз бойлигини, куч-қудратини аямаса, илмни қадрласа, ундай кишилар илм зиёсидан бебахра қолмасликлари, ўз қилган яхшиликлари, ғамхўрликлари эвазига ҳурмат-иззат кўражаклари муқаррардир. Инсонда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш орқалигина уларни бойлик, шон-шўҳрат каби дунёпараст ишлардан узокроқ тутиши мумкин. Шу сабабдан у мол-дунё йиғмоқ дардида ранжу маломат чекаётган кишига, бу ишнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Подшохожа ростгўйликини энг юксак ахлоқий фазилатлардан деб билади. Рост сўзлаган киши бировлар олдида ҳеч қачон мулзам бўлиб, боши эгилмайди, кўнгли осуда, ишлари маромида бўлади. У ёшларни ростгўй қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор беради:

*Рост дено, рост иш эт ҳаф Замон,  
Ёлгон айтмоқликда толарсан Зиён.*

Ёлгон сўзламоқни ким ўзига одат қилса, у ўз бошига зиён орттиради, шунинг учун тўғри йўлни танлаган инсон ҳеч қачон ёлгончи кимсалар билан дўст-биродар бўлмаслиги керак. Киши сабр-қаноат, мулоҳаза ва босиқлик билан иш тутса, ўз мақсадига албатта, эришади.

**Сирож ҲОЗИЕВ,**  
Жиззах давлат педагогика  
институтини доценти

## ИЛМ ҲАҚИДА АНГАМОҚДИР

бат қўймасдан, унинг айбларини яширмасдан, талтайтирмасдан, қийинчилик ва машаққатларга кўникириб тарбия қилмоғи лозим. Боланинг айтган нарсасини ўйламай муҳайё этиш, кўр-кўрона унинг кўнглига қараш, уни бемехр, саркаш, худбин, баднафс, ўзбошимча, ота-онага ва катталарга беҳурмат бўлиб ўсишига олиб келади. Бундай фарзандлар вояга етгач эса ҳаётда меҳнат қилишдан кўра талаб қилишни, кўнгиллари тусаган нарсага осонликча эришмоқни истайдилар. Мутафаккир эътирофича, яхши тарбия кўрмаган фарзандлар илм-хунар, касб-кор эгаллашга меҳр қўймай, ҳаётда ўз ўринларини тополмасдан сарсон-саргардон бўладилар.

Подшохожа «Киши яхши, ҳурмат-эътиборли одамнинг фарзанди бўлиши мумкин. Аммо унинг ўзида инсоний фазилатлар мужассам бўлмаса, ота-онасининг шарафли номигига унга саодат келтирмайди, шунинг учун ҳар бир инсон ўз хулқ-одобини билангина гўзалдир», — дейди. Агар киши фарзандига меҳрини бериб, ёшлиқдан уни меҳнатга кўникириб, яшашнинг қадрига етадиган қилиб тарбияласа, бола ўз дунёқараши, одоб-ахлоқи, феъл-атвори билан

инсоний фазилатларга ёлғончилик, фирибгарлик, иккиюзламачилик, ҳасадгўйлик, текинхўрлик каби инсон ахлоқини бузувчи иллатларни қарама-қарши қўяди.

Подшохожа «Мақсадул-атвор» асарида дилбанди мир Абдусаломга насихат бобида ёшларга зарур бўлган бир қатор ахлоқий қоидалар ҳақида фикр юритиб, уларнинг тўғри йўлдан бориши, ҳақиқий бахт-саодатга эришиш учун ақлий камолотга интилиб, ўзларида маънавий комиллик фазилатларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилмоғи лозимлигини уқтиради. Ёшлар, аввало, илмга интилиши, оқилу фозилларга ёндашиши кераклигини шундай ифодалайди:

*Илм ўқиб ҳаёти салох истаман,  
Сидқ ила ҳаф шому сабоқ истаман...  
Оқилу доно бўлми ҳақнинг инини,  
Фозилу камолга элтирми мкин.*

Подшохожа киши илм олиши учун қалби пок, кўнгли равшан, укувли, тўғри сўз бўлмоғи, эрта-кеч демасдан сидқидилдан сабоқ ўрганмоғи, ҳамisha фозилу комил, оқилу доно кишиларга ёндошмоғи, улар суҳбатидан баҳраманд бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайди. У кишиларни би-



Урта Осиё лўлиларининг келиб чиқиши ва тарихий тақдири ҳақидаги масала мураккаб ва-зифалардан бири ҳисобланади. Чунки уларнинг Урта Осиёга қачон ва қаердан кириб келганлиги ҳақида аниқ тарихий маълумотлар деярли йўқ. Шунга қарамай, айна мавзуда иш олиб борган тадқиқотчилар «Лўлиларнинг аجدодлари Урта Осиёга кўп асрлар олдин Ҳиндистондан келиб ўрнашган», деган фикрни яқдиллик билан ёқламоқда.

Лўлилар илк бор Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида тилга олинган. Бунда Эроннинг Сосонийлар сулоласига мансуб бўлган шоҳ Баҳром Гўр талаби билан Ҳинд рожаши Шангол тортиқ қилган ўн минг луриликлар ҳақида сўз боради. Унда қуйидаги мисралар бор:

*Лўли этиб келди дарғоҳ сарн мўл,  
Шоҳ амри-ла катта оғиланди йўл.  
Ҳаф бирнга хатир ва ситир берди,  
Дехқончилик қилиш дег ер берди.  
Бундодан минг хирмон берди уларга,  
Берди неки керак эди уларга.  
Ҳўкиз, этак билан то ер ҳайдасти,  
Бундой экиб, олсин ҳосил фойдасти.  
Муаннийлик қилсин дарбеш олднда,  
Вамўзд хизмат ҳаф иш бовнда.  
Лўлилар бундого ситирин ошаб,  
Яни йилда келди яна қон қакшаб.  
Шоҳ деди: «Ер ҳайдаб ва сеппи зрур,  
Ҳосил олмоқ сизга бўлмади йўрик.  
Фақат этак қолди, эгарлаб уни,  
Дарбадар кезиниш юртини ҳаф кунин».  
Шундан берн лўли бўлиб оббора,  
Олам кезиб юраф, нстаб бир тора...*

Лўлилар ҳақида XIV асрда яшаб ижод қилган Ҳофиз Шерозий ҳам ўз газаларидан бирида шундай қайд қилиб ўтган:

*Қушман мактиб қувноқ лўли кезидан,  
Доимо ўйнаб, доим қувлаган.*

Машҳур «Бобурнома»да лўлилар ҳақида шундай сатрлар учрайди: «Ош тортилғондан сўнг фармон бўлдиким, Ҳиндистонни бозигарлари келиб, ўнларни кўрсатгайлар. Лўлилар келиб, ишларини кўрсатдилар. Ҳиндистон лўлилари баъзи ишларе кўрсатурларким, ул вилоятларнинг лўлиларидин кўрилмайдур эди. «Ул жумладин... бири буқим, ул вилоят лўлилари икки йиғочни оёқларига боғлаб «пойи чўбин» қилиб, йўл юрурлар. Ҳиндистон лўлилари бир йиғоч била «пойи чўбин» йўл юруйдурлар, оёқла-

рига ҳам боғламайдурлар».

Лўли этнонимининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Уларнинг ичидан В.Мирнорскийнинг фикри, айнақса, диққатга сазовордир. Унинг фикрича, «лўли» атамаси Синд шаҳарларидан бирининг аталиши бўлиб, араб муаллифлари ушбу шаҳарни Арур (Arur) ёки Ал-рур (Al-rur) деб аташган. Олим арабча Ал-рур (Al-rur) сўзидан лури (Luri) ёки лўли (Luli) атамаси келиб чиққан, дея таъкидлайди.

Унинг фикрича, «Шоҳнома»да Ҳинд рожаси Шангол томонидан Эрон ҳукмдори Баҳром Гўрга тортиқ қилинган лўлилар айнан шу шаҳарлик бўлишган. Бизнинг фикримизча ҳам, лўли атамаси Лури шаҳри номидан келиб чиққан. Чунки «Шоҳнома»нинг асл нусхасида «лури» деб берилган. 1984 йилги ўзбекча нашрида матн маъносидан келиб чиқиб бу сўз «лўли» деб таржима қилинган. Албатта, бу ерда таржимонлар Ҳиндистондан юборилган луриликларнинг ўзига хос хусусиятлари (муסיқачилиги, деҳқончилик кўникмаларининг йўқлиги, дарбадар кезиши) ҳозирги лўлиларники билан айнан бир хил эканлигини ҳисобга олган бўлишлари керак. Негаки, Ўзбекистонлик лўлиларнинг баъзи гуруҳлари XX асрнинг ўрталаригача ҳам дарбадар ҳаёт кечиришган. Бундай турмуш тарзи табиийки, деҳқончилик қилишга имкон бермайди.

Лўлиларнинг айрим гуруҳлари ўзларини «мўлтони» деб аташади. Ушбу атаманинг келиб чиқиши Мўлтон шаҳри номи билан бевосита боғлиқ. Берунийнинг таъкидлашича, «Шоҳнома»да қайд этилган Лури (ёки Ал-рур) шаҳри Мўлтон шаҳридан 30 фарсах жануби-ғарбда жойлашган.

Юқоридаги таҳлиллар хулосаси лўлиларнинг ҳақиқатан Ҳиндистондан келиб чиққанлигига шубҳа қолдирмайди.

Форс тилининг изоҳли луғатида «лўли» атамаси «қўшиқ айтиб, рақсга

тушадиган қувноқ одамлар» деб берилиши, ҳозирда ҳам тўй-томошаларимизда карнай-сурнай садолари остида лўлиларнинг «пойи чўбин» ўйин кўрсатиши юқоридаги фикрнинг қанчалик тўғри эканлигидан далолат беради.

Лўлиларнинг дастлабки кўчиши тахминан «Шоҳнома»да акс эттирилган даврдан, яъни биринчи минг йилликнинг ўрталаридан бошланган. Ушбу мавзу билан шуғулланувчи кўпгина олимларнинг фикрича, лўлилар кўчишининг қизгин палласи X-XI асрларга тўғри келади.

Лўлиларнинг Амир Темури хукмронлиги даврида бошланган иккинчи катта кўчиши Бобур ва унинг авлодлари хукмронлиги вақтида ҳам давом этганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Тарихдан маълумки, ҳозирги Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон худудлари Бобур ва бобурийлар хукмронлиги даврида ягона давлат таркибига кирган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бобурийлар даврида Ҳиндистондан Афғонистонга келиб ўрнашган лўлилар XIX аср охирилари XX аср бошларида ҳам Урта Осиё худудларига ўтиб туришган. Ушбу гуруҳ лўлиларини маҳаллий ўзбек ва тожиклар «ҳиндистони лўли» ёки «ҳиндистони жўги» деб аташади.

Лўлиларнинг антропологик тузилиши ва танаси рангининг дравидсимон аҳолига хос қорамтирлиги, баъзи урф-одатларининг (масалан, пешонасига хол қўйишлари) ўзига хослиги ҳам уларнинг Ҳиндистондан келиб чиққанлигига далил бўла олади.

Кўп асрлар давомида турли йўллар орқали Урта Осиёга кириб келган лўлилар ҳозирги вақтда маҳаллий аҳоли орасида лўли, жўги, мўлтони, мазанг ва оғача номлари билан машҳур. Фанда мазанг ва оғача сўзларининг этимологик маъноси ҳанузгача аниқланмаган. Бу эса келгусидаги тадқиқотларга мавзу бўлади.

Шавкат ОТАХОНОВ

# ОЛАМ КЕЗУВЧИ ЭЛАТ



Алишер Навоий таржи-  
маи ҳолидаги энг  
оғриқли нуқталардан  
бири унинг оила курма-  
гани ва бунинг турлича  
талқинларидир. Навоий-  
дан сал кейин унга буюк  
этиқод билан яшаган  
Заҳириддин Муҳаммад  
Бобур «Бобурнома»да бу  
тўғрида чуқур андуҳ билан: «Ўғил ва  
қиз ва аҳли аёл йўқ, оламни тавре  
фард ва жаридда (ёлғизликда)  
ўткарди», — деб ёзади.

Навоий — Ҳиротдаги теурий  
хукмдорларга яқин, кўзга кўринган  
оиланинг фарзанди. Унинг ота аж-  
додлари ҳам она аждодлари ҳам

*Борур, ёддин борурлар ахли мактаб.  
Чу олуф бўлур хавхи Забарҷад ахли ҳафрон,  
Чу олуф илмни хавхи музаҳҳаб.  
Муаллим кулҳунни хат борурмон,  
Ғар озод ғиса ул сарви шакарлаб.  
Навоий ашқидин то шом анҷум  
Шўнаф — инқайи му деб ул савди кавкаб.*

1457-1463 йиллар орасида  
Машҳаддаги мадрасаларнинг би-  
рида ўқиб юрган чоғида эса хирот-  
лик бир қиз билан муттасил мактуб  
ёзишиб турган. Буни унинг шу  
даврда ёзган шеърларидан куза-  
тиш мумкин. Байтлардан маълум  
бўлишича, улар ўзаро таниш бўлиб,  
бир-бирларини севганлар ва Наво-  
ий ўқишини тугаллаб Ҳиротга қайт-

даврдаги «Қаро кўзим, келу мар-  
думлиғ эмди фан қилгил...», «Кеча  
келгумдур дебон, ул сарви гулрў  
келмади...», «Тун оқшом бўлдию  
келмас менинг шамъи шабисто-  
ним...» каби мисралар билан бош-  
ланган машҳур ғазаллари яққол  
мисол бўла олади.

Лекин шу мазмундаги шеърлар-  
да кўзда тутилган ёрнинг «Моҳи  
муаддаб»га алоқаси борми-йўқми,  
буниси бизга қоронғу.

Навоий 1463 йили Ҳиротга қай-  
тади. Аммо Ҳирот олдингидай эмас  
— Султон Абу Саид даврида харо-  
баликка юз тутган, халқнинг аҳволи  
ночор, мадрасаларда ўқишлар  
тўхтаган, ҳамма ёқда тартибсизлик

# Навоий нега уйланмаган?

ўз хизматлари билан элу юртга та-  
нилган кишилар бўлган. Унинг  
Шайх Қаҳлул исмли акаси, Дарве-  
шали деган укаси ҳам бўлган. Улар  
ўз вақтида уйланиб, бола-чақа  
қилиб кетгани Навоий ва  
бошқаларнинг асарларидан маъ-  
лум.

Навоийнинг ўқувчилик чоғида  
мактабдоши бўлган қиз ҳақида ёз-  
ган шеъри ўша вақтдаёқ унинг му-  
омала маданияти бениҳоя юқори  
бўлганидан гувоҳлик беради. Бунда  
тасвирланишича, қиз бадавлат хо-  
надоннинг фарзанди бўлиб,  
суратию сийрати гўзал экан. Шу-  
нинг учун шоир уни «Моҳи муад-  
даб» — «Одобли ой» деб атаган.  
Уни фақат Навоий эмас, барча  
мактаб аҳли севганлар. Навоий  
мактабга доим у билан бориб, бир-  
га қайтган. Қизнинг дарси тугама-  
ган бўлса, Навоий уни кутар экан.  
Баъзан кўпкутишга тўғри келганда,  
Навоий муаллимига хат киргизиб,  
унга рухсат беришни илтимос  
қилар экан:

*Калон мактабда ул моҳи муаддаб*

гач, оила қуришга аҳду паймон қил-  
ганлар. Кунларнинг бирида Навоий  
севгилисининг бетоб бўлиб қолган-  
ни тўғрисида хат олади. Бундан  
қаттиқ изтиробга тушади. Бусиз  
ҳам ўта қийналиб ўқиётган ва яша-  
ётган Навоий шундай пайтда унинг  
ёнида бўлолмаганидан қаттиқ ўки-  
нади ва шу муносабат билан ёзган  
ғазалида куйидаги каби сатрлар  
унинг қалбидан отилиб чиқади:

*Барча бир соғи манга — у ёр Заифи бир соғи,  
Кот ата сикҳат бўлиб, бўлагай теги юз  
мунига зам.  
Садқа айлафга анга лойиқ мена йўқ  
тухфас,  
Хаста жоним нақди бордур, эли, эй пайки  
хафам!  
Эй Навоий, шарҳу ҳолимни дедим ирсол  
этай,  
Сўзидин ҳам сафҳага ўт туштин,  
ҳам куйди қалам.*

Фикримизча, шоирнинг бу давр-  
да ёзган ва «Илк девон»га киритил-  
ган шеърларининг аксарияти бево-  
сита унинг шахсий кечинмалари  
билан боғланган. Бунга унинг шу

хукмрон эди.

Бу вақтда Навоийнинг асосий  
мақсади мусофирчиликларга чек  
қўйиб, севгилиси билан оила  
қуриш эди. Бироқ мавжуд аҳвол  
унинг режасини амалга оширишига  
имкон бермаган. Навоийнинг ўша  
вақтда устози Саййид Ҳасан Арда-  
шерга ёзган машҳур шеърий макту-  
бидан маълум бўладиги, у уйланиш  
у ёқда турсин, яшаш учун уй-жой,  
озик-овқат муаммоларига дуч кела-  
ди. Чунки Абу Саид унинг қарин-  
дошларини Ҳусайн Бойқарога ён  
босганлиги, тоғалари — Мир Саид  
ва Муҳаммад Али Ҳусайн томонида  
туриб ҳаракат қилаётганлари учун  
уларнинг мол-мулки, ҳовли-жойла-  
рини мусодара этган, бу ерда қол-  
ган яқинларини қувғин қилаётган  
эди. Улар Навоийнинг ўзини ҳам  
таъқиб эта бошлайдилар. Унинг би-  
рон ишга жойлашиши ҳам қийин  
бўлади. Бундай шароитда уйланиш  
билан боғлиқ режаси барбод  
бўлгани ҳақида Навоий ўша шеъ-  
рий мактубда шундай дейди:

*Не бир шўх василта ул мандаст,*

*Ки азимм айига бермай тикаст.*

Мазмуни:

*На бирон шех ёр васлига етишмоққа қўлим  
етмайди.*

*Бу обимини дарбадарлик илмларига тек  
қўйган бўлур эди.*

Бу ҳолат Навоийнинг оила қуришига биринчи катта зарба бўлган эди. Шундан кейин Навоий Самарқандга кетиб, ўқишини давом эттирган.

Аммо бу давр ичида шундай бир ҳодиса юз берганки, унга эътибор бермаслик мумкин эмас. Навоийнинг шахсий ҳаёти билан алоқадор бир рубоий бўлиб, унда ёзилишича, кунларнинг бирида кўнглига энг яқин бир инсоннинг (уни шоир «Моҳим» деб атаган) вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитади.

*Ёшунинг эмиш қора булутқа моҳим,  
Ғардуни соғурмоғлик эрур дил хоҳим.  
Қўрмиш қора туфрокқа қуёшдек шоҳим,  
Невбун қора қилмасун қуёшни оҳим!*

Бу рубоий шоирнинг мухлислари томонидан ҳижрий 870 (мелодий 1465-1466) йилда тузилган «Илк девон»га киритилмагани, балки 1480-1487 йиллар орасида Ҳиротда ўзи томонидан «Бадоеъул-бидоя» девонига киритилгани унинг Самарқандда ёзилган бўлса керак! - деган фикрни айтишга имкон беради. Бу ҳодиса Навоийнинг оила қуриш ҳақидаги режаларига иккинчи зарба бўлиб тушган.


Кейинчалик, 1490 йилларда Хусайн Бойқаронинг суюкли ўғли Шоҳ Фариб Мирзо кутилмаганда вафот этгани муносабати билан унга ёзган таъзия мактубини шу рубоий билан бошлагани бежиз эмас эди. Чунки унда инсон боласининг мотам кайфияти беҳад таъсирли ифодаланган.

Навоий 1469 йили баҳорда Самарқанддан Ҳиротга қайтади, Хусайн Бойқаро унга ўз саройидан кетма-кет энг юқори мансабларни беради. Навоий умрининг бир неча йилини янги давлатни мустаҳкамлаш, душманлардан ҳимоя қилиш, мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий, маданий ҳаётини тўғри изга солиш ва ривожлантиришга қаратади. Би-

роқ Хуросондек буюк давлатнинг бош вазири оила қурмагани диний жиҳатдан ҳам, дунёвий нуқтаи-назардан ҳам кўнглисиз бир ҳодиса эди. Шунинг учун Навоийнинг уйланиши масаласи билан унинг яқин қариндошлари, ҳатто подшоҳ хона-

дони аъзолари, хусусан, подшоҳнинг катта хотини — Хадича Бегим ҳам шуғулланган.

Навоий — буюк ақл ва заковат эгаси бўлиш билан бирга юксак дид ва таъб эгаси, кўнгли ўта нозик бир инсон. Бобур бу тўғрида: «Али-





шербекнинг мижози нозук била машхурдир», — деб ёзганида катта маъно бор эди.

Навоийнинг оила қуриш масаласини кун тартибидан бутунлай ўчириб ташлагани ҳам бизга маълум эмас. Лекин уйланиш ҳақида аниқ режалари бўлгани «Хамса»нинг биринчи достони — «Хайрат-ул аб-рор»да кўзга ташланади. Демак, 1483 йилда ҳам у бу ҳақда ўйлаган. Бу вақтда маълумки, Навоий 42 ёшда эди. «Хайрат-ул аброр» достонининг «Вафо бобида...» деб аталган саккизинчи мақолатда шоирнинг изхори дили мавжуд. У вафодорликни инсондаги энг олий сифатлардан бири сифатида улуғлар экан, шахси бизга номалум бўлган аёлга сабо орқали мурожат қилиб, ундан вафодор бўлишни ва Навоийга илтифот кўрсатишни илтижо қилган ва қуйидаги сатрларни битган:

...Нега висолигини тилаб Зор бўлай?  
Нега фириқини тирифтор бўлай?  
Бағрим бўлб кўнм бало лоласи  
Кўздни оқиб ҳар сори париласи.  
Моним бўлб ҳақрини ила дардманд,  
Рағлар ажалдин анга негон каманд.  
Они сени истабон эрдум қадам,  
Ким табиинда қадам бўлди адам...

Бироқ кейинги йилда «Хамса»нинг иккинчи достони — «Фарҳод ва Ширин»ни ёзар экан, унинг кириш қисмидаги бобларнинг бирида севгилисидан кўнгли қолганини айтади:

Вафосиз, тавосиз ноахл анга хуш,  
Вағда ахл билан биттаво нохуш.  
Малак ҳайли эса ашқим улуи рашқ,  
Шўқубон ул пари ҳар дев улуи ашқ...  
Натай, мени Зобу Зийнат бирла тобус —  
Ким, бўлмай ҳаминишни буми манхус.  
Бир ойқим бўлмай, ул салиб манга дард,  
Жаҳонлаймо-у ҳар жоно шабгард  
Манга айлаб гачу мехнатни мунис,  
Ўзи ҳар уйда бўлмай шамон мажлис.  
Озиб анқим киби сабру қарорим,  
Қаро айлаб келадек рўзгорим...  
Қўнми шўқ ахлми мени пора хуштуру,  
Чу мавшўқ ахл эмасуру — тора хуштуру...

Шоирнинг асарларида шундан кейин бошқа бирон аёл билан танишгани ҳақида маълумот учрамайди. Бу унинг оила қуриш йўлидаги сўнги уриниш бўлган, дейиш

мумкин.

Умуман, Навоий оила қадрини билган. У шахсий ҳаётида ҳам яхши бир ота намунасини кўрсатишга интилган. Лекин айтиб ўтилган сабабларга кўра бунга эриша олмаган. Бу ҳақда чуқур афсус билан «Эй дўстлар» радифи билан ёзган машхур бир ғазалида қуйидаги сатрларни битгани ўта таъсирлидир:

Айламан бекаситини тағи, бир кун  
бор эди —  
Менда ҳам бир позанин, тобуқубор,  
Эй дўстлар.  
Ёрсиз ваифонда қон йиллармен оғир!  
Сиз қилин ёр бирла гашти бозу халазор,  
Эй дўстлар.

Навоий қарилик палласига қадам кўяр экан, «Наводирун-нихоя» девонидаги ғазаларининг бирида йигитлик даврини, унда севгилиси билан бирга бўлган кунларини айна вақтда уларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб кечганини, кўпроқ унинг қайсар ва ўжарлиги туфайли оила қуриш ҳақида бир фикрга кела олмаганларини хотирлаб, шундай бўлса ҳам биринчи «ёр»ини чуқур самимият билан эслайди:

Бор эди, ул ҳамки бир тоғ, бизга ёре бор эди,  
Кулли ар ёр бўлмас, фил жумла бор ёр эди.  
Васлидини бутқармас, тасқин берур эди афру,  
Хаста қўнлим дардин, не ким ҳақринини  
афрор эди.  
Мен агар махрум эдим, махрум ҳам эрмас  
эрди ул,  
Қўнлим ар озуфта эрди, лек миннатдор эди.  
Шамъ агар ёрушмас, қуйдурмас ҳам  
яқиндир,  
Не улусқа улфат ондин, не менга озор эди.  
Туйиб шўқ этмадимким, онсиз дамиман  
бу дам.  
Ул қуёшнинг ёшурон тағини қажрафтор эди...

Навоий ёлғизлигидан шеърларида кўп шикоят қилса ҳам, бундан адабиётимизни янада бойитиш, ўлмас асарлар ёзиш учун фойдаланди. «Ёлғизнинг ёри — Худо!» деганларидек, у баъзан қисқа муддатда юзлаб, минглаб шеърлар ёзган бўлса, «Хамса»га кирган 50 минг мисрадан зиёд беш достонини атиги икки йилда ёзиб тугаллади. Навоий бирон аёл билан турмуш қурмаган бўлса ҳам, ўзига яқин

қариндошлари ва қадрдон дўстларининг бир неча фарзандларини уларнинг розилиги билан фарзанд сифатида тарбиялаган. Мир Иброҳим деган асранди ўғли ҳақида «Мажолисун-нафоис» тазкирасида Навоий шундай дейди: «Мир Иброҳим — Султон Хусайннинг ўғлидур ва фақир (Навоий)нинг оғасининг набирасидир. Фақир они ўғилчадай асрабмен».

Машхур тарихчи Хондамир «Мақоримул-ахлоқ» асарида ёзишича, Навоийнинг дафн маросимида унинг тутинган фарзандларидан бири — Амир Камоллиддин қатнашиб, юқори даражадаги меҳмонларнинг таъзияларини қабул қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий шахсий ҳаётида севгилиси висолига етиша олмаган бўлса ҳам, бутун умри давомида ҳаётни севиб яшайди ва ижод қилди. Бир шеърда унинг:

Демакки: — «Бўлдики қарини ўтди даври  
ниқим!»  
Шо тирифдормен, манга ишқу муҳаббат  
бондур.

Бу нурли ва файзосор туйғу у яратган асарларга кўчди. У қуйлаган севги эса бир ёки икки шахс ҳаёти ва тақдири билангина боғланган бўлмай, унинг ўз халқига, Она юртига, замондошларига бўлган қайноқ муҳаббати билан йўғрилиб, жуда катта маъно касб этди ва ҳар бир асари унинг шеърляти мухлислари қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор.

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bir kishining ajoyib sovg'isi bor ekan. U har yili egizak qo'zichoqlar tug'ar ekan. Shunday qilib, qo'zilar soni oltitaga yetibdi.

Qo'zichoqlar sho'x, beg'am va to'polonchi ekan. Ular oldilariga tashlangan yemni talashib-tortishib, bir pasda yeb bitirishar ekan. Qorinlari to'ygach, o'ynoqlab, bir-birlari bilan suzishar ekanlar.

Ularning ichida eng kichigi akalariga o'xshamaydigan, yuvvosh bo'lib o'sibdi. O'zi juda chiroyli, yungi qora, jingalak bo'lib, peshonasida tangaday oqi — qashqasi bor ekan. Shuning uchun ham unga Qashqa deb laqab qo'yishibdi.

Qashqa akalariga o'xshab sho'x emas, aksincha, yuvvosh bo'lganidan boshidan ancha qiyinchiliklarni kechiribdi.

Xonadon egalari qo'y va qo'zichoqlarni yaxshi boqishar ekan. Har gal oxurga bedami, po'choqmi tashlanganda Qashqaning akalari bir-birlarini itarib, surib, kallalarini oxurga tiqib olib, tashlangan yemni apir-shapir yeyaverisharkan. Qashqa esa bunday qilishdan tortinib, ochko'zlik bilan yem yeyayotgan akalarning odatlarini yoqtirmay qarab turar ekan.

Hamma qo'zilar yem yeb, qorni to'ygandan keyin, u to'kilgan-sochilgan o'tlardan ozgina yer ekan.

Biroq u katta bo'lgan sari bunaqa yengil-yelpi ovqatlanishdan qanoatlanmaydigan bo'libdi. Qorni och qola boshlabdi.

Nihoyat u ham akalariga o'xshab talashib-tortishib yem yeyishga o'tmoqchi bo'libdi. Bir kuni xonadon egalari qo'zilar oxuriga Qashqa juda yaxshi ko'rib yeydigan xushxo'r beda tashlashibdi. Qashqa ham boshqa qo'zilar qatori yugurib oxur yoniga borib, kallasi ni tiqmoqchi bo'libdi. Lekin undan chaqqon akalari kallalarini g'uj qilib olganidan, oxurga yetolmabdi. Suqilib kiraman degan ekan, Do'lvor laqabli bir akasi shunday suzibdik, uchib borib qo'yxona ustuniga urilibdi, zarbdan biqini shunday qattiq og'ribdik, ayanchli ma'rab yuboribdi.

Buni ko'rgan xonadon egasi Qashqani alohida qo'raga kiritib, oldiga mo'l-ko'l yem va suv qo'yibdi. Qashqaning jarohati tez orada tuzalib, ko'rmaganday bo'lib ketibdi. U semirib, kuchga to'libdi. Biroq alohida qo'rada zerika boshlabdi. Qo'pol, ochko'z bo'lsa ham akalarni sog'inibdi. Hadeb ma'rayveribdi. Unga javoban aka-ukalari ham ma'rab qo'yisharkan. Mayli, och qolsam ham, akalaring suzib o'ldirsa ham, yolg'iz zerikib yotgandan akalaring yonida bo'lganim

yaxshiydi, — deb o'ylabdi. Uning uzluksiz ma'rayverishidan bezor bo'lgan uy egasi Qashqani yana akalari va onasi yoniga olib borib qo'yibdi.

Qashqa juda sevinibdi. Akalari bilan yalashib-yulqashibdi. Onasiga suykilibdi. Yolg'izlik juda jonidan o'tgan ekan. Uni sog'inib qolgan qo'zilar yem yeganda unga ham joy beradigan bo'lishibdi. Lekin ikki kun o'tgach yana uni oxurga yo'latmaydigan bo'lishibdi.

Qashqa bu safar tepki yeyish yoki alohida qolishdan qo'rqib, oxur yoniga yo'lamaydigan, hech narsa yemay yotadigan bo'libdi.

Akalari esa uning tegishini ham o'zimiz yeyaveramiz, deb sevinibdi. Lekin bir kuni u bilan egizak tug'ilgan ukasi Chopqirning rahmi kelib, o'z yemishidan Qashqaga olib borib beribdi. Qashqa unga minnatdor boqibdi. O'sha kundan e'tiboran ukasi har gal o'z yemishini u bilan baham ko'radigan bo'libdi. Bora-bora boshqa qo'zilarda ham Qashqaga mehr uyg'onibdi. Endi u oxur yoniga yem yeyish uchun borganida suzmaydigan bo'lishibdi.

Maqsuda EGAMBERDIYEVA

# YUVVOSH QO'ZICHOQ





# ҲМРИНИНГ ҲАР

## ЛАҲЗАСИ ҚЎШИҚ

Халқ оғзаки ижодининг қачон шакланганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, бугунги кунга қадар ўзбек фольклори «Олтин фонд»да сақланиб қолган, авлоддан-авлодга гоҳ оғзаки, гоҳ ёзма тарзда ўтиб келаётган қўшиқлар уларнинг тарихини ойдинлаштиришга, ҳақиқатга яқин хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Она сути билан қонимизга сингиб кирган, мурғак танимизни элитиб оромбахш уйқуга тортувчи «Алла» қўшиғини, ёки ёш келин-куёвларнинг никоҳ тўйларида айтилаётган «Ёр-ёр»ни ва ёки маросим қўшиқларини эслаб кўрайлик. Айти пайтда бу қўшиқлар, бугуннинг қўшиғидай янграса-да, асрлар давомида ривожланиб, шаклланиб келаётир. Бу жараёни бир неча йўналишларга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

Масалан, тўй-томошаларда ижро этиладиган аёллар қўшиқлари — унда барча ҳаракатларнинг жадаллиги натижасида рўёбга келадиган шодлик-хуррамлик оҳанглари умумий хурсандчилик кайфиятини янада кучайтиради.

Табиат ҳодисаларига доир ўтказиладиган маросимларда айтилаётган қўшиқлар табиатнинг ҳар бир ходисаси учун алоҳида тайёрланган бўлиб, ўз ичига «Ёмғир чақириш», «Мўл ҳосил сўраш» ёки «Ҳосил байрами» каби бир неча маросимларни қамраб олади. Жумладан, деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари ҳам бир туркум ҳолда ўрганилади. «Қўш қўшиқлари», «Ўрим қўшиқлари», «Янчиқ қўшиқлари», «Ёрғичоқ қўшиқлари» сингарилар шулар жумласига киради. Масалан, оғир меҳнатдан, тенгсизликдан шикоятнинг ҳайвонлар тилидан баён этилиши деҳқон дилидаги дард-аламларни ёрқинроқ ифодалашнинг қулай усули бўлган:

*Шохларим бор газ-газ қулоқ,  
Устимда ўйнар қалдирғоч.  
Ҳайдайман десам қорним оч,  
Мен қўшга қандай ярайин.*

*Бўйнимда бор бўйинтуруқ,  
Омочлари шарақ-шуруқ,  
Оқшом борсам охур қуруқ,  
Мен қўшга қандай ярайин.*

«Ёрғичоқ қўшиқлари» нинг муҳим ўзига хосликларидан бири фақат аёллар томонидан ижро этилиши ҳисобланади.

Кун бўйи ёрғичоқ тортиш кишини жисмоний ва руҳий жиҳатдан қаттиқ чарчатган. Ушбу ҳолат ёрғичоқ айлангириш пайтида айтилаётган маҳсул қўшиқларда жуда гўзал, образларга бой тарзда ифодаланган:

*Ёрғичоқ тортмас эдим,  
Оч қолганимдан тортаман.  
Сабзавон айтмас эдим,  
Куйганларимдан айтаман.*

\* \* \*

*Ёрғичоғим гумбур-гумбур этади,  
Нортуялар қулоқ солиб ўтади.  
Карвон билан ризқу рўзимиз олиб,  
Эсон-омон оғажоним қайтади.*

Шунингдек, «Ёмғир чақириш» маросимида айтилаётган қўшиқлар ҳам талайгина. Бундай қўшиқларда Суст хотинга илтижо қилиш, унинг шахсиятини улуғлаш етакчилик қилади. Қўшиқнинг куйидаги нақорат билан бошланиб, худди шу нақорат билан якунланиши фикримизни далиллайди.

*Суст хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.*

Қўшиқнинг қолган байтлари бевосита кўғирчоқ кўтарган аёл томонидан айтилган. Уларда деҳқон селган буғдойнинг мўл ҳосил бериши, хонадоннинг шод-хуррамликка тўлиши, бунинг учун эса Суст хотиннинг ёмғир ҳадя этиши лозимлиги куйланади:

*Ҳосиллар мўл бўлсин, Суст хотин,  
Деҳқоннинг уйи тўлсин, Суст хотин.  
Ёмғирларни ёғдиргин, Суст хотин,  
Ёмоннинг уйи куйсин, Суст хотин.*

Аёллар қўшиқларида уларнинг қалб ҳиссиётлари, туйғулари, орзумидлари, кайфиятлари ўз ифодасини топган. Чунки бу қўшиқларда уларнинг кундалик турмушлари, ҳаёт лавҳалари акс этгандир. Аёллар қўшиқларига турли мавзуларда куйланадиган ялла, терма ва лапарлар ҳам киради. Аёллар бу хилдаги қўшиқларни тенгқурлари, дугоналари даврасида, асосан меҳнат жараянида ижро этганлар. Аёллар қўшиқларида қайнона-келин муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Аёллар қўшиқлари орасида энг кенг тарқалгани тўй қўшиқлари. Улар хилма-хил хусусиятларга эга бўлиб, аёллар ҳаётининг турли томонларини ифодалайди. Барча маросим қўшиқлари у ёки бу тарзда удумлар, урф-одатлар билан чамбарчас боғланган. Бу хилдаги қўшиқлар маросим ўтказилган маълум бир вақтда айтилади. Шу сабабдан ҳам кўпчилик маросим қўшиқлари авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтмоқда ва улар эндиликда айрим жонкуярлар томонидан қайта тикланмоқда, ижро этилмоқда ва ҳатто эстрада, фольклор дасталари дастурларидан ўрин олмоқда.

Кейинги даврда аёлларнинг замонавий қўшиқлари яратилиши билан бир қаторда анъанавий қўшиқ жанри ҳам ижрочи аёлларнинг дастурларидан мустақам ўрин олиб келмоқда. Улар ўзбек аёллари ҳаётининг турли қирралари — тўй-томошалари, байрамлари, сайиллари, ҳайитлари, оилавий базмлари, тантанали йиғинларида ҳам завқ-шавқ билан ижро этилмоқда. Анъанавий қўшиқлар янги-янги мавзулар билан бойиган ҳолда тараққий қилмоқда.

**Умида ЎТАНОВА,**  
Камолиддин Беҳзод номидаги  
Миллий Рассомчилик ва  
дизайн институти катта ўқитувчиси



# Билмам аввал гул келди ё гул иси келди

Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

## ГУЛ

Нидерландлар қироличаси Беатрикс («гўзал» дегани) фақат барқарор ва тинчликсевар мамлакатларга ташриф буюрар ҳамда ўзи билан энг гўзал голланд лолалари уруғини совға қилиб олиб борар экан.

Гуллар сиёсатни ўйламайдилар,  
Гуллар ҳарб маршини куйламайдилар,  
Гуллар жанггоҳларга бўйламайдилар.  
Гуллар мунис сингил, лобар қиз бўлиб,  
Йўлларингни пойлар солланиб, кулиб.

Бу дунёни гуллар босса, урушга йўл йўқ,  
Бу дунёда гуллар ўсса, хуружга йўл йўқ,  
Минг хил ажал заводларин қуришга ер йўқ.  
Атиргуллар, бинафшалар, алвон лолалар —  
Дала-қирга ўйнаб чиққан қувноқ болалар.

Ўйламангки, гул шунчаки, шундай ўсади —  
Ёвузликнинг йўлин балки улар тўсади,  
Дўстандан салом, дил изҳори — қайноқ бўсадир.  
Изҳори ишқ йўлин пойлаб мудом бедорлар —  
Нилуфарлар, бойчечаклар, гулибеорлар.

Мен бир шоир, бир гулпараст юрт фарзандиман,  
Бир гўзал Гул шайдосиман, унга бандиман.  
Бағрим гулга тўлмаганда шеърда ёндим ман.  
Билмам аввал гул келди ё гул иси келди —  
Бир гўзалнинг гулихандон кулгуси келди.

\* \* \*

Куйдим, ёндим, ўз сўзимдан қолмадим,  
Бирда ўнг, бирда терс чопди омадим,  
Лекин бир шеър излаб сира толмадим,  
Гоҳ тоғдим уни, гоҳ тополмадим.  
Мен нима айтайин яна сизларга —  
Мени севган, ёмон кўрган қизларга?!

Севги кўп дунёда мендек ошиқ йўқ,  
Қизлар чаман-чаман — сиздек маъшуқ йўқ.  
Юрак ёниб-тугаб, қолди лаҳча чўғ,  
Тийра оташ сочар киприклари ўқ.  
Мен нима айтайин яна сизларга —  
Мени севган, ёмон кўрган қизларга?!

Хавас қила-қила бахтиёрларга,  
Мухаббат боғида бахти борларга,  
Осилиб не гўзал — баланд дорларга,

Кўксим ботиб кетган совуқ қорларга.  
Мен нима айтайин яна сизларга —  
Мени севган, ёмон кўрган қизларга?!

Тўғриси ёмонман, жуда ёмонман,  
Сизни севиб-суюб юзи сомонман,  
Сочим орқангда қадди камонман,  
Билсам, ишқ туфайли ҳануз омонман.  
Буни қандай айтай яна сизларга —  
Мени севган, ёмон кўрган қизларга?!

Ғийбатлар бошқа-ю, сиз бошқа ёрсиз,  
Шеър ёзганим оқшом сиз ҳам бедорсиз.  
Сизнинг боғ яшнамас, биздек беморсиз,  
Шул боис қисматим — шеъримда борсиз,  
Яна нима айтай сизларга —  
Мени севган, ёмон кўрган қизларга?!

\* \* \*

Пауло Коэльонинг «Алхимик» романини ўқиб

Мен сени тиладим, эй дил, астойдил,  
Бутун вужудим-ла тиладим сени.  
Тоза ифорларга тўлди тош кўнгил —  
Коинот ҳам дилдан қўллади мени.


Қалбинг қопқалари бир-бир очилди,  
Бамисли ғунчасин очган лолалар.  
Ҳайратим пойингга гулдай сочилди —  
Гуллаб кетди тоғлар, тошлар, далалар.

ЁЗУҚ деди кимдир, сахрога чопдик,  
Сахролар гуллади, гуллади қумлар.  
Бизни кўриб бирдан қалбини топди,  
Минг йиллар қаъридан ўтган гужумлар.

Эҳромлар бир уюм тошдир аслида  
Истадик — тоғлардан қуриб олдик биз.  
Ҳатто тош гуллаган баҳор фаслида,  
Тақдирнинг измида ёлғиз қолдик биз.

Ишонгил, азизим, ЁЗУҚқа ишон —  
Севилиб севганлар бахтли бўлади.  
Бизни учраштирган ҳозикқа ишон,  
Шунда тақдиримиз тахтли бўлади.

Ҳозир баҳор гуллар, баҳорки тенгсиз,  
Сени тақдиримга жойладим, гулим.  
Балки ҳаёт сенга яхшироқ менсиз,  
Менга эса сенсиз яшамоқ ўлим.



ЙИДИ

Ай, инсоний ожизликлар! Алдамчи туйгулар, ожиз андишалар... Ай, инсоний соддалик! Қанчалар гўзал ҳиссан-фазилатсан-у, нақадар харобу хор этишинг мумкин энг комил инсонларни ҳам. Дарвоқе, энг комилларгина — соддадил, ишонувчан бўлармиш. Мана, ёрқин мисоли шу Сурхон соҳилида содир бўлмоқда: бир қитмир, худбин ва бадбин кимса (айни чоғда кимсага айланиб турибди Бўри Қора!) шундоқ ёнидаги бир дилбар, бир содда ва ишонувчан (мазкур дамда шу ҳолату қиёфада улар!) кишиларни «бармоғи атрофида» айлантириш арафасида: айлантираяпти ҳам...

Ана улардан бири — Акмал, иккинчиси — Маллавой, кейин ўғлонлар шайтон томонга жилишди. Келиб, одам қиёфасидаги Бўри Қоранинг енгидан, билагидан ушлашди ва унга... узрли, ҳа (дахшат!) узрли нигоҳлар ила боқишади.

У — маккор махлуқ эса бу орада (қойил қолинг!) кўзини намлашга улгурган эди.

Шу ўринда бир ўринли савол туғилди: тупуги-ла намладими кўзини? Ҳа-да, буни ундан минг фойиз кутишга ҳақли эдик. Бирок, бу зотда... одатий ҳол юз бериб қолди: яъни, анчайин фақир фуқарони эзб-эзгилаб ташлаганидан кейин беихтиёр унинг кўнглини кўтариб қўйиш каби истак кўнглида жумбуш қилдики, натижада, анави самимий ва содда одамларни шу қадар осонлик билан лақиллатаётгани ўзига қор қилиб кетди...

Уларга жуда ачиниш баробарида ўзини шу қадар ёмон кўрдик, юраги сиқилиб кетди: «Ўл-е, ҳайвон...» деб ўйлаган чоғида кўз косаси ёшга тўлди.

Акмаллар келишиб, кўзларини унга узрлар ила тикишган чоғда: «Нега бундай, а? Мунча пишиқман...» деб ўйлади-ю, уларга интилиб ҳар бирини қанчалар эхтирос-ла кучоклаган бўлса, улар ҳам Бўри Қора отли шайтонни шунчалар меҳр ила кучиб-кучиб олишди.

Бу ёғини изоҳсиз айтсак, шундай бўлди: Бўри Қора ҳадемай бу жамоанинг султони, энг ҳалол ва тўғри сўз қаҳрамонига айланиб қолди. У ҳақдаги таассурот таҳминан шундай эди:


«Бу одамни кўринг: ҳалиям «эгоистман» деб ўтирибди... Ахир, эгоистлик ҳаммамизда бор-ку?! Лекин биз бўйнимизга олмаймиз уни: айб санаймиз. Демак, ўзимизни алдаймиз... Бу қишлоқдаги милиция ходими эса — о... Ҳа, Акмалга ҳавас қилса арзийди: шундай дўсти бор экан... Бир-бирини, аммо, лекин, жуда тушунишар экан...»

Алқисса, Бўри Қоранинг бу даврадаги қилиқларидан ёшлар ўзича, ёши улуғлар ўзларича хулосалар чиқаришди. Бўри Қоранинг ўзи ҳам...

... Эртаси чошгоҳларда қизил «Москвич»ни физиллатиб, тоғлар томон елиб бораркан, ўз хулосасидан чиқарган қаймоқ-яқуни топилдиқ туюлиб ва уни йўқотиб қўядигандек — кўнглидан учиб чиқиб кетиши мумкиндек ёқасини ҳам, ёқа остидаги бўйинбоғини ҳам ушлаб-ушлаб кўяр ва ўз-ўзидан энтикар эди.

Унинг қалбидаги топилдиқ, мана нималардан иборат эди: «Демак, қара-я, одамларга тўғри гап ёқар экан... Ҳа-ҳа, буни билардим, буни болаям билади, аҳмоқ ҳам! Аммо билиш бошқа-ю, уни ўзингга ҳам билдириш бошқа, шекилли. Демак, бундан кейин иложи борича, рост сўзлайман...

Рост сўзлаш... Нақадар жўн хулоса, а? Аммо рост-камига ҳам яшаш мумкин бўлармикан?



Росткамига: ҳеч кимни алдамасдан, бировга дўқ-пўписа қилмай ва бировларни кўркитмай яшаш... Э, энди сендан ким кўрқади, галварс? Бўлди: кўркувнинг қилич-ҳанжари — форма эди, амал эди. Ҳақиқатан ҳам эгардалиқ вақтингда кўрқарди одамлар, кўпи ҳайиқарди. Умуман, сенга ҳурмат ҳам шу йўсинда пайдо бўларди, оқибат... энди, боши очиқ хотин макомидасан!

О, қандай яхши! Яланғоч одам сувдан кўркмайди деганларидек, нимани андиша қиласан-у, нималар туфайли ёлғон сўзлаб, қалбаки қилиқлар қилишинг мумкин?

Гаптамом: ҳалол яшайсан...

Бу ҳаёт — нечоғлиқ содда ва жўн, тушунарли. Аммо уни нечоғлиқ мураккаблаштиради одамлар — бизлар... «Ҳалол яшамок...», рост сўзламоқ. Қандай яхши, а? Шошма, бунақа аҳволда тилинг бир кулоч бўлиб кетмасмикан, а? Кетар-ов... Лекин, тилинг хатто... ўзинг, ўз иймонинг олдида ҳам қисик бўлмайди-да: озод қўшсан, парвоз қилавер, Бўри Қора! Олга!»

У мана шундай гўзал кайфият ва ғоялар оғушида она бағридаги чақалоқ сингари эркаланиб ва роҳатланиб кетаркан, унинг кайфи чоғлиги билан мутлақо иши бўлмаган об-ҳаво дегани ўз вазифасини ижро этароқ — эрталаб чарақлаб турган осмонни аста-секинлик билан пастдан кўтарилган афсонавий чодир каби тутиб ола бошлаган булутлардан тиз-тиз эта ёмғир тўкила бошлади: машинанинг олдойнаси бир-пасда хира тортиб қолди. Ва ҳайдовчи аллақачон унутгани чўткани ишлатишга қўйгач ва чўтка ҳадеб нари-берига бориб кела бошлагач, ойна ювилиб равшан бўла бориши баробарида олдиндаги адирларнинг қиёфаси ҳам намоён бўла бошлади. Ҳа-ҳа, Бўри Қорани табиатнинг бу ўйини дафъатан ҳушёр этиб, орзу-хаёллар оғушидан реал борлиққа қайтарган, бинобарин, энди унинг фикрини мавжуд ва учраши мумкин бўлган — табиий муаммолар қизиқтира бошлаган эдики, уларнинг илкинжиси бўлиб — эғнидаги тимқора ва бебаҳо кастюмни ёмғирда ивितмаслик ташвиши тушди: демак, йўлакай плаш... сотиб олади. Ёки кастюмнинг устидан шу ола чопонини кийиб бо-раввергани...

Йўқ, плаш харид қилиши лозим... Шошма, қанақа плаш олади энди? Умуман, брезент плаш нималигиниям билади-ю, граждандча ёмғирпўшни кийиб кўрмаган, ахир бу оламда умри бино бўлиб!

Ана шунда муаммоларнинг иккинчиси бўлиб — Олчинбой билан гаплашиш, (уни йўлдаёқ топиш) ташвиши тушди: демак, плашни ўша олифча харид қилиб беради...

Бу ёқда ёмғир кучайгандан, кучаяр тезликни мавжуд суратдан ошириш хавфли эди: шунча жойга бориб кела-кела юртга етдим деганда... Учинчидан, нима қилиши лозим?

Чиборни кўриши...

Тўғри, уни — бору йўғини, бойлигию эрмагини, истиқболдаги қувончларию шўх-шодон юришларининг таъминотчиси бўлмиш тилсиз жониворни унутгани йўғ-у...

Соғинди-да!

Қизиқ, Сурхон бўйларида ҳам Чиборнинг гапи бўлиб турди-я?

Алқисса, Бўри Қора эндиликда қилажак долзарб юмушлари режаси-да тузилиб бўлган каби бир хотиржамликни туйди ва бу ҳол дарҳол вужудига ёйилиб, анча бўшаштирди уни: демак, хийла таранг бир ҳолатларда келаётган экан...

Шунча йўл босибди — сезмаган каби! Қанча машиналарни ёнидан ўтказиб юборибди — рўпарадан кел-

ганини ҳам, ортидан қувиб ўтганини ҳам эслолмайди.

23

Узун гапнинг қисқаси, ўша куни машинасини туман марказидаги чойхона олдида тўхтатиб, таниш бир курсантни имлаган чоғида — чойхона қаршисидаги бозордан чопқиллаб келаётган Олчинбойнинг худди ўзи учрадию уни кўярда-қўймай кучоқлаб, ресторор ортидаги хужрага олиб кирди. Бўри Қора ул таниш хужрада аксари нотаниш, аммо сўзлаш тарзидан шу атрофнинг савдо билан машғул йигитлари ила бирон соат бемалол чақчақлашиб ўтирди; айни чоғда уларнинг гап-сўзлари гурунглари маъносидан ўзига — шахсан Бўри Қорага тегишли томонлар — дилдорликлар мағзини чақиб ўтирган собиқ милиция бошлиги ҳамон ҳурматга лойиқ бир арбоб даражасида экани, қолаверса, устоз каби мавқега эғалигини ҳис этароқ ё тавба — эғнидаги қимматбаҳо кастюми ҳам кўпчиликка Олчинбойнинг ўзига қилаётган ҳушомадларидан кам таъсир этмаганига иқрор бўлди. Ва ниҳоят, ширакайфу мамнун ҳолда (плаш олишни мутлақо эсидан чиқариб), бу даргоҳни бир қадар тантанавор тарк этди. Уни жамоа кузатиб, йўл назоратчилари «Москвич» кетидан илжайишиб қолишди.

Бу вақтда ёмғир тинган эди.

Иккинчидан, унинг уйига гараж дарвозасидан кириши ҳамон кўрада ёнбошлаб ётган Чиборнинг ток уриб юборгандек ўрнидан сапчиб туриб кишнаворганига тўғри келдики, Бўри Қоранинг чағир кўзларидан томчи-томчи ёшлар оқиб кетди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жойиз кўринади: Чибор-ғижингтой ўтган икки давомида... сув ҳам ичмаган экан; жониворнинг биқинлари қапишиб, эти-бадани дир-дир титрар ва ёвуз феълли, шавқатсиз эғасининг қўлларини ялар эди.

Носир полвон ҳам акасини кўриб, кўзига ёш олган эди. Ишонаверинг: тойга ачингани учун...

Бўри Қорани, табиий, бу янги либосда шабқўр хотини танимади ҳисоб. Ва Бўри Қора унга туйқус: «Эрингман-ку, энагар!» деб дўқ қилиши баробарида, ажабо кампирига энди раҳми келиб кетди: «Эй, шунга одам-ку? Шу бечора... Мени деб ўтирибди бу боғда қоровул бўлиб! Қоровулдан фарқи йўқ. Эски замонларда бундай уй бекаларини — «кўрғон» деб аташарди: уйнинг кўрғони...»

Боғ-чорбоғ Бўри Қоранинг кўзларига хийла тор ва кичрайиб қолгандек кўринди. Бирок, чопонини шунчаки эғнига ташлаб (кийса, кастюм ғижим бўлиши мумкин) ва орқасини чоллар мисол пастдан кўтарганча боғчани кезаркан, ҳа, бундаги ҳар туп дарахту кўчат ўзига қадрдон эканини теран-теран ҳис этароқ уларни силаб-сийгалаб ҳам қўйди. Ва идрок этдики, бу ерда иш кўп: иш... Ўзига, ўзининг билак кучига маҳтал ахир бу гиёҳ-ўсимликлар ҳам... Оғилхоналардан ҳам хийла «нуқсон» топди: яъни айтилган ва ваъда қилинган қишки емишларнинг учдан бири ҳам келтирилган эканми, бундан жанданг ўксиди ҳам: ҳа, майли, раислар билан ҳали учрашиб қолар...

Уйи, хоналари Бўри Қоранинг кўзига энди жуда ибтидоий бўлиб кўринди ва изма-из келаётган Носир полвонга: «Бу бўлмади. Сал маданийроқ бўлишимиз ҳам керак, укабой, шкаф, шифонер... — деди. Хўш, қўйлардан бир-иккитасини сотишга тўғри келади. Таги мўл...»

Яна айвонга чиқиб, яна ёға бошлаган ёмғирни томоша қилгани ҳолда, Носирга атай пастдан обкелтиргани креслода ястаниб ўтираркан: «Ука, энди бошқачароқ яшаймиз, — деди. — Кўникиш керак... За-



монага мослашиш керак. Тушундингми? Энг улуғ ақл эгалари ҳам замонасоз бўлишади. Билдинг? Ана шундай... Хўш, меҳмонхона — ўзбекчалигича қолаверди. Ичкариги бўш хона бор-ку, ўшанга китоб жавони олиб келтирсакми? Қисталокни китобга тўлдирсак, уни ўқийдиган одамнинг ўзи йўқ... Лекин уйга файз бағишлаб туради...»

— Ака, янги костюм муборак бўлсин? — деди уй бегининг қаршида, хонаки-суянчиксиз курсида мункиброқ ўтирган Носир. — Айтмоқчи, Чиборни жийронга матаб, уч-тўрт марта айланттирдим далани. Сув бўйларига обордим. Шундаям сизни истаб-кишнаб кўп безовта бўлди. Унинг кўзлари тагин йилтиради.

— Жийронга матаб? — Бўри Қоранинг кўз олдида қизил бияга матаб кетилаётган олтинтой кўриниб кетди. — Ўзини тинч тутдимми?

— Ҳа, улар бу ерда кишнашиб, бир-бирининг исини олиб, хийла ўрганиб қолишган, — деди Носир.

— А-а. Яхши... Жуда зўр иш қилибсан-да, ука! — деб хитоб қилди ака. — Аммо энг улуғ ишинг шу бўлган!

— Ҳе, энди, кўлдан келгани...

— Хўб иш бўпти, — деб яна қайтарди Бўри Қора. Кейин ўйланиб, ички хонадан чиқиб келаётган хотинига ҳам эшитарили қилиб деди: — Тойни минги-пинги қилиб олайлик, хўпми? Кейин жийронни тубли берман сенга. Йўқ, дема. Отинг йўқ-ку!

— Хўп, куллуқ, ака... Айтмоқчи, бу сарполар муборак бўлсин! Жуда ярашибди-да:

— А-аа, буми? Бу ёмонмас... Ҳей кампир, кўзойнакни тақиб кел! Бор!.. Носирбой ука, энди формани йиғштириб қўйдик-ку! Шунча кийдик, етади. Худога шукур, шу костюмдаям ҳурмат қилишаркан... Ҳатто бегоналар ҳам!

— Ресторанда ўтирганингизми? — Акасига кўзини лўқ қилиб сўради Носир. — Ҳайрон бўлдингиз-а? Мен ҳам бозорда эдим. Ёмғирдан қочиб, ресторан айвонига ўтиб эдим... Ўшанда сизнинг келганингизни эшитдим кабобпаздан. Кейин бу ёққа...

— Ҳа, шаҳримиз тор-да. Гапётмайди... — Кейин кулиб қўйди Бўри Қора. — Бу костюм ҳақидаям гапиршидимми? А? Мақташгандир, ҳойнаҳой?.. Аммо лекин бундай кийим-бош марказидаям топилавермайди. Бир тушиб қолди-да қўлимга.

— Буюрсин, буюрсин, — деди Носир чин кўнгилдан. Сўнг илтижоли оҳангда давом этди: — Ўзиям илгаритдан ўйлаб юрардим. «Бу акам нима учун гражданча кийим киймайдилар. Давлатлари етарли бўлса...» деб. Мана, юзта костюм-шимнинг ўрнини босадиганидан топибсиз... Буюрсин. Ҳа, кабобчиям, чойхоначиям мақтаб қолишди: «Аканг бир посон бўлиб ўтди, обком секретари салом берса арзийди», дейишди... Шундай дейишди. Аммо лекин, акажон, аяб кийиладиган мол экан-да бу... Қаранг, почаларингиз лой бўпти...

— Ай, лойнинг отаси бошқа, ювсанг — кетади, — деди Бўри Қора. — Лекин аяб кий деганинг маъкул. Тўй-маъракаларда кийсанг, байрам-сайрамда...

— Худди шундай, — деб тасдиқлади Носир ва хаёлланиб яна давом этди: — Қанийди шуни... шу кунларда анову Бойчиборнинг устида кўрсалар!

— Мен тушундим! Жуда яхши ният қилдинг, укам, — деди ака. — Ё насиб... Э, ке, — деди хотинига кейин. — Ке, чўк, сағира.

— Ҳа, мен сағираман, — деди кампир палосдаги кўрпача четига омонатгина чўк тушиб. Кейин кўзойнак ортидан бақрайиб қаради чолига. — Акмалжон, жўрларингиз чопиб юришибдимми? Болалари чопқиллаб юришибдимми?

— Бунинг гапини қаранг, — деб кулди эр. Кейин

кампирини мазах қилди: — Ҳа. Ҳеч тиним билмайди. Чопишгани чопишган... Ҳе, укафарнинг қизи!

Кампир мийғида илжайиб, Носирга боқди.

— Носиржон, акангиз шундай деб сўксалар, менга ёқади... Бир замонлар шундай қилиб — сўкиб-сўкиб турар эди. Кейин-кейин қўшмайдиган одат чиқарди. Мен борманми-йўқманми...

— Борсан-борсан. Бугундан бошлаб борсан, — деди Бўри Қора. Сўнгра кампирга ушбу янги шимининг почалари лой бўлгани, уни ювиш учун сингисини чақиритиш лозимлигини тайинлаб, Носирдан кунжуту беданинг гули қанча қолгани ва яна қанча топилажани ҳақида сўрай бошлади.

Кейин укасининг гаплари қулоғига кириб-кирмай қолди ва уни бутунлай унутди: илло, у мизғувга тушган эди: ресторанда одатдагича камроқ ичиб, кўпроқ овқат еган, қолаверса, собиқ бошлиқнинг асаблари бўшашиб, кўнгли хотиржам бўлган эди.

Носир ўтирди-ўтирди-да, оёқ учида юриб пастга тушди. Чопонига ўраниб, гараж-қўра тепасига борди. Машина жойида. Гижингтой сирли карсондаги бўғдойни еб бўлаёзган экан. Носир тубанга силжиб тушиб, челақни олиб чиқди.

Бу вақт Бўри Қора тагин ўзига таниш йўлда туш кўрмоқда, тушида шимолдаги улуғ тоғлар ва қор босган арчалар қорайиб кўринар, пастдаги Пода қишлоғида битта уй бор экан-у, унинг томида отаси таёғига суяниб, тоғларга қараб турган эмиш... Бўри-вой пастдан чақирармиш у кишини, у эса қарамас эмиш.

Бўри Қора уйғониб кетди-ю, галстукнинг тугунини тортиб, ёқасини очиб, кўксига туфлади. Кейин айб иш қилган-у, бировлар кўриб қолгандек атрофига аланглаб қараркан, пастдаги водопроддан челақка шариллатиб сув олаётган укасига кўзи тушди. Унга бир сония хумрайиб тикилгач:

— Тойни суғорасанми? Суғор, — деди. — Айтмоқчи, бугун неча соат айлантириб эдинг?

— Ҳе, эрталаб бирон...

— Эрталаб бўлса, майли. Энди бемалолчилик... Айтмоқчи, ука, Подага бориб турибсанми?

— Шу куз бир марта бордим.

Бўри Қоранинг жони-пони чиқиб кетди.

— Ёлғон! — деди укаси рост гапирётганига ишониб турган эса-да. — Сен ёлғондан қоч, бола!.. Хўпми? — Негадир ўрнидан ҳам туриб кетди. Тўсиқпанжара қошига борди. Гўёки боғ ҳам унинг сўзларини эшитишга маҳталдек нутқ ирод қила бошлади: — Мен кўп ўйладим, ука. Бу икки куним бекор кетмади. Челақни қўй... Ёлғончилик — ҳамма иллатнинг боши. Мен, мисол учун, нимаики ёмон нарсага дучор бўлган бўлсам, ёлғон гапириб қўйганим учун бўлган эканман... — Шунда миясидан бошқа ўйлар физиллаб ўта бошлади: «Тоғдаги молларнинг тўксон фойизи ёлғон гап билан, қўрқитиш билан топилган-ку... Ҳовлиқма, Бўри-вой, ҳовлиқма. Ёлғончилик орқасидан бой бўлгансан... Тавба, юриш-туришингдан ҳам сезиларди-я бу жиҳатинг? Кабинетингда эса...»

Акасининг тинчиб ўйланиб қолганини кўрган ука эҳтиёткорлик билан сўради:

— Нима, кўпроқ боришим керакмиди?

— Уф, — деб хўрсинди Бўри Қора ва нима қиларини билмасдан атрофига аланглади. Кейин укасига:

— Пода тўғрисида яна гаплашамиз. Гап бор, — деди. Қўлинг... бўшаганидан кейин Умар синчини топиш пайида бўлгин. Хўпми?

— Хўп, ака.

— Айтмоқчи, Назар қассоб тирик юрибдимми? Носир ишшайди.

— Ҳа. Бугун новвос сўйган экан. «Зиён қиламан», деб жавраётган эди. «Қассоб ҳам ҳеч жаҳонда зиён қилар эканми, амаки?» деб сўрадим.

— Амаки дема уни!

— Хўп... Деб сўрасам, обшипит начайлиги менга ишонмаяпти, дейди. Гўшт учар экан-да, ака? Суяк учади, эт учади... Ҳа, шу. Шунга уч-тўрт кило ташлаб беришар экан. Бугун шундай қилмабди. Фаҳмимча, ёш прокуроримиз шундай фармон берибдилар...

— Э, у нодон... қассобнинг ишигаям аралашадиган бўп қолдими ҳали? Ҳалитдан-а?

— Биласиз-ку, у одамнинг устози бор. Адвокат бо-бо. Кали Юсуп... Ўша маслаҳат беради.

— Тўғри айтасан. Райкомгаям бари гапни шу, шунга ўхшаган сассиқ чоллар ташиб юришади. Лекин вақти келганда, райком ҳам уларни «уруш ва меҳнат ветерани», деб сийлаб қўяди, олдига суяк ташлаб қўяди. Шошма. Мен Олчинбой билан гаплашим керак. Гап борга ўхшаяпти.

— Телефонингиз ишлаяпти лекин.

— Раҳмат. Энди биз бир ечинайлик... Кастюмбой, энди деворга илинасиз. Ҳе сизда гапкўпэкан. Бекорга ўзбек қадимдан айтиб келмайди: «Е тўним...», Ҳей Носир, бу гапнинг маъносини биласанми?.. Ҳа, энди буни билмайдиган одам борми? Кампир! Кампир деяпман!.. Гўшт-пўшт борми? Қолганми? Йўғасам бир димлама қилгин. Кечроқни мўлжалла. Мен бироз дам оламан. Кейин, кейин эринг йўқ, чолинг уй, боғ, мол-хол дардига тушади...

У шундай деган эса-да, ич-ичидан ҳис этардики, бу юмушларга «мослашуви» ҳам осон кечмайди. Мана бунинг исботи шулки, ухлайман деди-ю, лекин кейин ўзини қаерга қўйишини билмаслигини ҳис этароқ одам қақирмоқчи уйга...

Кампири меҳмонхонага жой қилар экан, бир-икки минғирлашдан кейин аниқроқ қилиб сўради:

— Отаси, ўғилларингиз ҳақида гапирмадингиз-а?.. Носир сўрагандаям эшитмаганга олдингиз...

Бўри Қора бир зум дудуклишидан кейин шундай ух тортиб юбордики, кампири чурқ этолмай қолди. Кейин Бўри Қора деразага яқинлашиб ростакамига хўрсинди:

— Ишқилиб, умрим узоқ бўлсин-да. Фажирлар кечроқ келади... Ипслар. Нокаслар. Аҳ, илгариги ғайратим бўлса, ҳозироқ уларни топиб, битта-битта чўккалатиб...

— Ўзингиз билан ўзингиз гаплашяпсизми, чол?

— Ҳа, — деди Бўри Қора. — кўзимга улларим кўринаяпти... Уф, бўпти. Чиқ бу ердан! Эй, айтмоқчи жой қил, айвонга... Хўпми? Ҳамма стулларни чиқариб қўй, столниям. Носирни чақир... Кетдимиз? Келади. Кейин подвалда қандай мева бўлса, баридан обчиқинлар. Осма узумдан ҳам. Ейман...

Бўри Қоранинг қора кўнгли тубида янги бир хоҳиш туғилган эди: ўзидан ҳеч нарсани аямайди энди.

24

Яна баҳор келди. Тўполон бўйидаги катта-кичик харсангтошлар орасидан чиқиб, қор-бўронларни-да писанд қилмасдан баҳорни кутадиغان наъматаклар яна қийғос гуллади. Уларнинг хидлари шу қадар нозикки, жамлаб хидласангина — сезасан. Ёхуд улар орасида ўтириб қолсанг... Дарвоқе, бу чечаклар орасида ўтиргувчилар ҳам кўпайишиб қолган, ҳатто айрим тошу буталарни «ўзиники» қилганлар ҳам йўқмас эди. Ва шундайлардан бири — шубҳасиз ҳаваскор балиқчи, ҳаваскор томошабин ва ҳаваскор чол Бўри Қора эди.

Мана, ҳозир у сув томонга қараб-энгашиб ўтирибди. Таниш харсангда ўтирибди. Чибор эса узун ташланган арқонини таранг тортганича ўтлаётир. Дарёдан кўрқмайди; сувнинг пишқиришлари ҳам унга писанд эмас. Эҳтимолки, ўзининг шу сув бўтанасида қалқиб келиб қолган чоғларини унутган чиқар ёки элас-элас туш каби эслар. Бироқ сувдан ҳайиқиш йўқ. Мана, кўклам қанот ёза бошлаганидан буён Бўри Қоранинг ўзи ҳам малла жийронга уни матаб Тўполоннинг қайнаб ётган жойларига солди ва ўтказди. Жониворнинг сув ичида сакрашларини кўрсангиз эди!

Бугун у — «минги» бўлади, яъни, илк бора эркинлиги бўғилади. Бошига жулов тушади, оғзида сувлик. Ҳа, совуққина темир занжир тушадими, устида ўтирган одамнинг қўлида бўлади унинг изми. Демак, от бирон жойда тархашлик қилса ёки эгардаги эркбуғар кимсанинг измидан бўйин товласа, шу занжир-сувлик уни тегишли томонга буради: шундай бурадики, бурилмас — жағи йиртилиб кетади. Ҳа, бугун у — «минги» бўлади: илк бора эгардаги ҳоким ҳукмига бўйсунди... Аммо шуниси ажойибки, ул ҳоким ҳеч қачон Чиборни ёмон йўлга бошламайди. Бу ҳолни Чибор дастлаб тушунмаслиги мумкин. Бироқ сал ўтмасдан ҳокимга бўйсунди ва чинаккам эркинлиги — айна шу жуловда, айна шу жаҳлдор эгасининг қўлида эканини ҳам тан олади.

Хонаки тулпорларнинг тақдири шу, азал азалдан шу... О, шунинг учун, яъни тулпорни «изга солиш» учун зарур бўлган югану эгар, қуюшқону қамчи, ҳатто қоринбоғ-айил, пуштану диктика, борингки, оддий терликкача ҳоким-тўра сайлаб-саралаб олган бўладики, бу билан отни безатади. Ҳа, бора-бора тулпор бу кумушранг занжиру тушовларга-да ўрганади ва ўз эркини улардан айри тутмайди ҳеч: булар бари-барчаси — анчайин ёпинчиқ ёки инсоннинг буюк кашфиётларидан бўлмиш — уст-бошга ўхшаб қолади холос. Ахир инсон шу уст-бошлар ичида ҳам ўзини озод сезади-ку? Ва аксинча, яланғоч бўлиб қолса, териси шилингандек ҳолга тушади.

От бу эврилишларни онгли равишда идрок этмайди, албатта. Бироқ ўзини эгар-жабдуқсиз ҳолда кўриши... Ёвуз бўриларга ем бўлишига йўл очишини ҳис этади, албатта.

Бора-бора от жонивор ўз эгасини қадам товушидан билгани, овозию ҳидидан сезгани каби ўзининг ёпинчқларини-да яхши эслаб қолади ва айтишлари-ча, айрим отлар бегона эгарни ҳам дарҳол сезаркан, ёт айилнинг тортилишига қаршилик қиларкан!

Сувлиқни айтмайсизми: у бамисоли ёш гўдакнинг сўргичидек бўлиб қоларкан от жонивор учун...

Алқисса, Бўри Қора сувга боқиб ўтираркан, гоҳо қаттиқ чимирилиб, адир томонларга қараб кўяр ва яна тезгина Тўполонга юз бурар эди. Бу одамнинг бурилиб қарашига сабаб — Умар синчи билан Носир полвон Чиборнинг «соз-кор»ни олиб келишлари лозим эди: вақт эса ўтаётир... Бўри Қоранинг соҳил бўйидаги яккам-дуккам балиқчаларга парво қилмай, ҳатто ўзининг ундай жойга қўйилган қармоғига ҳам қиё боқмасдан, нукул сувга кўз тикиб ўтиришининг боиси кўпэди: бирламчи, тошқин сувнинг тошмалари, кўпик-ланиб-довиб-ёйилиб ва пишқириб келишларига бирданига ёйилиб-таралиб кетишлари қизиқ эди: тошмалар гўёки жонли махлуқлар-у, ушбу... қиёфада эдилар, холос. Йўғасам, бу ҳаракатлар нечун? Бу талпинишлар ва ёйилишлар нега? Қизиқ, жуда қизиқ... Бўри Қора ушбу манзаралардан ҳам завқ оладиган бўлган, баъзан эса улардан кўриб, орқага сурилганини ҳам сезмай қоларди: тавба, тикила-тикила боши



айланиб кетар, худди шу пайтда соҳилдаги қумлоққа ўрмалаб чиққан сув унинг пойига етиб, комига тортадигандек туюларди: ажаб, ҳақиқатан ҳам тирик бир мавжудодга ўхшаб кетар эди дарё.

Сўнгра бу ўтириш Бўри Қорани аллалар, асабларини тинчитиб, ўтирган ерида мизғир ҳам эди.

Дарвоқе, у дастлабки келишлари ва шу ерда ўтиришларида, атрофда кўриниб қоладиган кимсалардан... уялар эди. Шунинг учун атрофига қарамасдан, бировларнинг ҳам саломига алик олмас эди. Кейинчалик бу манзилнинг эски мижозлари собиқ милиция бошлигининг энди пенсиядаги кўрс бобойнинг феълига ўрганиб бўлишди ва унга яқинлашишни ҳам бас қилишди: курғур чолда ҳамон эски важоҳатдан бор эди-да... Қолаверса, гоҳо ўзини худди ўша замонлардагидек ҳис этиб, теварак-муҳитни мағрурмағрур кузатган бўлар, кимларгадир иш буюргиси келар ва бу жойга шунчаки вақтинча келгану бировни кутаётган киши сингари соатига қараб-қараб ҳам кўярди. Кейин ўзича негадир сўкинар ва тошига ўтиргач, бирдан сўлиш олиб қоларди.

Табиий, Бўри Қоранинг бу манзилда ҳордиқ олиб, ўйланиб, ғунан бўлган Чиборни ўтлатиб, ёки ирими-га балиқ овлаётган киши бўлиб ўтиришлари нари борса, бирон соат давом этарди: бунгача ва бундан кейин у кишининг юмушлари боғда кечарди... Пироварди, Чибор-Гижингтойни яйратгани келар эди, холос!

— Бўри ака-а!

Носирнинг овозини туғишган акасидан олдин ҳайвон эшитиб таниди ва ўйноқлаб кишнабгина қўйдик, худди уйига келаётган таниш меҳмонни кўриб, эркаланиб хурган вафодор итнинг қилигидек таъсир этди бу кишнов... Бўри Қорага ва у ўрнидан турди-ю яъни, осилтириб ўтирган оёқларини ерга қўйди ҳамки, дашт томонларни кўра олмади ёввойи чечаклар ғовлаб ўсган, одамови полковникнинг жойи панада қолиб кетган эди.

У тирмашиб тошга чиқди. Тикка бўлди ва ниҳоят кўрди. Жийронда укаси, бу минтақада ёлғиз ҳисобланмиш ёрранг хачирида — Умар синчи. Уловларга анча-мунча юк тортиб олишгани кўриниб турар ва уларнинг нималардан иборатлиги-да Бўри Қорага маълум эди.

— Ҳўў, бу ердан! Куттириб қўйдинглар-е, азаматлар!

Азаматлар бу ёққа ўтмасдан наъматаклар ортида тўхташди. Ипи узун қилиб боғланган Чибор учун масофа писандмас эди: у бир-икки чимирилиб ва ҳиринглаб икки-уч қадам ташлади улар томонга. Унга онадек таниш-меҳрибон бўлиб қолган жийрон ҳам пишқириб, бошини силкита бошлади. Фақат хачир ғамгин эди: ҳа, у ҳаминша ғамгин қадам босар, ғамгин пишқирир, ҳатто ем еб турганида ҳам унда ўта таъсирли бир ғамгинлик сезилар эди.

Кизиқ-да бу — авлод қолдирмайдиган ва отлару эшакларда ҳам бўладиган табиий ҳуружу ғулулардан бебахра қолган ҳайвон... Унга ачинасан, киши.

Аммо инсоннинг худбинлиги шу даражадаки, ўзи учун... яратади бу «иш кучи»ни...

Кўришув, сўрашув, кулушувлар ҳам бўлди. Баҳорий кайфият барида ҳукмрон, шу билан бирга ажиб бир тобланиш қаршида туришганини ҳам ҳис этишар эди: ахир, эгар нималигини билмаган, сувлиқни чайнаб кўрмаган, қозончадек кўксига ўмилдирик тамғасини туймаган ва ғўзал думи остида қуюшқоннинг қалин ҳамда чайир қайиғини ҳис этмаган ҳайвон... яъни, Чиборбой ҳали, бир ҳисобда, бокира эдилар-да!

Бу уч одамнинг вазифаси — уни эгиш, ўзларига тобе қилиш, аслан нелигини бўйнига қўйиб бериш ва бунга кўниктиришдан иборат эди!

Шу ҳол қутилганидан ҳам яхши бўлдики, асов той Носир полвон исмли — икки оёқли йўғон махлуқни яхшигина танир эди. Ва Умар синчидан ҳам ётсирамасди.

Алқисса, бу ақлли махлуқларга учинчи бир зот — Чиборнинг тан олган эгаси ҳам қўшилиб, у қилиб-бу қилиб дўнанны сийлаб-сийпаб, алдаб-авайлаб «кийинтира» бошладилар: олдин эгар... урилди. «Урилди», дейиш қанчалар осон! Унинг — эгарнинг остидаги оддий терликни ёпиб-ўрнаштирибгина қўйиш ҳам чиборнинг бисёр қаршилиғига учради: вой-вой, бутун бадани титрар, ҳар бир мўйи тикка туриб кетгандики, нишни эслатарди. Эгар босилаётганида Чибор бир-икки бор олдинга сапчиди. Хайрият, рўпарасида атай — келишув асноси туриб олиб, жониворнинг бўйнидан ҳам қисиб-қучоқлаб турган Носир полвон бор эди. Аммо лекин унинг бўйнига боғланган арқону олдинги оёқларидаги омонат тушов бўлмаганида, полвон йигитнинг кўксига сапчиб чиқиб, босиб-ўтиб кетармиди! Ўмилдирик ва қуюшқонни ўрнаштираётганида эса Чибор... баайни қитиғи ўлмаган қизга айланди: кишнар, пишқирир, — худо шоҳидки, унинг сас-садоларидан кулги-қийқирик таралар эди. Буям ўтди. Айилни тортиш... Чиборнинг кўзлари кинидан чиқиб кетгудек бўлди: нима қилаяписизлар номуслмонлар-нокаслар? Нима гуноҳ қилган эдимки, белимни бунча қисасизлар? Нафасим қайтиб кетаётир-ку?

Тойнинг қарашларию титрашларидан шу калималар инсон тилида гўёки ситилиб чиқар ва ақлли-тадбирли инсон ҳам уни хос тарзда овутар эди:

— Ёввош, ёввош. Яхши бўлади, жонивор. Белинг қаттиқ тортилса... Эгар урмайди орқангни. Ўзингни қушдек сезасан ҳали, ноақл ҳайвон... Ҳа, балли, балли... Энди оғзингни очинг. Полвон, сиз жағини очинг. — Умар синчининг ўзи от бошига илинган пишқ жиловнинг давоми бўлмиш сувлиқни тойнинг оғзига ишқалаб-солиб юбордики, нуқул кунжиту гулбеда, буғдойу арпа кавшаб юрган ва шу емишларга ўрганган ҳайвон жон ҳолатда темир занжирни касирлатиб чайнаб бошлади. Табиийки, бу ҳўракдан маза-ли бир нима тилига тушмас, бунга сари жониворнинг ҳайрати ошиб, қотган нонни кавшагандек сувлиқни чайнати-гажир эди.

Шундай қилиб, боягина яланғоч, шумшўққина бўлиб турган дўнан (лекин ўша туришида ҳам чиройли эди-да!) энди безатилган-башанг, ростмана-ғўзал тулпорга айланди қўйди. Бу ҳолатда уни кўрган ҳар қандай холис киши ҳам: «Э, вақтлироқ, эгарлаш керак экан-да!» деб афсусланарди албатта. От — абзали билан от экан-да! Келинг, шу зотни қўлга ўргатиб ва ўзига вафодор этиб, унинг эғнига либос ёпиб безашни кашф қилган олис авлодларимизга шарафлар бўлсин, деб қўяйлик!

Инсон — ҳақиқатан ҳам тадбирли ва ақлли, маккор ва зукко, олдинларни олдин кўра оладиган бир мўъжизавий зот-а? Қаранг-а, итга-кўпака занжирни раво кўрса (шунга эҳтиёж бўлса), отга эса бунқанги югану эгар-жабдуқни...

Кейин денг, итни — вафодор, деб юришию, отни — йўлдош деб билиши ва бу ҳолатларни ўтиришларда дўмбира чертиб куйлаши қизиқ! Шараф сенга, эй икки оёқли жонзот!

Ҳўш, энди, Чиборнинг қошидаги учта «зоти олий»нинг гурунгига қулоқ берайлик.

Дарвоқе, шу ўринда биргина чекинишу иккита



изоҳга эҳтиёж туғилди. Биринчиси будир: Чиборга урилган эгардан тортиб, ҳали ишлатилмаган қамчингача қаердан пайдо бўлди?.. Хув, Бойсунтоғнинг орт томонларида ястанмиш қарши чўлларида ҳарид қилиб келтирилди. Аниқроғи Чияли бозоридан. Жуда қиммат тураркан бу аслаҳалар! Лоф бўлмаса ҳам бўлса битта «жигули»нинг «ичак-чавоғ»ига кетадиган маблағ кетди.. Бўри Қора чўё ичидану ёнидан узиб бергандай бўлди тахминий маблағни. Носир уч кун деганда от абзалларини бир орқа қилиб дарвозадан кириб келганидан кейин Бўри Қора у созкорни кўздан кечириб, отига ҳам камида бир қимматбаҳо кастюм-шим кийдирадигандек тўйди ўзини.

Яхшиямки, бу вақтда у одам ўзидан аямасликни... ўзига ўқтириб улгурган эди. Иккинчидан синчининг хомчўт қилишича, бу абзалларнинг Тўполон туманидаги нархи... осмонда экан! Учинчидан, Умар синчи бу эгар-абзалларни кўриб, ҳар биттасини алоҳида меҳр-ла силагани ва ҳатто эгарнинг қошига қоқилган қип-қизил, пучуқ михларни ўпиб-ўпиб олганини кўрган Бўри Қора бениҳоя муҳим нарсага пул сарфлаганига амин бўлди. Ва ана шундан кейин бу матоҳларнинг асил баҳосини Носирдан сўрадики, у ростини айтгач, бир учиб тушди: Аммо на чора? Укаси ёлгон гапирмайди. Қолаверса, унга миннатдорчилик билдириб, камини тўлаши лозим... Ҳа, Носир полвон акасининг қаттиқлигини билгани, аммо эгар-абзалнинг Чиборга муносибидан олиб келиши шарт эканини ҳам яхши билгани боис ферма мудиридан керагича қарз кўтарган эканки, уни ҳам акасига очиқ айтди ва Бўри Қора ўзини базўр босиб, вазминлик билан: «Арзийди келтирган матоҳинг», деб қўйди... Аммо ҳали бир сўм ҳам қайтаргани йўқ.

Чекинишга сабаб, бўлган иккинчи изоҳга келсак, буюм Бўри Қорага тегишли. Яъни, бу одам ё чиндан ҳам қариб — шу боис кўнгли бўшашиброқ, шу боис раҳмдил бўлиб кетаётир, ёки Чиборга чиндан-да ишқи тушиб, истиқболнинг энг порлоқ жабҳаларини шу жонивор-дўст ила боғлаб бораётир...

Бошига қайтиб, давом этамиз.

— Қани, каттажон, энди марҳамат қилинг, — деди Умар синчи ярим таъзим ила. Хаёл қилиш мумкин эдики, бу отжаллоб от эмас, бир паризодни эгиб-қайириб олган-у, аталмишига топшираётир: хузурини кўринг.

— Э, йўқ, — деб юборди дафъатан Бўри Қора. — Сен, сен мингин, Носиржон. Ё оғирлик қиласанми?

— Оғирлик қилишга қилмайди, каттажон, — деди табассум ила кўса синчи. — Лекин сиз, ўзингиз минги қилишингиз лозим. Кўрқмас одамсиз-ку...

— Э, нимасидан кўрқаман.

— Бўлмасам мининг, Бисмилло деб!

— Шундайми? — Бўри Қора жиловга қўл узатиб-узатмасдан кулди. — Олиб қочса-чи?

— Албатта олиб қочади, — деб таъкидлади синчи. — Бори шу: бу бедов. Бу — асов, бу ёввойи ҳисоб... Мининг, тўрам. Носиржон, жиловни ушланг. Бисмиллаҳи роҳманур роҳийм... Ушланг-да, ахир, катта бобо! Тойчоғингиз сезиб қолди. Кўрган-да, кўрган...

— Шу, белига минганимда бели майишиб кетмасмикан? — деди Бўри Қора энди чин бир ишонч билан. — Қаранг, ўзингиз, бели тоза ингичка-да. Ана, — жийронга ишора қилди, — бел дегани ундай бўлади...

— Умас-бумас, кўрқаяпсиз, каттажон, — деди синчи ҳам ишонч билан. Бунинг бели... белини қўйинг: ўмровига боқинг, ўмровига. Тоғни уриб талқон қилади: суриб юборади ман-ман деган тепаларни. Саъғриси-га боқинг. Бу ахир, кийик-ку, тоғ кийигининг ўзи... Айтишар эдилар, қадимнинг отлари оҳуга менгзайди,

деб. Бу — ўшалардан, каттажон. Қани, дадил бўлинг.

— Ҳа, майли. — Бўри Қора от сари яна бир қадам босди-ю, у билан кураш тушадигандай чопонини ечиб Носирга берди. Яланг, эски формада қолди. Кейин бу эски форма ҳам унинг ёшлигини эслатдим, дадил олға интилди-да, бир қўли билан эгар қошидан бири билан карсонидан ушлаб, узангига оёқ қўйди-ю, шу ҳаракатининг зарбиёқ ҳайвонга ўтгани сезилди: у чирилиб, нари томонга тортилди. Шу он Бўри Қора лип этиб ўнг оёғини эгардан оширди ва ўрганган чап оёқ узангига ўрнашди. Шу сонияда Чибор устига бало-қазо ёғилган каби орқа оёқларида кўтарилди-ку! Унинг бўйни-каллasi Носир полвоннинг қўлидан чиқиб кетди ва полвон жилов ҳалқасини акасига узатишга улгурди холос. Бўри Қора шу дамнинг ўзида эгарга таги билан ёпишиб олгандек бўлди. Навбатдаги ҳаракати юган ҳалқасини билагига солиш эди. Чап билагига! Ва Умар синчи узатган қамчинни ўнг қўлига олиши замон Чибор чинаккам бало-қазолар қуршовида эди-ю, бу камалдан отилиб, балки учиб чиққандек бўлди ва турган ерида гир айланиб, орқа оёқлари ила ҳавони тепди-тепди-тепди. Боши-тумшуги пастда, худди илоннингми-аждаҳонингми бошига ўхшар ва ердан ниманидир излаётган каби эди. — Ё, ҳазрати Довуд, ўзинг қўлла! Қирқ қилтонлар ўзинг қўлла! Чориёрлар, мадад бер... — От энди олдинга отилди-ю, гўё ҳавода сузиб кетди.

Аммо майдон ўртасига етганда дингиллай бошлади: муроди-устидаги юкни итқитиб ташлаш. Шу, холос... Шунинг учун тагин тумшугини ерга чўзиб, орқа оёқларини ҳавога кўтариб тепинар-тепинарди... Ва гоҳо тўртала оёғини ҳам бир вақтда ердан узиб, ҳавога сапчирди-сапчирди. Қаники, устидаги ҳирсдек бегона юкка айланган эгаси отилиб тушса-ю, у озод бўлса...

Шунда Бўри Қора қирғоқнинг у ер-бу ердан тиккайиб қараётган ва афтидан кулаётган талай балиқчитошошабинларни, хуллас, дарё мижозларини кўрди-ю уялиб кетди.

Э, бу нимаси?! Битта тойни мингги қилолмаса, унинг ўйинига махлиё бўлиб турса...

Ахир Бўри Қора — от минган одам! Пойгарларга кам қирмаган эса-да, дарёлардан, селлардан омон чиққан одам кўпқаричидан фарқи кам унинг! Ахир, у бир қаричлигидан от минар эди-ку!

Чавандоз туйқус жиловни бўш қўйиб юборди-да, ўйламай-нетмай тойнинг сағриси-га қамчи туширди... Чибор шундай чинқариб-кишнаб юбордики, бу товушида ботиний исён ҳам, ошқора ҳақоратланиш ҳам, ҳайрат ва алам ҳам бор эди.

Кейин, у ҳам ўзини қўйиб юборди-е: бирданига олд оёқлари олдинга чўзилиб, гўзал қулоқлари орқага қайрилиб, елиб кетди-кетди-кетди. Тавба, анчайин буталар-устидан ҳам шундай сакраб ўтадики, ул буталарни ярим газлик гиёҳ эмас, бир ярим газ баландликдаги арчалар, деб ўйлаш мумкин эди.

Ниҳоят, тушди...

Бўри Қора фаҳмадики, Чибор тубанлаб кетишга мойил: илло тубанларда қора мол тўдалари кўринар, йилқими улар — подами, билиб бўлмас эди. Шундай эса-да, у томонга бориш анча-хавфли эканини ўзига ўқтирди: бора-бора уфқ чизигига етилганда, жар-журлар бошланадики, от пастга қуйилиб кетсами... Бўри Қора бирдан жиловни ўнг томонга бурганини билади — дарёга кўзи тушди. Чиндан ҳам Тўполонда сув мўл, бўтана бўлмаса-да, хатарли ва кўрқинчли эди. Лекин чавандозга ҳам, отга ҳам бундай сувлар писанд эмас эди...

Чибор елиб боришда бир-икки қояга сапчиб чиқди.

Кейин бирданга куйига отилиб, сувга ташлади ўзини. Ва бўйнигача ботиб, нари қирғоққа талпина бошлади: худди тиккасига кесиб чиқадиғандек... Ҳов, ёшлик қилаяпсиз, Чиборвой! Бўри Қора от бошини оқимга қараб бурди. Энди Чиборнинг қаршисидан шовуллаб келаётган сувни бағри-ла кесиб-ёриб олган интила бошлади.

Бўри Қоранинг кўнгли анча хотиржам тортди: хаде-масдан чарчайди бу, чарчадими — бўйин эккани шу бўлади... Аммо қалама тошлар остидаги гирдобга кирган Чибор ўз-ўзидан гир-гир айлана кетди-ю, Бўри Қоранинг ҳам боши айлангудек бўлди. Қараса, от шу алфозда айланавередди. Ва қирғоққа чиқолмайди... Жиловни қирғоққа бурди-ю, отни нуқтаганини билди: у баайни сакрашга-сапчишга тушди.

Бу орада Бўри Қоранинг усти-боши шалаббо бўлиб, алмисоқдан қолган этигининг қунжи ҳам сувга тўлган эди. Туйку эслаб қолди: ҳаво илиғу, барибир шамоллаб қолиши мумкин.

У Чиборни сохилга чиқарди. Сохилга чиққан от юкпуки билан бир силкинди-да, енгиллашиб олди. Кейин яна чопишни қилди-ку! Эй, бу жонивор толиқишни билмадими ўзи? Ҳали ёш-ку бу...

Бўри Қора ўйлаб-негиб ўтирмасдан энди тўппатўғри — мўлжалидаги томонга кетишга қасд қилди: мўлжалидаги томон — қишлоқнинг чети билан тоққа ўрлаш ва ёнбағирда ёйилиб ётган шудгорга отни тушириш эди.

Алқисса, Бўри Қора Чиборни шудгорга эмас, кузги ғалла экилган далага туширишга мажбур бўлди. Бирок отнинг шахдини синдириш учун бу ғаллазор ҳам бопти жой эди: жониворнинг тушган туёғи ярим газ ерга ботади. Ундан кўтарилиб, олға босса, яна ботади. Оқибат, тўрт оёқлаб-сакраб чопа бошлади Чибор. Ва ғаллазорнинг ўртасига етганида унинг суръати урмади ҳам. Ҳайвонни ўз ихтиёрига қўйиб берган эди, бир ўқариб бўйига етганда, чибор таққа тўхтади-да, бошини аста буриб, эгасига қаради.

Бўри Қора унинг олайиб кетган нигоҳларида нима маъноларни кўрди, ўзи ҳам англамай қолди-ю, ё фа-лак, қариянинг кўзларидан ёш оқиб кетди: той ундан хаф, ундан гина қилмоқда эди.

Бўри Қора беихтиёр унинг бўйинини силай-сийпалай бошлади. Бирок эгасининг қўллари ҳам жуловдек туюлдими, гаши келиб кетдими, Гижингтой ўқарикдан ҳатлаб ўтиб, тик ёнбағирга ўрлай кетди. Бу ерлар чимзор эди. Чипор думини хода қилиб чопмоққа тушди, боя бир сония тўхташининг ўзи унга ҳордиқ учун етарли бўлгандек эди.

Ёнбағирда ердан туртиб чиқиб турадиган, айримларини чайир ўсимликлар босиб ётадиган япаски тошлар ҳам мўл. Чипор шу тошлар устидан ҳам дикирлаб, чиндан-да тоғ кийигига ўхшаб сакраб-сакраб ўтар, ва гоҳо орқа оёқларига кўтарилиб, чинқириб кишнар ҳам эди: дод солаётгандек, устидаги кимсанинг амрига бўйсунар вақт етганини сезгандек ва бунга тан бериш баробарида нола қилаётгандек эди.

Ёнбағирлар-бағирлар, ёнабетлар-бетлар... Оқибат, кимсасиз тоғ кўкрагида мол тўдаларидек пистазорлар кўрина бошлади. Пистазорлар... Ҳа, энди, бу — от эмас, ғирот каби қанотли бўлганида ҳам бир ерда тўхтайдди энди...

Тўхтади ҳам ва биқинлари қаппайиб пучаяр экан, Бўри Қора отнинг бурнидан қон томчилаётганини кўрди-ю, жон ҳолатда ерга тушганини билмай қолди. Кейин белбоғини излади — йўқ, ички қўйлагини тортиб йиртмоқчи бўлди-ю... эски майкасини гижимлаб тортди, тортди-тортиди. Ва узиб олиб, отнинг тумшугини авайлаб арта бошлади. Бу тумшук ҳам қандайдир шишиб кетган, лаблари ҳам қабашиб хунуги чиққан, кўзларига тик қараб бўлмас эди.

Бўри Қора, ниҳоят ақлга тўғри келмайдиган ишни қила бошлади. Яъни отнинг айлини бўшатиб, устидан эгарни олди. Кейин дикдикани ҳам тортгандагина ахлоқлик қилаётганини тушунди: дикдика жикқа ҳўл, ундан кўтарилаётган буғ кўриниб турар бу Чиборнинг ҳовури-ҳиди-тери эди.

Қари чавандоз яна эгарни отга урди ва айилни қаттиқ тортмади-да, жулов халқасини от бошидан тушириб, жониворни етаклаб эна бошлади тубанга...

Бора-бора Бўри Қора кўнгли бузилди. Кейин шарт-та тўхтаб, этикларини ечди, ағдариб сувини тўкди. Яна кийди ва кейин... отга интилиб секингина эгарга ўзини олган эди, Чибор тек турганча тураверди. Фақат бутун вужуди титрар эди, холос.

25

Ҳей, тўполон сохиллари, Яйдоқ Арпали! Сенинг бағринг яна бир тулпор ила тўладиган бўлди: рosta-камига тўладиган бўлди. Ахир Чиборнинг бир хусни ўзиёқ ўнлаб-юзлаб отларнинг чиройини тўсади... Эй, кўпқари кўрган адирлар! Елкангизда янги бир меҳмон пайдо бўлди: айтиш мумкинки, шу ерда кўз очди ва шу ерда мингги бўлди...

Уни сезмаслигинг мумкин, бепарво Арпали! Лекин унинг сезгилари ҳам сингишиб кетган сенга: энди унинг манзил-макони бўлиб қолдинг... Тўғри, унинг торгина бошпанаси ҳам бор. Аммо бошпана — бошпананада... Қушга парвоз — осмон керак бўлганидай бу каби арғумоқларга чопмоқ учун-елмоқ учун, ўзини кўз-кўз қилмоғи-ю ягоналигини исботлаш учун ҳам сен каби чексиз адирлар керак...

Хўш, биз ҳам бу парвозли хитоблардан кейин заминга тушсак бўлар...

Тушибоқ кўрамизки, Бўри Қора ярим йўлда, Чиборнинг сезиларли оқсаётгани, тагин — ҳар пишқирганида бурнидан лахта-лахта қон отилиб тушаётганини кўриб албатта — қўйлагини ҳам йиртиб, отга сочиқ қилибдики, сержун кўкраги очик, ўзи-да паришон ғаллазорларни четлаб ўтиб, тақирликка тушганида, олис дарё бўйида бир неча қорани кўрди. Ўшалар-да — улар: Умар синчию, Носир полвону, балиқчи-томошабинлар... Ҳеё-ё ул томошабинларнинг олдида боргиси келмай қолди Бўри Қоранинг. Инсоф билан айтганда, Гижингтой ҳам хароб бўлган, у бир неча соат орасида бир неча ойлик умрини яшаб қўйгандек эди: тагин — ўша умрни хору хўрланишда ўтагандек эди.

Ҳа, унда олдинги шиддат кўринмасди: унинг ётгиси келарди, холос... Умар синчи билан Носир полвон буларга пешвоз чиқиб келишди. Синчи — синчи экан-да, чаток. Отни бир айланиб ва унга эҳн солиб ҳам-да бўйнию пешоналарини силаб-сийпаб, бағоят хотиржамлик билан: «Ўзи шундай бўлади. Расми шу. Сен олишмаган полвонча эдинг. Елканг ер исқади бирдан... кўзинг очилди. Лекин бурнингдан қон келибди-я? Зўриққансан-да, зўриққансан, тойчоқ ўзингдан кўр, мунча ҳовлиқмасанг бўларди...» деб ҳўб гаплашди Чибортой билан.

Ўша кунгача собиқ милиция бошлиғи туғилиб ўсган туманида мол дўхтири борлгини эшитар эди, холос.

...Сассик дорилар бўйини эргаштириб келиб қолди мол дўхтири. Мотоциклда. Қўлидаги осма сумкаси-дан чиқарган шприцни кўриб, Бўри Қоранинг капалағи учиб кетди: шприцнинг игнаси... бир қаричдан кам эмасди. Уни қандайдир дорига тўлдириб, Чиборнинг нақ тўшига санчганида, Бўри Қора тесқари бурилиб кетди. Қайтиб келганида, мол дўхтирини ётқизиб, оч бикинига ҳўб тепадиган ҳолатда эди.

(Давоми бор)






## "Асосий инстинкт"

Кундалик кузатувлардан маълум бўладики, оддий, беозор кушлар ёшлигиданок йиртқич кушларни безарарларидан ажрата олишар экан.

Жўжа дарҳол яқин атрофда пайдо бўлган лочин ёки бошқа йиртқич кушдан яширинишга ҳаракат қилади.

Бордию, уларга хавотир туғдирмайдиган кушлар яқинлашгудек бўлишса, қўрқиб ҳисси кузатилмайди. Олимлар узоқ кузатувлар натижасида жўжанинг калта бўйин йиртқичларни узун бўйинли хавфсиз кушлардан ажрата олиши туғма қобилият эканлигини аниқлашди.


Дастлаб, ёш кушчалар ўзининг кўркуви сабабли юқоридан учиб ўтаётган ҳар қандай шарпадан, ҳаттоки дарахтдан тушаётган япроқдан



ҳам яширинишга ҳаракат қилишади.

Кушлар катта бўла бошлагач, аста-секин ўзига нотаниш бўлган ҳар-бир жисми ажрата бошлайди ва хавфсиз бўлган нарсалардан қўрқмаслик кўникмасини ҳосил қилишади.

Хавфли, йиртқич, қароқчи кушлар тез-тез «ташриф буюриб» туришсада, кушчаларда уларга нисбатан ҳеч ҳам ижобий кўникма ҳосил бўлмайди. Шунга кўра, улар доим йиртқичлардан тезда яширинишга ҳаракат қилишади.



## Асалари овлаш осон эмас

Говариларнинг ҳаракати эътибор билан кузатилса, улар асалариларни қандай овлашларини кўриш мумкин. Говарилар гуллар атрофида зигзаг ҳолда — марказлашмаган, тартибсиз учишади. Шу аснода гулларга қўниб, асал йиғиш билан банд асалариларни қидиришади.

Асаларини қўлга киритиш учун уни кўришнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун говарилар ўлжага шамолга қарама-қарши томондан, бир неча сантиметр масофа қолгунича яқинлашиб, асалари борлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин шиддат билан ўлжага ташланади ва...

**Комил ЖОНТОВ**  
тайёрлади.





## Юрагимни қуёшга тутаман

Келавердим мени танимай  
кетиб қолди баҳор, ёз.  
Оҳори тўкилган кийимим кўриб  
Тўкилиб кетди куз.  
Тўкилди дарахт барглари  
Зулм қилавердим ўзимга  
Тушуниб етмади  
Рад этди севгимни севганим  
музхонадан чиққан юрагимни

кўриб

Ох, - деди, - сиз тошбағирсиз,  
Қандай яшаяпсиз..., кўнгилсиз  
Сўнг жўнади кўзларимни

пирпиратиб

Чидаш оғир экан агар тош бўлса  
Севган одамининг юраги  
яшай олмас экан, севолмас экан  
Бу одамнинг йўқ экан ҳеч кимга

кераги.

Энди юрагимни қуёшга тутаман.

\* \* \*

Ийнимга осиглиқ катта хўржин  
лиқ тўла сурат кетаман  
дунёнинг орқасига чиқиб  
окизоқ қиламан шеърларимни  
дарёга

суратларимниям  
балиқлар шеър ёзади шунда  
расм чизади  
кўрғазмасига чақирар меням  
мен балиқлар дунёсидаги  
Энг катта одам бўламан

\* \* \*

Бир поя ўсдим у тўкилдим  
Сариқ беш панжа чинор ингради  
Ичимга тушиб кетди хўрсиниқ  
Дунё билан чиқишолмадим  
Юрагимга ғам уя қурди  
юрагимни ғам чалиб кетди...

**Акмал ИКРОМ**  
Олий адабиёт курси  
тингловчиси



## Қалъ

Ўзбекистон бастакорлар мактабининг порлоқ намоёнчаси, маҳоратли созанда — Улуғбек Мусаев ўз касбининг устаси, камер-муסיқа, асарлари, симфоник поэмалар, романслар, пьесалар, қасидалар, кўшиқ ва бошқа кўплаб асарлар яратган санъаткор сифатида эъзозланади.

Улуғбек Мусаев 1948 йил Хоразмда туғилди. 1960 йили Урганч шаҳридаги 1-муסיқа мактабининг баян синфини битирди. Сўнгра ўзи мустақил саксофон ижро техникасини, роялни ўзлаштиришга киришиб, эстрада-жаз муסיқаларига доир қуйлар ярата бошлади. 1964 йили Урганч муסיқа билим юртига қабул қилинганда, бастакор ва дирижёр Абдушариф Отажоновнинг назарига тушади. Отажонов унинг истеъдодини кўриб, бастакорлик ва ижро маҳорати сирларини ўргатишга киришди. У шогирдини Бах, Бетховен ва дунёга таниқли бошқа классиклар билан ошно этибгина қолмай, балки энг оғир масалаларда ҳам ишончли маслаҳатгўйи бўлди. Отажонов шогирдининг ҳали жуда кўп изланиши, ўқиши ва тажрибага эга бўлиши кераклигини ҳисобга олиб, Тошкентга олиб келади. Улуғбекнинг қобилияти консерваторий ўқитувчиларини безътибор қолдирмади. Устози консерваторий ректори Мухтор Ашрафийдан боланинг ёши етгунга қадар тайёрлов курсларига қабул қилишларини илтимос қилади.

Улуғбекни Республика бастакорлари гуруҳининг тарбиячиси Б.Ф.Гиенконинг синфига жойлаштиришади.

Талабалик йилларида Улуғбек Москва шаҳрида ёш бастакорлар

танловида скрипка ва фортепьяно учун «Сонатина»сини ижро этиб 3-ўринни эгаллаб, лауреатликни қўлга киритади. Унинг ижоди тўлиқ шаклланишига ажойиб муסיқашунос, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отаназар Матёкубов анчагина ҳисса қўшди.

«Мангулик» операсини ёза туриб, Улуғбек Мусаев санъат дунёсига

## шарвози

**Муҳаммад Отажонов,**  
Ўзбекистон давлат консерваторийси  
катта ўқитувчиси

катта ва жиддий қадам ташлайди. Асар Навоий номли опера ва балет катта театри сахнасида бир неча бор қўйилди. Шундан сўнг «Робия» операси ёзилади.

Хоразмга қайтгач, у Огаҳий номидаги муסיқали драма ва комедия театри қошида «Лирика» вокал чолғу ансамблини тузди. Театр учун ҳам, «Лирика» учун ҳам кўплаб турли хил жанрдаги муסיқалар яратди.

1975 йили бастакор Тошкентга қайтиб келди ва Шароф Рашидовнинг «Кашмир кўшиғи» асарига янги муסיқа яратишга киришди. Дастлаб бу балетни муаллифнинг ўзи «Афсоналар водийсида» деб номлади. Балет юртимиздаги барча опера ва балет театрларида қўйилган эди.

Улуғбек Мусаев ўзининг ҳар бир янги асари билан тарихнинг янги қирраларига кира бошлади. Кейинчалик у «Тўмарис» балетини яратди. Биринчи бўлиб 1984 йили «Тўмарис» Қирғизистон опера ва балет театри сахнасида, 1986 йили республикамиз опера ва балет катта театрида қўйилди.

«Электра» операси Улуғбек Мусаевнинг сўнгги яратган асари эди. Балет қадимий юнон сюжетига басталанган эди. Бироқ минг афсуски, томошабин Мусаевнинг навбатдаги ижоди маҳсулидан баҳраманд бўла олмади, чунки опера тугалланмай қолди. Узоқ давом этган касаллик бастакорни 2000 йили орамиздан олиб кетди. Устоз яратиб кетган опералар бугунги кунда ҳам балет театрлари сахналарида қўйилмоқда. Чунки бу ўлмас асарлар замонлар оша ўз мавқеи ва аҳамиятини йўқотмайди.

# Таомил

Халқимизнинг ўзига хос удумлари, урф-одатлари, мероси ранг-баранг ва хилма-хилдир. Шулардан бири супра билан боғлиқ бўлган удумлардир. Қадимда супрасиз уй беварака саналган. Янги рўзгор тиклаётганлар уйимда кут-барака турғун бўлсин, деган ирим билан аввало супра сотиб олганлар ёки уни ўзлари тайёрлаганлар. Гапнинг аввали «Ассалом» бўлгани сингари оила учун супранинг аҳамияти ҳам ниҳоятда улкан бўлган. Шунинг учун оналар ўз қизларига сеп йиғишни супрадан бошлаганлар.

Супра деганда асосан ун элаш учун фойдаланадиган тўшама тушунилади. Бироқ худди мана шу оддийгина супрага боғлиқ расм-русумлар — халқ эъозлаб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маросимлар, савобу уволлар мавжуд. Супранинг ҳаётдаги ўрни ҳаммага маълум. Унда ун эланган, ҳамир қилинган ва ёйилган, умуман, ҳамирдан тайёрланадиган барча таомлар супрада бажарилган. Удумга кўра супра унсиз қолдирилмаган. Чунки супрадаги ун-урвоқ билан оиланинг ризқ-баракаси ўлчанади, деб тушунилган. Ҳар бир ҳудудда унсиз қолдирилган супра хусусидаги фикрлар турличадир. Супрасини унсиз қолдирганнинг

дастурхони нонсиз қолади, деган гап ҳам бор. Оналар «Супрани «Бисмиллоҳ»сиз қўлга олиш мумкин эмас», деб уқтиришади.

Одатда супрада белгиланган вазифасини бажариб бўлган аёл уни ўзига қаратиб йиғиштирган. Бунинг маъноси — супранинг хайр-баракаси учмасин, ўзим билан қолсин, деганидир. Бундан ташқари, ёш хотин-қизлар супрада иш бошлаш жараёнида шу хонадоннинг кекса, тажрибали онахони уларнинг бошида туриб, супрага тегишли савоб-уволларни ўргатиб турган. Ҳозир ҳам хонадонларда супрани авайлаб махсус халтачага солиб қўйишади. Демак, супра хотин-қизларни тозалikka, ҳалолликка ундайди.

Супра чақалоқларнинг биринчи тирногини олиш маросимида ҳам катта мазмун касб этади. Оилада туғилган чақалоқ қиз бола бўлса, унинг тирноқларини биринчи марта супрадаги унга ботириб, олинган. Бундан кўзланган муддао — қўли супрага ёпишсин, хайр-баракотли, эплли-уқувли, рўзгорни уддалаб кета оладиган қиз бўлиб вояга етсин, деганидир.

Самарқанднинг айрим туманларида куёв томонидан келган ҳайитлик ҳолваси супрада ун-урвоқ устида

бир никоҳли аёл томонидан майдаланган ва дастурхонга тортилган. Кўни-қўшни, қавм-қариндошларга улашилган. Супрага тушиб қолган ҳолва ушоқлари фақат йигит ва қизга турмушингиз ҳолвадек ширин бўлсин, деган мақсадда едилган. Тўй куни келинчакни қайнонаси қўлида супра билан қарши олган. Тўйнинг эртасига эса келин ўша супрада гўшт тўғраган, ҳамир кесган, ун элаган. Демак, супра аёлнинг доимий йўлдоши — ҳаёт имтиҳони экан.

Тилимизда супра билан боғлиқ ҳикматлар, нақллар кўп юради. «Ҳизр ҳам супрасини бозорда қоққан», «Ариқ — Ҳақнинг супраси», ҳасис ва бахилларга қарата, «супраси қуруқ», «супраси йўқ» сўзлари тағзамирига диққат қилсак, инсон ва инсонийлик сифатларини илғаш мумкин. Умр безаги, ҳаёт маъноси бўлган урф-одатлар нафақат меросимиз, балки шууримизга сингдирилган муқаддаслик тимсолидир.

Муҳаббат ТҶХТАШЕВА

\* \* \*

Ким битта тошга икки марта қоқилса, учинчи марта ҳам қоқилади.

\* \* \*

Агар дунёни ағдар-тўнтар қилмоқчи бўлсанг, бунинг йўли осон: оёғингни осмонга қилиб, бошинг билан турсанг бас.

\* \* \*

Кўк ранг тинчлантиради: масалан, кўз остидаги кўкариш...

\* \* \*

Тушлар нафақат умрни, балки иш вақтини ҳам қисқартиради.

\* \* \*

Ернинг тортиш кучи ҳамма жойда бирдек эмас: мансаб, оромкурсида-рида у сезиларли даражада кучлироқ.

\* \* \*

Агар ўзингизда китобни очишга етгулик куч тополмаётган бўлсангиз, бемалол оғир атлетика билан шуғуллансангиз бўлади.

\* \* \*

Бўйдоқликнинг барча ҳузур-ҳаловатини ҳис қилиш учун... уйланиш керак.

\* \* \*

Санъат қурбонлар талаб қилади, аммо қурбонлар ҳамма вақт ҳам спектаклга келавермайди.

\* \* \*

Ўқишни бошлаш ҳеч қачон кеч эмас, ҳатто олий ўқув юртини битиргандан кейин ҳам.

\* \* \*

Китоб жавонига «дафн қилинган» китобни дунё юзини кўрди деб ҳисоблаш мумкинми?

\* \* \*

Пулни нариги дунёга олиб кетиб бўлмайди, аммо пул билан орттирилган шухратни олиб кетиш мумкин.

\* \* \*

Ишлаётганларга камроқ ҳалал бериш ишлаб чиқаришни ўстиришнинг катта захирасидир.

\* \* \*

Бир кўз қисиш билан битадиган ишлар бор, аммо кимга кўз қисишни билиш керак...



Гулнора Шодиева ўз фаолиятини 1983 йилда Тошкент Давлат халқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан тугатгандан сўнг, Каттақўрғон тижорат техникумида ўқитувчиликдан бошлаган. 1991-1997 йилларда бўлим бошлиғи, 1997-1998 йилларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 1998 йилнинг феврал ойидан эътиборан мазкур техникумнинг директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш соҳасида кўрсатган хизматлари учун Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси» нишони билан тақдирланган.

Гулнора Шодиева ўзига ва хизматчиларига талабчан, хур фикрли, ташаббускор инсон. Оилали, уч фарзанднинг меҳрибон онаси.

*Гулнора Шодиева*

Замондошларими



Тўлқин ЭШБЕК

Менроҳдату  
Хажвия

Хажвия

Мансаб деганлари наҳот одамни шу кўйга солса?! Сал бўлмаса, жўрамдан айрилиб қолаёздим-ку. Унинг «катта одам» бўлганини эшитиб, қувончим ичимга сиғмагани. Бир гал қишлоққа борганида ёзиб берган телефон рақамини сақлаб юрардим. Тошкентга йўлим тушганида, атай сим қоқсам, бир қизнинг ҳалимдек товуши эшитилди:

— Ташкилот эшитади!

Кутилмаган илтифотдан довдираб, тилимга келгани шу бўлди:

— Миёнколдан келувдим...

— Ким керак?

— Каттабек, — дедим умид билан. — Бирга катта бўлган жўрасиман.

— Каттабек Улуғовични сўравотсизми?

— Э-ҳа, ҳали «вич-вич» бўлиб қолдимми?

— Қайси ташкилотдансиз?

Очиғи, бундай муомалага ўрганмаган кишига ушбу гаплар ғалати таъсир қиларкан. Овозим сал зардалироқ чиқди:

— Ташкилотинг нимаси? Каттабекнинг ўзини чақир. Жўранг сўраяпти, де.

«Тиқир-тиқир» эшитилганига

қараганда гўшакни столга қўйиб кетди-ёв. Ҳаял ўтмай гўшак кўтарилди:

— Кечирасиз, исм-шарифингизни айтинг, — сўради қизгина, — Ёзвотман. Қобилжон Толипов. Катта ишлийсиз? Касбийиз?

— Касбимни ўзи яхши билади.

— Ўзлари билишларини сўравотганим йў. Бўт ишхона. Бизада тартиб шунақа, билдийизми? Сиз учун гап эшитиши истамийман, билдийизми?

— Эй-й, шунақа демайсанми, қизим! Отини сўрамабсан, деб уришдимми у қўянчиқ? Айтиб қўяй, сени хафа қилгани учун ўша Каттангди қулоғини шундай чўзайки, нақ супра бўп кетсин, хи-хи...

Кулдириш учун айтган гапимга ўзимдан бошқа кулмади. Қизчанинг товушида бирор илиқлик сезилмади. Каттабек тушмагур унинг суяк-суягидан ўтказиб юборганга ўхшайди. Хумпар! Қўлимга тушсин ҳали...

— Касбийизни этасизми? — савол бериш асносида бурунчасини бир тортиб қўйди шекилли. — Подачи? Нима у? А-ҳа, тушундим, модачимисиз? Модалар уйда ишлийсизми?



## Насиба Мавлонова

# Замондошларимиз

Насиба Мавлонова 1958 йилда Тошкент вилояти Бўка туманида туғилган. Низомий Номидаги Тошкент давлат Педагогика институтининг Ўзбек ва Қozoқ филологияси факультети ўзбек бўлимини тугатган. Кўп йиллар мактабда ўқитувчи, боғча мудираси бўлиб ишлаган.

Таълим тизимидаги эришган ютуқлари, ёш авлодга таълим ва тарбия беришдаги алоҳида хизматлари учун "Халқ маорифи аълоҳиси" унвони берилган.

Насиба Мавлонова 2001 йилдан бугунгунга қадар Жиззах вилоят Пахтакор тумани халқ таълими бўлимини бошқариб келади. Бугунги кунда туманда халқ таълими тизимида сезиларли ютуқларга эришилган.

Насиба Мавлонова оилали, икки фарзанднинг меҳрибон онаси.



## Тугалар

— Пода билан моданинг паркига бормайдиган одам ҳам бораканда, а? — Ортиқча эзмалик қилмай ётиги билан тушунтира бошладим. — Кўп қорамолни пода дейди, уларни боқадиган одам — подачи! Каттангням хўкизларини қишлоқда ўзим боқаяпман, энди тушундингми?

— Картотекага шунақа ёзийми? — Қиз жавобимни ҳам кутиб ўтирмай минғирлади. — Подачи... Ана ёздим!

Қиз тагин гўшакни тикирлатиб кетди. Демак, у ёзганларини кўтарганча Каттасининг хонасига югурди. Тасаввур қилаяпман, жўрам котибасининг ёзганларини ўқиб роса мириқади. Ўзича нима дейиши аниқ. Жўрамнинг ҳазилкашлиги қолмапти дейди. Котибасини оввора қилмасдан, ўзи югуриб келади. Дарвоқе, шаҳарнинг қаеридасан, деб сўраса нима дейман?

Атрофга аланглаб, чиройли формали йигитга кўзим тушди. Уни аста имлаб, сўрадим:

— Ҳов укажон, бу ерни нима деб аташади?

Ранг кўр, ҳол сўр, деганларидек милиция ходими бир қур назар ташлаганидаёқ қишлоқдан келга-

нимни фаҳмлади. Телефондаги суҳбатдошим учун жавобни батафсилроқ қилди:

— Фарҳод бозори ёнидаман, денг. Метрога кетиладиган бекатдаман, десангиз тушунади.

— Раҳмат, барака топинг.

Куюқ қошларини кериб гапириши Мусурмон деган жиянимнинг ўзгинаси. Шу тобда унга меҳрим ийиб, сўрадим:

— Истарангиз иссиққина экан, укам, қаерликсиз?

— Фарғонадан...

Аттанг, ширинсухан йигит билан ҳангома чала қолди. Шу он гўшак тикирлаб, вужудим кулоққа айланди. Афсуски, тагин ўша қизнинг товуши:

— Кечирасиз, Каттабек Улуғович йўқлар.

— Йўғ-е. — Капалагим учиб кетди. Беихтиёр ҳайқириб юбордим. — Бўлиши мумкин эмас! Нега ёлғон гапираяпсан? Ё Каттабекнинг ўзи «шунақа деб айт», деди-ми?

— Вей, ман у кишини «бор» дедимиз? Ўзийиззи кимлигиззи сўрадим. Бизада тартиб шунақа, билдийизми? Каттабек акам хизмат сафарига кетганла. Бир ой бўлмийди. Телефон қилганлар-

ри ёзиб қўй, деб манга тайинлангандила, билдийизми? Ман ҳаммага очет бермийману...

— Туврисини айт, қизим, Каттабек нега ундоқ деди?

Саволимга жавобан қиз гўшакни жойига қўйиб қўйди. Шу тобда кимдир устимдан бир челақ муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Наҳотки одам мансабга мингач, шу қадар ўзгариб қолса?! Эҳ Каттабек, Каттабек! Катта бўлган битта сенми? Афсус, сен бошқача «катта» бўлибсан?! Болаликдан бирга улғайган дўстинг саломига алик олмадинг, бошқалар билан қанақа муомала қиларкансан? Сендақаларга кунимиз қолмасин. Ахир, онаизорингнинг саломини етказиб келувдим-а. Ҳасса таяниб қолган отанг ҳам кўзида ёш билан салом айтганди-я.

Ҳай, майли, «дўст — дўстга ойна» деган гап бор. Кўзингни шира босган бўлса, уни ўзим мошдек очиб қўйганим бўлсин. Эсингдами, мактабда икковимиз интермедия намойиш этардик. Ҳаммани кулдирардик. Муаллим нукул «иковингдан ҳам зўр артист чиқади», деб мақтарди. Афсуски, бизга артист бўлиш насиб этмади. Пишиқлигингга бориб, сен савдо

соҳасини танладинг. Мен эса Маданият техникумини битирганим билан артист бўлмадим. Лекин барибир истеъдод ўзимники: таниқли кишиларнинг овозини ўзидек қилиб айтишни ҳалиям қийвораман. Қишлоққа борганингда тўғри танбех берганинг: «Тошкентда қолганингда, зўр артист бўлардинг — ўзим театрга жойлардим», деб. Гапингга ишондим. Ҳечдан кўра кеч бўлсаям, борайчи, деб келсам, бунақа томоша кўрсатаяпсан. Афсуски, буниям унчалик эплолмаганинг чатоқ бўлди-да. Мактабда ҳам ўйнаган ролинг шунақа сунъий чиқарди... Бугун мансабдор ролини ҳам эплолмадинг. «Артист»лик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяйми?

Дафъатан хаёлимга келган фикрдан дилим ёришди. Бир болай! Шартта таксида меҳмонхонага келдим. Не кўз билан кўрайки, эшик олдида ҳалиги мелиса укам турибди! «Люкс» хонага жойлаштириб қўйди. Бафуржа телефон қилишга энг қулай жой экан! Артистлик қанақа бўлишини энди мендан кўрасан, Каттабек! Бояги телефон рақамини тердим. Таниш товуш тагин одатдаги гапини такорлади:

— Ташкилот эшитади!

Овозимни Ҳамза Умаровникига ўхшатиб сўрадим:

— Тангриев борми?

— Ким сўравоттила?

Номини эшитганида Каттабек сўроқ белгисидек эгилиб қоладиган бир ташкилотнинг номини айтганим, зум ўтмай гўшак қайта кўтарилиб, кадрдон жўрамнинг ҳаяжонли товуши эшитилди:

— Ассалому алайкум, Ботиржон ака! Топширигингиз бажарилди. Анавусиниям «есть» қилиб қўйдик. Фақат...

Худди иши битмай қолганига фиғони кўкак етаётган одамдек ҳайқириб юборганимни сезмай қолибман:

— Нима фақат, нима фақат?! Ҳе...

— Ботиржон ака, Ботиржон ака...

Жўрамнинг гапи оғзида қолди. Юзига ургандан баттар қилиб гўшакни шарт қўйдим. Ҳаял ўтмай, тагин ўша рақамни тер-

дим. Котиба гапини тўтидек такорлагач, Шукур Бурҳонга ўхшаб сўрадим:

— Каттабек Улуғович ўзларида-милар? Вазирликданман.

Чамаси, нариги томондан гўшакни кўтарган жўрам типирчилаб қолди:

— Илҳом Тўраевич! Ассалому алайкум. Ўзим кўнғироқ қилмоқчи бўлиб турганим. Анави масала икки-уч кун ичида ҳал бўлади.

Унга жавобан бир сўз айтиш кифоя деб билдим:

— Ваъдабоз!

— Урганингиз — ун оши, сўкканингиз — сўк оши, Илҳом Тўраевич! Аҳволимизни тўғри тушунинг...

Бу гапга ҳам жавобан гўшакни «тарс» этказиб қўйдим.

Яна ўша таниш рақамни тердим.

Яна ўша «Тўтинисо».

Яна навбатдаги ҳангома.

Эҳ-ҳе, бу ваъдабознинг ҳамма иши телба-тескарими, дейман. Сон мингта одамнинг қулоғига лағмон осиб юрганга ўхшайди-ку. Ҳе ўргилдим сендақа «катта»дан. Катта эмас, Латта экансан-ку. Асли исмингни шундай қўйишганида тўғри бўларкан.

Охиргиси ҳаммасидан зўр чиқди. Овозимни худди қиз боланикига ўхшатиб сўрадим:

— Каттабек акамла бормила?

«Тўтинисо» рашкли оҳангда суриштирди:

— Кимсиз?

— Сингиллари.

— Қайси сингиллари?

— Ман сизга отчет бермийман, билдийизми?

Чамаси, Катта бу гапларимни ҳам параллел гўшакдан эшитиб турган шекилли, гўшакнинг биттаси тиқир-тиқир этиб жойига қўйилди. Шундан сўнг жўрамнинг товуши ҳансираб чиқди:

— Гуля ўзийизми?

— Бошқасиям бормиди? Одамда лафз бўлиши керак...

— Телефон қилишингизга ишонганим. Хайрият-ей. Неча кундан бери худодан сўраб юрувдим. Каттасиз?

— Меҳмонхонада кутиб ўтирибман сизни. Хона рақами...

— Ҳозир етиб бораман!..

Телефон гўшагини қай биримиз олдин қўйганимизни билолмай қолдим...



Дилрабонинг шеърдан

Тутқин туйғуларни озод этар тун,  
Мот қилиб ҳаёнинг ҳакамларини.  
Ўтти нафасингиз тингламоқ учун  
Излайман қалбингиз рақамларини.

Исмингиз чиқади юрак қатидан,  
Ижобат истайман тилагингизга.  
Кўксимга илинган гўшак - гап билан  
Кўнғироқ қиламан юрагингизга.

Тун бедор, мен бедор, туйғулар  
ҳорғин,  
Ахир ўчгани йўқ тунчируфингиз.  
Бўғзимга аламлар тиқилар шошқин:  
Нега банд бўлади кўнғирофингиз?

Доим банд бўлади кўнғирофингиз -  
Киприкка кўнмоқда аччиқ  
шабнамлар.

Яна кимни адо қилди дофингиз  
Яна кимга аён ўша рақамлар

Туннинг бағрин ёриб ёнаман энди,  
Ҳажрингиз ёритар тунни бир лаҳза.  
Айтинг мен безовта қилайин кимни,  
Ахир менда бошқа рақам бўлмаса...

Шодмонкул САЛОМОВ

## “ЧЎЛИ ИРОҚ”НИ ЧАЛИБ, КУЯР НАЙ...

Муסיқа одамлар эътиборидаги санъат бўлгани ҳолда, унинг ўзига хос яширин, сирли жиҳатлари ҳам бор. Биз куйида ана шу жиҳатлар ҳақида фикр юриштишга уриниб кўрамиз.

Яратган биз — инсонларга кўриш, ҳид, таъм билиш, сезиш каби ҳислатлар билан бир қаторда эшитиш, тинглаш неъматини ҳам ато этган. Оғзаки нутқ орқали баён қилинган фикрларни эшитиб, идрок этамиз. Лекин муסיқа баъзан тил тасвирлашга ожиз туйғуларни киши қалбига, онгига осонгина еткази олади. Муסיқалар турлича бўлиб, баъзилари инсонни руҳлантириб, қалбини юшатиб, эзгу ҳис-туйғулар уйғотгани ҳолда, баъзилари одамнинг асабига тегиб, онгида парокандалик уйғотди.

Ҳозир жаҳонда «рок-поп», «рокен-ролл» каби қатор муסיқий йўналишлар бор. Уларнинг ижобий таъсирлари бўлгани ҳолда, киши онгига салбий таассуротларни сингдирувчи томонлари ҳам бор. Масалан, «ўлдир, ўлдир, ўлдир!» деб такрорланувчи матнга эга кўшиқлар, шахвоний эркинликни, таркидунёчиликни тарғиб қилувчи муסיқий гуруҳлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай муסיқий альбомлар ва клиплар турли ноқонуний йўллар билан бутун дунёга тарқалмоқда. Модапараст, ҳар қандай хорижий нарсаларни аъло кўрувчи кимсалар бундай «кўшиқ»ларни баралла эшитиб, ўзларини илғор кўрсатмоқчи бўладилар. Бироқ уларнинг замирида нималар яширинганини билмайдилар. Оқибатда, қулоқлари мутлақо бегона муסיқага ўрганиб, ўз миллий илдизларидан, асрлар давомида шаклланган миллий онг ва тафаккурдан ажраб, асратдаги бир шахсга айланиш хавфи бор. Кимки ўз миллатининг ўзига хос урф-одатларини, қадриятларини, мум-

тоз муסיқасини чин маънода севмас экан, у шу Ватаннинг ҳақиқий фарзанди бўла олмайди. Таниқли Олим Нажмиддин Комилов телевидениедаги суҳбатларидан бирида «Чўли ироқ»ни тинглаганда кўзларини юмиб, тебранмаган ўзбекни қандай қилиб ўзбек дейиш мумкин?!» деганларида нақадар ҳақ эдилар.

Ўзбекистонга кейинги пайтларда турли миллат эстрадаси намуналари кириб кела бошлади. Мисол учун, араб, турк эстрадаси деганида, Фарбий Европа давлатлари, ҳатто Африка хонандаларининг кўшиқлари пайдо бўлганини айтиш ўринли. Бунинг нимаси ёмон, деган эътироз бўлиши мумкин. Тўғри, демократик жамият тартибига кўра бу шахс эркинлигига мувофиқдир. Аммо ёшларнинг ахлоқ-одобига путур етказадиган айрим муסיқий йўналишлардан сақланишимиз керакдек. Миллий эстрадани ривожлантириш ҳақида ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Шунга қарамай, соф миллий оҳанглар ўрнига араб, ҳинд муסיқаларига ўзбекча матн солиб куйлашлар ҳануз учраб турибди. Шу ўринда тан олиб айтиш керакки, айримлар буни севиб тинглашади. Бунинг сабаби шарқона уйғунлик деймизми, қадимий алоқалар натижасими ёки тарихий илдизлар туфайлими, ҳар ҳолда, Шарқ муסיқасида умумийлик бор.

«Титаник» фильмида Селин Дион ижро этган изтиробга тўла дардли кўшиқ овози бутун дунёни тутди. Ҳатто ёшлар ҳам бу кўшиқни куйлайдиган бўлдилар. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ҳақиқий муסיқанинг оммалашувига тасвирий воситаларнинг ёрдами ҳам зарур экан. Лекин миллий илдизлар масаласи ўзгармай қолаверади.

Қадимдан Шарқда, хусусан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда адабиёт ва муסיқа ажралмас саънат турла-

ри ҳисобланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида шоир Биноий ҳақида: «Бурунлар муסיқийдин беҳабар экандур, бу жиҳатдан Алишербек таън қилур экандур» дейиши ҳам фикримизни далиллайди.

Ушбу ҳолатдан муסיқани билиш нақадар зарурлиги англашилади.

Шарқ муסיқасининг яна бир нозик жиҳати, нафисликка тааллуқли лигидир. Нафис оҳанглар руҳга ором беради. Киши қалбида эзгулик, меҳр-мурувват, муҳаббат ҳисларини уйғотади. Бундай оҳанглар билан тарбияланган кишида жаҳолат ва зўравонлик, разолат ва қабиҳлик каби иллатлар бўлмайди. Аксинча кўпол, шанги оҳанглар кишидаги нафис таъб ва туйғуларни ўлдирди. Бир сўз билан айтганда, кишини дидсиз қилиб кўяди. Шу сабабдан Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг қадим муסיқий усталари муסיқадаги нафисликни ҳар жиҳатдан устун билганлар.

Одамларнинг хулқи, феъл-атвори турлича бўлганидек, уларга ато этилган муסיқий қобилият-у дид ҳам турфади. Аммо шахснинг муסיқий диди шаклланиши у вояга етган муҳитга ҳам боғлиқ. Ҳозирги даврда ҳаваскорлик жуда авжга чиқиб, эстрада юлдузи бўлишни орзу қилувчилар кўпайди. Ҳаваскор кўшиқчи мактабда, корхонасида ёру биродарлари йиғинида ўз санъатини намойиш этса, мақсадга мувофиқдир. Бироқ қалбсиз, ҳаваскорлик даражасидаги «санъат» намуналарининг кўпайиб кетиши, айниқса, уларнинг радио ва телевидениедек юксак минбарларда ижро этилиши миллат муסיқий дидининг бузилиши, ўтмаслашишига олиб келади.

Тақдир қулиб боқиб, неча-неча аждодларимиз орзу қилган истиқлолдек бир бахтга сазовор бўлган эканмиз, миллий-маънавий қадриятларимизнинг гултожи ҳисобланмиш мумтоз адабиётимиз ва муסיқа санъатимизни ёшларимизга тушунтирайлик, уларнинг дунёвий ва тарихий тушунчаларини бойитишда мумтоз муסיқадан дас-туриламал сифатида фойдаланайлик.

**Маҳмуд ТОЖИБОЕВ,**  
Ўзбекистон халқ ҳофиси



Сканвордни ҳал этгандан сўнг айланалардаги ҳарфлардан қаторлар бўйича ҳикматли сўзларни билиб оласиз.

Саид ...(адиб)	Спорт	Қўшин	Ковун нави	От туси	Ипак мато	Дарахт	Эчки зоти	Лотин харфи
Ҳарбий хизматчи	Ёрдам	Физик зарра	Юнон тоғи	Авто марка	Тарихий шаҳар	Шоҳмот донаси	Хўл мева	Авто марка
Ток кучи	Жануб шаҳри	Товуш	Одам	Узум нави	Сувори	Тақин- чоқ	Тиниш белги	Ёлғиз
Эсдалик	Миллий таом	Аждод даврни	Ижодга асос	Нон тури	Нишол- да ашёси	Қуруқ мева	Чўл ғиёҳи	Опа

## "БҲАБҲА ТҲАҲИМОҲИДҲИ ҲИДО"

## ТҲА УЗМАҲИДИТҲАҲ БҲАТҲАҲМАҲ

Шарафиддин ТУРОБ

Киши ўзининг болалигидаги ҳамдамларини ҳамиша кўмсаб туради. Турмуш ташвишлари билан бўлиб унутаёзганимиз бир нарсанинг буткул йўқолиб кетганлигини тўсатдан пайқаб қолдим.

Илгари, боринги, бундан 25-30 йиллар аввал ҳам Тошкетда — унинг боғу бўстонларида, албатта, булбул хонишини эшитиб, кишининг кўнгли яйрар эди. Эндиликда шаҳримизда шу куш йўқ.

Ёлғон бўлмасин, беш-олти йил бурун Жанггоҳда кушлар кўргазмаси ўтказилган. Тошкентлик машхур қушчи Мансур Отабек шу кўргазмага келтирган хилма-хил, нодир кушлар орасида бир дона булбул ҳам бор эди. У кишидан шаҳримизда булбулнинг йўқолиб кетиши сабабини сўраган эдим, «олақанот айбдор», деб жавоб қилдилар. Булбул уясига қўйган тухумни олақанот паққос ютар экан. Шундай қилиб, олақанот шунча суллоҳликлари етмагандай, бизни булбулдан ҳам маҳрум этибди.

Авваллари юртимизда олақанот бўлмасди. Чамаси ўттиз йиллар бўлдиёв, Ҳиндистонга

борган ветеринарларимиз бир қушнинг сизир устига қўниб унинг ўқрасини чўқилаб тортиб еяётганлигини кўриб қоладилар ва шу ниятда ундан уч-тўрттасини бизнинг элга ҳам келтирадилар. Қуш кўпая бошлади, олақанот деган ном олади. Ўйламай-нетмай шунақанги юзаки иш тутиш натижасида ўқра қолиб кетиб, олақанотлар булбул қушандаларига айланди.

Ҳиндистон шаҳарлари, йўллари, дала ва боғларини ҳам олақанот тутган. Йигирма йилда бу юртга икки марта бордим, бирон жойда бўлсин, на булбул хонишини эшитдим ва на ўзини кўрдим.

Бир неча йил бўлди. Болгариянинг Несебрь шаҳри яқинида — Қора денгиз бўйида дам олгандим. Ўша ердаги дарахтзорлар, айниқса, ундан жануброқдаги Созопол шаҳри атрофлари булбулмакон жойлар экан. Умримда сира ҳам бундай роҳатланмагандим: булбуллар бири олиб, бири қўйиб хониш қиларди.

Ўшанда зимдан разм солиб юрдим: мамлакатнинг ҳеч қаерида биронта ҳам олақанот учрамади. Хайрият, олақанот бу ёқларга етиб келмабди.

Югославиянинг Загреб шаҳридан бироз наридаги Плитвиц кўли бўйида дам олардик. Бир куни кўл яқинидаги улкан шаршара сайрига бордик. Қулоқларни қоматга келтириб гувуллаб тушаётган шаршара тубига поғонама-поғона тушиб бораяпмиз. Куч билан тушаётган сув тўзғиб борлиқни тумандек қоплаган. Қуёш нури шу туман орасидан аранг ўтиб туради. Қўйингчи, бояги тоқчаларнинг бирида бўтакўзга ўхшаб кетадиган бир гул очилибди. Гулда, кўзимга яхши кўриниб, шундан биттасини узарманми — орқамдан бировнинг «ўзи озку, нега узасиз?» деганини эштиб қолдим. Ўгирилиб қарасам, бир қизалоқ турибди. Қайси тилда гапиргани ҳозир ёдимда йўқ, чамаси Югославия тилларининг бирида — сўзлари русчага яқин — тушунса бўлади. Мулзам бўлиб, узр сўрадим.

Бу воқеага 25 йилдан ошди. Шу-шу сира гул узмайдиган бўлганман. Қачон гул узмоқчи бўлсам, ўша қиз кўз олдимда гавдаланади...

## ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОН!

«Гулистон» журнали яқин йиллар мобайнида ҳар йили олти мартаба чоп этилиб келинган. Таҳририят 2003 йилдан журнални ҳар ойда чоп этиб, унинг ҳажмини катталаштиришга, рангли зарварақлар билан, юқори сифатли қоғозда чиқаришга киришган эди. Албатта шакл ва сифат ўзгаришлари ҳамда нашриёт-матбаа харажатлари ошиб кетганлиги

сабабли биз мўлжаллаган 12 та сонни ўз вақтида чоп этолмай қолдик. Бунинг учун Сиз азиз муштарийлардан узр сўраймиз.

Мана, журналимизнинг ушбу йилдаги илк сони қўлингизда. Сизларнинг ишончингизни жорий йилда тўлиқ оқлаймиз деган умиддамиз.

Таҳририят

## ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ



### ФАҚАТ РАЪНОларга (пародия)

«Қалбимда гул бўлиб очилдингиз,  
Раъно  
Дилимга завқ бўлиб қуюлдингиз,  
Раъно.  
Кўксимни тун осмони,  
деб фараз қилсам,  
Унда юлдуз бўлиб туюлдингиз,  
Раъно!»

### Тўлқин ЮСУПОВнинг «Раъноларга» шеъридан.

Эҳ Раънолар, Раънолар,  
Сизга ҳамд-у санолар.  
Сиз борки, мухлисларим —  
Шеърларимни тан олар.

Юрагимга экилган  
Гулга ўхшаб кетасиз.

«Қалам ҳақи» деб келган  
Пулга ўхшаб кетасиз.

Оёқ-қўлим посбондир,  
Сиз — дилдаги гунчалар.  
Сочингизми — кўксимни  
Ёриб чиққан қилчалар?!

Сиз ҳақда қуйламасдан,  
Тинмади дил оғриғи.  
Ушбу тўрт қатор шеърни  
Уч кун ёздим бор йўғи.

Қиёсингизни излаб,  
Кеча-кундузи бандман.  
Шу қадар зўр экансиз —  
Сал илгари билмабман.

Айтай гапнинг тўғриси —  
Ажойбсиз ҳаммангиз.  
Лекин...  
Бу шеър ҳақида,  
Эшитмасин янгангиз!..

Ориф ТЎХТАШ

Ҳар бир аёл гўзал ва жозибали бўлишни ва бу кўркемлини узоқ йиллар сақлаб қолишни истайди. Лекин ҳамма ҳам бунга эришиш сирларидан воқиф эмас ёки вақт етишмайди. Кўпчилик бежирим кийиниб, замонавий бўяниш гўзаллигининг асосий шартини, деб тушунишади. Бу — тўғри, аммо бирёқлама фикр. Аёл киши аввало ўз характерини белгилаб берувчи кўринишга эга бўлиши лозим. Қоматни тик тутиб, тўғри чизик бўйлаб энгил, эркин қадам ташлаш аёл кишига чиройли кўриниш берувчи биринчи омилдир.

Аёлларнинг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, ўтириши нафис бўлмоғи, юз ифодаси, қараши, табассуми, ҳатто йиғисидаям маъно бўлиши керак. Чиройли хоним қиёфасини яратишнинг юқоридаги омилларидан ташқари гўзаллигининг энг сирли томони овозга ёқимли тус бериш, хушбўй атирлардан фойдаланиш, илоҳи борича табиий ва самимий бўлишдир. Ҳар бир аёл ўз услубига эга бўлиши лозим. Чунки мода ўткинчи, услуб эса сақланиб қолаверади. Шундай қилиб, ўз олдига қуйидаги зарур талабларни қўйган аёлгина атрофдагиларда ёқимли таассурот қолдира билади. Яъни тик қомат, нафис ҳаракатлар, бежирим кийиниш, упа-эликдан меъёрида фойдаланиш ва ҳар қандай шароитда ўзини тута билиш.







Шунингдек, ташқи гўзаллик берувчи биринчи восита саломатликдир. Тўғри овқатланиш, руҳий ва жисмонан толиқмасдан, яхши дам ола билиш, шахсий гигиенага амал қилиш тансихатликнинг асосий шартларидандир. Рисоладагидек овқатланиш кўркем кўриниш, танга қувват, руҳиятга куч беришдан ташқари, эрта қаришнинг ҳам олдини олади. Соғлом киши ҳаракатчан, дадил, очиқ чеҳрали бўлиш билан бирга, тиниқ юз терисига, жилокор сочларга эга бўлади. Нотўғри овқатланиш туфайли бир қатор касалликлар келиб чиқиши баробарида гўзаллик ҳам чекина боради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ортиқча вазн — кўпчилик аёлларнинг «муаммоси». Семиришнинг олдини олиш учун ҳам, аввало тўғри овқатланмоқ лозим.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир аёл соғлом ва гўзал бўлишни истайди. Бунга эришиш учун эса бир озгина эътибор ва вақт ажратиш кифоя. Албатта, гўзал қомат, гўзал чеҳра ва гўзал сийрат аёлликнинг муҳим томонларидир.



«АВТО ОЛАМ»

Катакчалардаги ҳарфларни турли йўналишда ўқиш билан дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилган 47 номдаги автомобил маркасини топиб, машқни ҳал қилинг.

Н	В	И	Л	Л	И	В	О	Л	Ь	В	М	Е	Р	С	Е	Д
Е					С	Т	О	Й	О	О	Ж					Е
К					Р	А	Р	И	Т	Р	И					С
С	И	Я	Ф	Е	Р	А	В	И	А	Е	Г	Ф	О	Р	А	Д
Х	И	Н	О	Ь	Л	О	Ф	А	О	Н	У	Л	И	Д	У	А
И	В	Л	З	К	С	Т	У	Д	Е	Б	Е	К	Т	И	Д	Й
Н	О	Л	И	С	К	Р	А	Й	С	Л	Е	К	А	З	И	М
Т	К	О	Л	В	А	Г	Е	Н	Г	А	Р	Е	М	Р	Е	Л
Е	С	Х	Т	И	К	О	В	О	Л	А	О	Р	М	А	Н	Н
Р	Н	Э	Ш	О	Н	А	Л	Н	И	В	Л	М	О	Р	Г	А
					М	О	А	Л	Ь							
					А	П	Н	И	П							
					Ц	Е	Л	Ь	В							
С	П	Р	Р	Е	М	У	С	У	З	А	Ш	Е	В	Р	О	Л
Б	У	И	К	И	А	Д	И	К	У	Т	Ф	У	Т	У	Р	Е
И	Ц	Н	У	К	А	Р	У	С	Ч	Б	У	Р	Г	Д	А	С
С	И	Т	Р	И	Й	О	Т	А	А	Й	К	А	Ш	А	М	А
И	М	Е	Р	М	О	С	К	Й	Т	Л	О	К	К	О	Д	А
Ч					К	В	Ў	А	Х							З
Е					А	И	Л	Т	И							А
П					И	Ч	С	Р	Д							П
Е	Л	Ь	П	А	Н	Т	Т	И	А	А	Ц	Е	Ж	О	Р	О

## «Вилце-минце» ёки чўнтакдан тириб келган рўйхатлар

Қайси куни «Чорсу бозори»га кириб бораётсам, собиқ маҳалладошим Сувонкул чиқиб келаяпти. Оғзи қулоғида. Фира-шира кайфи бор. Лабида чала чекилган сигарет. Қўлида чала тўлган рўзгор халта. Ниманидир минғирлаб хиргойи қилиб келаяпти.

Сувонкул билан бирпас хангома-лашадиган бўлдим деб турсам, у ўзи тарафга келаятган бир неча мелиса йигитларни кўриб қолдим, йўлни тескари тарафга буриб юборди. Ариқдан сакраб ўтаётганида чўнтагидан капалакдек пирпираб чиқиб, йўлга тушган қоғоз парчасини кўриб ўша томонга юрдим. «Бирон муҳим ҳужжат-пужжати бўлса йўқотиб юрмасин, ҳар ҳолда собиқ бўлсаям маҳалладошим», деган ўйда қоғоз бўлагини қўлимга олдим. Унга қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан қуйидагилар ёзилганди:

Картонка -

Иш -

Тўғри -

Сигарет 5 қўти («Астра», «Кардон») +

Сабзи -

«Тарзан»га исталавойдан сўяк +

Вино, исвежий пива +

Кирсовчи -

\* \* \*

Эрталаб қарасам, ўғлим шошиб чиқиб кетаяпти. Эр-хотин орқасидан «Чойингни ичиб кетмайсанми», деб ҳой-ҳойлаганча қолдик. Ўғлим эса куртқасини йўл-йўлакай кийиб бораркан, сумқасиданми, чўнтагиданми пирпираб қоғоз бўлаги учиб тушди. Ўзи сезмади, ҳовлиққанча чиқиб кетди. Қоғоз бўлагини олдим. Унга ўғлимнинг таниш хати билан қуйидагилар ёзилганди:

«С»га теледон +

«Т» билан касре, нида учрашув -

«В»га теледон +

«Л» билан дискомтекада учрашув +

\* \* \*

Тунов куни ишдан келаятиб йўлда

шоир Гирёнийни учратиб қолдим. У мени кўрмади. Жуда паришон, тушкун қиёфада эди. Бир маҳал қарасам оғзи очиқ, қаппайган қоғоз папкасидан кафтдеккина қоғозни олдида, кўзойнаги устидан унга қараб бош чайқади, чуқур хўрсиниб қўйди ва ерга ташлади. Ўзи эса кетди.

Азбаройи қизиққанимдан бориб ўша қоғозни олдим. Унга қуйидагилар ёзилганди:

Янги асарларимдан намуналар топширилган тахририятлар: Хабар олишим керак!»

«Тошкент оқшоми» -

«Муриптил» -

«Ўзбекистон адаби, ти ва санъати» -

«Оила ва жамият» -

«Тонг юлдузи» -

\* \* \*

Каминани бошқаларнинг чўнтагидан тушиб қоладиган рўйхатларни ўқиб юришдан бошқа иши йўқ экан деб ўйламанг!

Энг қизиғи, ўзим ҳам яқинда чўнтагимдаги рўйхатни йўқотиб қўйдим. Унда нималар ёзилганди, дерсиз? Келинг яхшиси, буни келаси сафар айтиб берарман. Дарвоқе, ана шу ваъдамни ҳам «Режаларим тартиби»га ёзиб қўйишни нутиб қўймасам бўлди!..

Эркин УСМОНОВ



— Илтимос, ирқинингни кўрсатмай тўр, баллиқларни чўчишиб юборясан...



— Бир қарорга келдингизми? Ё менга ўйланасиз, ё бир - биримизни қайтиб кўрмаймиз...

Комил ЖОНТӨБЕВ  
суратлари

